

КПСС XXVII  
СЪЕЗДИ  
ШАРАФИГА


R 496  
1985/12



8N2  
8HE

ГУЛИСТОН

12  
1985



Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти  
Иўлдош Охунбоев стахановчилик ҳаракати-  
нинг ташаббускори, қаҳрамон шахтёр  
Алексей Стаханов ва ўғли Каримберди  
билан. Қрим. 1936 йил.



Газлида янги — 4-компрессор станцияси  
ишга туширилиши натижасида мамлакат  
қуворларидаги газ оқими икки марта  
кўпайди.

Г. Еқубов фотолари




Газлидаги нефть-газ ишлаб чиқариш  
бирлашмаси пешкадаларидан — Раҳмаг  
Бафоев ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони  
Аслон Бомуродов.



# ҚАЛБ ҚЎРИМИЗ — ВАТАНГА

Назрилла МАННОПОВ,  
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони



Ажойиб даврда яшамоқдамиз. Ҳар бир кунимиз бизга олам-олам янгилик ҳамда қувонч келтиради. Партия ва ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган ҳар бир қарор ва қўрилган ҳар бир тadbир давлатимизнинг куч-қудратини оширишга, совет кишиларининг фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

Шу йил октябр ойининг дастлабки кунларида КПСС Марказий Комитети яна бир муҳим қарор қабул қилди. Иқтисод ва тежамкорлик, ишлаб чиқаришда интизом ва тартибни мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилинган бу қарорда Иттифоқимизнинг айрим са-

ноат корхоналарида эришилаётган муваффақиятлар, камчиликлар мисоллар билан кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, бундан бир неча ойлар муқаддам «Труд» газетаси саҳифаларида Бутуниттифоқ ишчилар сиртки йиғилиши ташкил этилган эди. Бу йиғилишда заводлар, ишлаб чиқариш биришмалари, колхозлар, совхозлар ва бошқа корхоналарнинг ишчилари, хизматчилари, меҳнатчилари актив иштирок қилиб, иқтисод ва тежамкорлик, иш жойларида интизом ва тартибни мустаҳкамлаш ҳусусидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. КПСС Марказий Комитетининг юқорида тилга олинган муҳим қарори ана шу йиғилишнинг якуни сифатида биз ишчиларни гоят хурсанд қилди ва биз уни корхонамизда, цех ва бригадаларимиз аъзолари билан атрофлича ўргандик. Масалан, қарордаги бригада ҳўжалик ҳисобини ривожлантириш, тежамкорликни рағбатлантириш, тежаллан ресурслар ҳисобига мукофот фондлари нормативларини белгилаш — моддий манфаатдорликни ошириш, брак маҳсулот учун ишчилар, хизматчилар ва раҳбар ходимларнинг моддий жавобгарлигини ошириш ҳақидаги жумлалар айниқса бизни хурсанд қилди. Худди шу масалаларнинг қўйилиши ва ижроси мамлакатимиздаги барча корхоналар сингари бизнинг Авиация ишлаб чиқариш биришмамиз ишлаб чиқариши учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Бригадамизда, саккиз киши меҳнат қиламиз. Ана шу саккиз кишининг ҳаммаси ўз ишига шунчалик масъулият билан қарайдики, бизнинг қўлимиздан чиққан маҳсулотлар ўзининг сифати жиҳатидан ҳозиргача ҳеч қачон ёруғ юзимизни шувит қилмаган. Ваҳоланки, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариб танқидга учраётган бригадалар, цехлар, ҳатто корхоналар республикамизда оз эмас.

Ҳа, бизнинг бригадамиз ишчилари сифат масаласига алоҳида эътибор бериладилар. Бир неча йиллардан бери биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан бирорта нуқсон топилмагани учун ҳам менга, бригада бошлиғи сифатида, шахсий тамга (клеймо) берилган. Бу ишонч ҳам ишчиларимизнинг ўз меҳнатида бўлган масъулиятини янада оширади. Демак, менинг қўлимдан ва назаримдан ўтган маҳсулотлар мутлақо нуқсонсиз бўлиши керак.

Ҳолисона айтганда, ишнинг унуми ҳам, сифати ҳам меҳнат жойидаги тартиб ва интизомга боғлиқдир. Бригадамиздаги ишчилар бу ҳақиқатни жуда яхши тушунадилар. Агар ҳамма жойда белгиланган иш соатларидан унумли фойдаланиладиган бўл-

са, қолоқ бригада, қолоқ цех ва қолоқ корхона бўлмас эди. Бу гапни айтаётганимнинг боиси, бизнинг бригадамизда саккиз соатлик иш кунидан унумли фойдаланамиз. Бунинг учун эртага қиладиган ишларимизни бутун кечқурун муҳокама қилиб оламиз. Баъзан, ҳатто, икки-уч кун кейин бажарадиган иш жараёнларини ҳам ўзаро келишиб қўямиз. Бу нарсанинг яхши томони шундаки, иш учун етишмай турган деталлар, материаллар аввалдан тахт қилиб қўйилади. Ана шунда айрим цех ва корхоналарда юз берадиган ноқулай аҳвол — материал танқислиги юз бермайди. Энг муҳими, ҳамма ўз иши билан банд бўлади, топшириқ ўз вақтида адо этилади.

Бизнинг корхонамизда, шу жумладан бригадамизда тажрибали ишчилар меҳнатидан фойдаланиш ва ёш ишчиларга иш ўргатиш, қисқа қилиб айтганда, устоз ва шогирдлик аънанаси яхши йўлга қўйилган. Мисол учун, Холмурод Муродов билан Зокир Гафуров — бригадамизнинг кекса, тажрибали ишчиларидан. Улар анчадан бери ўз кексаликлари туфайли пенсия олишади. Шу билан бирга улар ҳали заводдаги меҳнатларини ҳам тарк этганлари йўқ. Кекса ишчиларимиздан Орифхон ака Комилов ҳақида ҳам шу гапларни айтишим мумкин. Орифхон ака 1942 йилда корхонамизга ишга кирганлар ва ҳозир ҳам бошқаларга ўрнак бўларли даражада ишлаб юрибдилар. Саидамин Хўжа-аҳмедов, Рустам Нажмиддинов, Абдулла Нетьматуллаев, Нормамат Бегимқулов сингари ёшларимиз эса, кексаларимизнинг иш тажрибаларини ўрганиб, янада яхшироқ ишлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бригадамизнинг энг ёш ишчиларидан Мирзақориев Ҳасанбой бу йил ўзининг меҳнат фаолиятини бошлади. У уч ой давомида менинг ёнимда шогирд сифатида иш ўрганди. Яқинда разряд олди. Ҳозирча энгилрок жараёнларини бажариб турибди. Унинг келажакда донгдор ишчи бўлиб етишишига ишончим комил.

Менимча, бригада ҳўжалик ҳисобини ривожлантиришда коллективнинг аҳилилиги ва ҳар бир кишининг бир неча касбини эгаллаши жуда катта аҳамиятга эга. Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, дейдилар. Айтилик, бир киши тоби қочиб, бир-икки кун ишдан қолади. Шунда коллективдаги бошқа аъзолар унинг йўқлигини билдирмасликлари лозим. Акс ҳолда иш юришмай қолади.

Ишлаб чиқаришда интизом, тартибни мустаҳкамлаш тўғрисида сўз кетар экан, ҳар бир кишининг иш унуми соатлар ва минутларга боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлагим келади. Масалан, менинг ўзим умримда бирор марта ишга кечикиб келганимни эслолмайман. Ҳамиша ишга барвақт бораман, бордию ишга тушиш учун ҳали вақт бўлса, корхонамиз ҳовлисидаги чойхонада чой ичиб, ҳордиқ чиқариб ўтираман. Сменани эса, бирор минут ҳам кечикмай қабул қилиб оламиз. Натижа эса ёмон бўлаётгани йўқ.

Ленинча аънаналарга содиқ бўлган партиямиз ҳамиша омма билан алоқани муттасил мустаҳкамламоқда, жамоатчилик фикрига эътибор билан қулоқ солмоқда, совет кишиларининг етилган проблемаларга чуқур қизиқишларини кадрлармоқда, уларни меҳнат жараёнларини қайта қуришга тобора кўпроқ жалб этмоқда. Бундай ажойиб аъна-на, ўз навбатида, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленумида таъкидланганидек, ишчилар синфининг, кенг меҳнатчилар оммасининг гоъвий етуклигини ва юксак сиёсий онглилигини тобора оширмоқда.

Бригадамиз, цехимиз ва корхонамиз ишчилари номидан айтаманки, биз бундан кейин ҳам партияимизнинг ҳар бир чакириғига лаббай деб жавоб берамиз, КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб оламиз, бутун истеъдодимизни, қалб қўримизни жоноҳон она Ватанимизнинг яна ҳам гуллаб-яшнаши йўлида сарфлайверамиз.

Бутун дунё пролетарлари, бирилашмиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадний журнали

№ 12 (430)  
Декабрь  
1985



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

# Тинчлик, бунёдкорлик ПРОГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Октябрь пленуми ўз муҳокамасига тақдим этилган ҳужжатларни — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги тахрирдаги Программаси ҳамда тақлиф этилаётган ўзгаришлар билан КПСС Устани лойиҳаларини, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларининг лойиҳасини маъқуллади ва уларни КПСС XXVII съезидан олдин ўтадиган партия йиғилишларида, конференцияларида ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг съезларида муҳокама этиш учун, Асосий йўналишлар лойиҳасини эса меҳнат коллективлари, ўқув юртлиари, харбий қисмлари ва жамоат ташкилотлари йиғилишларида ҳам муҳокама этиш учун эълон қилди.

«Булар — жуда катта сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатлардир, — деди ўртоқ М. С. Горбачев ўз докладыда. — Уларда

гап бизнинг программани мақсадларимиз ҳақида, партия бош йўли, унинг иқтисодий стратегиясининг энг муҳим масалалари ҳақида, тарихнинг кўп жиҳатдан бурилиш характерига эга бўлган хозирги, бениҳоя мураккаб ва масъулиятли даврида омма орасида ишлаш формалари ва методлари тўғрисида боради».

Мазкур улуғвор сиёсий ҳужжатлар Ватанимиздагина эмас, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида, жаҳондаги барча тараққийпарвар кишиларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Барча совет кишилари, жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси (янги тахрири)» лойиҳасини зўр сиёсий активлик ва ишчанлик вазиётида муҳокама қилиб, ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари билан ўртоқлашмоқдалар. Оддий ишчида тортиб академиккача — турли касб ва ихтисос ҳоллари партия олдинга сур-

ган улуғвор вазифалар ва уларни чинакамга амалга оширишнинг аниқ-равшан режаларини тўла-тўқис маъқулламоқдалар. Лойиҳанинг умумпартия, умумхалқ муҳокамасида миллионлаб совет кишилари — коммунистлар ва партиясизларнинг иштирок этиши партияга ўзининг коммунизм сари йўлини яхшироқ текшириб олиш, жамиятимизнинг барча синфлари ва табақалари хоҳиш-иродасини, манфаатлари ва эҳтижларини ҳисобга олиш имконини бераётир. Ҳозир маъсулиятли давр — КПСС XXVII съезди арафасида экономика ва сибатнинг энг муҳим масалалари юзасидан партиянинг халқ билан бевосита маслаҳатлашуви, шу асосда истиқбол режаларини — тинчлик ва бунёдкорлик Программасини белгилаб олиш ижтимоий моҳияти жиҳатидан бемисл ва буюк аҳамиятга моликдир. Буни қалбдан чуқур ҳис этган совет кишилари КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳасини чин дилдан қўллаб-қувватламоқдалар.

## МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ БИЛАН

Хайринисо НОРМАТОВА,

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети раисининг ўринбосари, Ангрэн шаҳар уйсузлик бошқармаси 2-пардозлаш участкасига қарашли комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи

Бизнинг Ангрэн шаҳарсозлик бошқармаси\* 2-пардозлаш участкасига қарашли комсомол-ёшлар бригадамиз аъзолари КПСС Программасининг янги тахрирдаги лойиҳаси билан атрофлича танишиб чиқдилар. Ҳар бир соҳада аниқ-равшан белгилаб берилган улуғвор вазифалар биз қурувчиларни меҳнат интизомини ва уюшқоқликни янада мустаҳкамлаган ҳолда ишлаш ва яшашга илҳомлантиради.

Программа лойиҳасида уй-жой муаммосини ҳал этишга доир шундай сўзлар бор: «Турар-жой қурилишининг сифатига, кватиралар ва уйлارнинг яна ҳам қулай ва ши-

нам бўлишига, планировкасини яхшилашга, уларни техник воситалар билан таъминлашни тақомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди». Бу ҳол бизни, — масъулият ҳиссини янада кучайтирган ҳолда, — бинолар сифатини яхшилашга даъват этади.

Биз шахтёрлар шахри — Ангрэнда турар-жой бинолари қураимиз. Маълумки, бу ердаги ер ости бойлиғи республикамиз кўмир запасининг 97,3 фоизини ташкил этади. Демак, Ангрэн шахри ҳали кенгайиб боради, шахтёрлар учун ҳали бу ерда қўллаб турар-жой бинолари қад ростлайди. Шунинг учун ҳам биз қурган ва қуражак бинолар ўзининг

кўркамлиги ва сифати билан, яшаш ва ҳордиқ чиқариш учун қулайлиги, шахарнинг умумий қиёфасига уйғунлиги билан кишиларимизнинг дид-талабларига монанд бўлиб керак. Бундан ташқари, фурсат кутиб турмайди, ҳар бир дақиқа ғанимат — уйлари белгиланган муддатлардан кечиктирмай фойдаланишга тошпиришимиз лозим.

КПСС XXVII съезидида тасдиқланажак мазкур партиявий ҳужжатни қайта-қайта ўқир эканмиз, бугун кечагидан, эрта бугунгидан кўра ғайрат билан меҳнат қилишни қалбларимизга жо этамиз. Чунки бу Программа буюк режаларни амалга оширишда биз учун дастуриламалдир.

## ЁРҚИН ЙЎЛ

Шукур БУРҲОНОВ,

СССР халқ артисти

Совет кишилари буюк тарихий воқеалар арафасида турибдилар. КПСС XXVII съездин мамлакатимиз меҳнаткашлари меҳнат вахтасида туриб кутиб олаётгилар, биз санъаткорлар — ижод аҳли ҳам съездин жўшқин илҳом ва нури руҳ билан қаршилайтирмиз. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Октябрь пленуми қарорига мувофиқ матбуотда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги тахрирдаги Программасининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди. Бу Программа — коммунистик бунёдкорликнинг ёрқин йўлидир. Бинобарин, янги тахрирдаги Программа лойиҳасида истиқболнинг яна ҳам равшан ва ҳаётбахш вазифалари кўрсатиб берилди. Шу сабабдан матбуотда мазкур Программа

лойиҳаси борасида умумхалқ муҳокамаси бошланиб кетди, барча совет кишилари коммунистик бунёдкорлик Программасида илгари сурилган гоёларни ҳамда вазифаларни яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Жонажон партиямиз маданий қурилиш, адабиёт ва санъат соҳасининг ривожланишига ҳам доимий ғамхўрлик кўрсатиб келаётир. Янги тахрирдаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси лойиҳасида ҳам бу соҳага алоҳида боб ажратилиб, халқчиллик ва партиявийлик принципларига асосланган совет адабиёти ва санъати олдидаги вазифалар ҳамда ривожланиш йўллари белгилаб берилган. Бу бобда: «Партия адабиёт ва санъатнинг ролини оши-

ришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатаверади...» деб алоҳида таъкидланади. Шунингдек, унда ижодкор масъулияти ҳам ниҳоятда аниқ ифодаланган: «...Адабиёт ва санъат арбоблари олдида чинакам эркин ижод қилиш; ўз мақоратларини ошириш, турли қил реалистик формалар, услуб ва жанрларни янада ривожлантириш учун кенг уфқлар очиб қўйилган. Халқнинг маданий савияси ўса борган сари санъатнинг жамият ҳаётига, унинг маънавий психологик муҳитига таъсири кучая боради. Бу маданият арбобларининг ижоднинг гоёяй йўналиши, асарларининг бадиий таъсир кучини ошириш учун масъулиятини кучайтиради». Дарҳақиқат, биз санъаткорлар замондошларимизнинг ёрқин образларини яратиб, кишиларимиз маънавий савиясини ошириш ҳамда уларни буюк коммунизм қуриш ишига илҳомлантириш учун мамлакатимиз равнаки йўлида бутун илҳомимизни, куч-гайратимизни сафарбар этмоғимиз лозим. Бунда мазкур янги тахрирдаги КПСС Программаси дастуриламал бўлиб хизмат қилаверади.

В. И. ЛЕНИН

# МУСОБАҚАНИ ҚАНДАЙ УЮШТИРИШ КЕРАК

Шу сарлавҳали мақоладан

...Энди, энг асосий вазибалардан бири, эҳтимол энг асосий вазифа ишчиларнинг ва умуман барча меҳнаткашлар... ташкилий иш соҳасидаги... мустақил починларини имконият борида кенгроқ ривожлантиришдир. Давлатни идора қилиш, социалистик жамиятнинг ташкилий қурилишини олиб бориш, гўёки фақатгина «олий синфлар» деб аталганларнинггина, бойлар ёки бой синфлар мактабини ўтаганларнинггина қўлидан келади, деган эски, беаъни, ёввойи, қабиҳ ва жирканч хурофотни мутлақо йўқ қилиб ташлаш керак.

Бу — хурофотдир. Бу хурофотни чириган эски урф-одат, жаҳолат, қуллик одати, айниқса булардан ҳам кўра идора қилиб талашдан, талаб идора қилишдан манфаатдор бўлган капиталистларнинг гаразли манфаатпарастлиги қўллаб турипти. Йўқ. Ишчилар ўзларига билим кучи кераклигини бир лаҳза ҳам унутмайдилар. Ишчиларнинг билим олиш ишига фавқулодда интилишлари, худди ҳозир намоён бўлаётган интилишлари шунини исбот қиладики, бу масалада пролетариат хато қилмади ва қилиши ҳам мумкин эмас. Аммо ташкилотчилик ишини хат-саводи бор, кишиларни таний оладиган, амалий тажрибаси бўлган оддий ишчи ҳам, деҳқон ҳам эплай олади. Бундай кишилар эса, буржуа интеллигентлар такаббуруна ва назар-писанд қилмай тилга оладиган «авом халқ» орасида жуда кўп. Ишчилар синфи ва деҳқонлар бундай талантларнинг битмас-туганмас манбаи ва қонидир.

Ишчи ва деҳқонлар ҳали «тортиниб» туриптилар, улар энди ҳоким синф бўлиб қолганликларига ҳали бутунлай ўрганиб олганларича йўқ, ҳали улар етарли даражада дадил эмаслар. ...1917 йил Октябрь революциясининг кучи ҳам, унинг ҳаётийлиги ҳам, енгилмаслиги ҳам шундаки, ... барча эски ғовларни синдиришда, эски кишанларни узиб ташлашда, меҳнаткашларни мустақил янги ҳаёт яратиш йўлига олиб чиқмоқда.

Ҳар бир ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советининг, ҳар бир матлубот жамиятининг, ҳар бир таъминот союзи ёки комитетининг, ҳар бир фабрика-завод комитетининг ёки умуман ишчилар контроли органининг энг муҳим иқтисодий вазибаси — ҳисобга олиш ва контроль қилишдир...

Советлар ишга дадилроқ, ташаббускор бўлиб киришмоқлари лозим. Ҳар бир «коммуна» — ҳар бир фабрика, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир матлубот жамияти, ҳар бир таъминот комитети — бир-бири билан мусобақа қилиб, меҳнат ва маҳсулотлар тақсимотини ҳисобга олиш ва контроль қилишни амалда уюштирувчилар сифатида иш кўриши керак. Бу ҳисобга олиш ва контроль қилиш программаси содда ва ҳар бир киши учун равшан ва тушунарлидир: ҳар бир кишининг нони бўлсин, ҳамманинг оёғида чидамли пойафзалли ва устида бутун кийими бўлсин, иссиқ уй-жойи бўлсин, ҳалол ишласин, ҳеч бир муттаҳам (шу жумладан ишқамас ҳам) озодликда ўйнаб юрмасин, балки турмада ўтирсин ёки энг оғир мажбурий ишда ишлаб жазосини торгсин, социализмнинг қоида ва қонунларидан бўйин товловчи ҳар бир бой муттаҳам кишининг бошига тушадиган кундан қочиб қутулмасин, муттаҳамнинг бошига тушадиган кун эса, ҳаққоният юзасидан, бойнинг тақдири билан бир бўлиши керак. «Ишламаган тишласин» — социализм-

нинг амалий кўрсатмаси мана шудир. Мана шунини амалий равишда татбиқ қилиш керак. Бизнинг «коммуна»ларимиз ва ишчи ҳамда деҳқонлар орасидан чиққан ташкилотчиларимиз, айниқса интеллигентлар ичидан чиққан ташкилотчиларимиз ана шундай амалий ютуқлар билан фахрланишлари керак (айниқса дейишимизнинг сабаби шуки, улар ўзларининг умумий кўрсатмалари ва резолюциялари билан фахрланишга жуда одатланиб қолганлар, ҳаддан ташқари одатланиб қолганлар).

Ташкилотчи талантлар мана шундай ишларда амалий равишда ажратилиб, юқорига, умумдавлат бошқарув ишига кўтарилмоқлари лозим. Халқ ичидан бундай ташкилотчи талантлар кўп... Уларга қанот ёзиб чиқиш учун ёрдам бериш керак!

<sup>1</sup> В. И. Ленин. ТАТ, 35-том, 219—220, 224—225—226-бетлар.



Суратда: Маргилон ипакчилик комбинати 1-тўқув цехи участкаларидан бирининг умумий кўриниши.

А. Жданов фотоси.

Партиянинг VIII (1919 йил) съездида қабул қилинган Программа ва ленинча социалистик жамият қуришнинг илмий плани мамлакатда социализм қуриш учун энг аввало мамлакат саноатини ривожлантириш (саноатни индустрлаштириш), қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ҳамда маданий революцияни амалга оширишдек буюк вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатни индустрлаштириш масаласи энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири эди.

Саноатни индустрлаштириш масаласи партиянинг Программасида муҳим вазифа қилиб қўйилишининг асосий сабаблари саноатни ривожлантиришдан, бутун Россияни электрлаштиришдан, оғир саноат ўсиши эвазига энгил саноат учун асбоб-ускуналарни кўпроқ ишлаб чиқаришдан, қолоқ бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қишлоқ хўжалик техникаларини кўпроқ ишлаб чиқаришдан, кишилар учун кийим-кечак ва бошқа истеъмол молларини кўпайтиришдан иборат эди.

«Агар Россия жуда кўп электростанциялари ва қудратли техника ускуналари билан қопланганидан бўлса, у вақтда бизнинг коммунистик хўжалик қурилишимиз бўлғуси социалистик Европа ва Осиё учун намуна бўлади», — деб башорат қилган эди В. И. Ленин. Бу билан у, барча социализм ганнимларининг пуч даъволарига қаттиқ зарба берибгина қолмасдан, ҳатто Россия улар сиғинаётган ғарб учун ўрнак бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Партиянинг бундан 60 йил муқаддам 1925 йил декабрида бўлиб ўтган XIV съезди

аниқ белгилаб берди, пролетариатни социалистик қурилиш ғалабасига ишонч билан қуроллантирди ва СССРда социализм ғалабаси учун кураш партиянинг асосий вазифаси эканлигини уқитиб кўрсатди.

Мамлакатимизни индустрлаштириш мурракб бир шартда бўлган эди. Бунинг устига СССРни «иқтисодий блокада» қилишга уринаётган капиталистик мамлакатлардан моддий ёрдам сўрашнинг ўзи пуч хаёл эди.

Ишчи ва деҳқонларимизнинг мустақкам ва бузилмас иттифоқи, ёш Совет республикасининг подшо қарзлари юзасидан барча тўловлардан озод бўлганлиги, ташқи савдоимизнинг муваффақиятлари, мамлакатимизда мавжуд бўлган барча моддий ресурслардан тўлиқ, тежаб фойдаланиш ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати, меҳнат унумдорлиги учун кураш, социалистик мусобақанинг кенг миқёсда авж олиши СССРни индустрлаштиришдек буюк ишнинг амалга ошишига олиб келди. Айна пайтда партия саноатни ривожлантириш ишига тўсқинлик қилувчи троцкичи ва виновечиларга қарши курашни ҳам бирга олиб борди.

Халқимизнинг сабот-матонатли меҳнати натижасида мамлакатни социалистик индустрлаштиришнинг дастлабки натижалари кўрина бошляди. 1927 йилнинг охирига келиб саноат гражданлар урушидан олдинги даражадан кўп маҳсулот чиқара бошлади. Йирик саноатнинг юксалиши халқ хўжалигида социалистик секторнинг етакчилик ролини оширди. Бу секторнинг ҳиссаси 1927 йилнинг охирида 86 процентни ташкил этди. Социалистик индустрлаштириш мада-

социалистик индустрлаштириш сиёсати СССРни қолоқ аграр мамлакатдан илғор, саноатлашган қудратли давлатга айлантиришга қаратилган эди. Индустрлаштириш халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини юксалтириш учун мустақкам замин яратиб берди, Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини оширди, мамлакатни илмий-техника тараққиётининг олдинги марраларга чиқарди. Социализм қуришнинг қарийб 70 йиллик тажрибаси йирик социалистик индустрияни барпо этишнинг ленинча сиёсати тўғри эканлигини тасдиқлади.

Бугунги кунда агар СССРда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўрта ҳисобда 5—6 йил давомида икки баравар ўсиб турган бўлса, АҚШда 18 йил мобайнида, Англия ва Францияда 28 йил ичида шунча ўсмоқда. Ҳозир эса жаҳон саноат маҳсулотларини бешдан бир қисмидан кўпроги СССР ҳиссасига тўғри келмоқда.

ВКП(б) XIV съезди томонидан ишлаб чиқилган тадбир барча иттифоқдош республикаларда, миллий районларда ҳам замонавий индустрияни вужудга келтириш вазифасини белгилаб берган эди. Бу тадбирлар халқларнинг амалдаги қолоқлигини йўқотиш, миллий кадрларни ўстириш, миллий маданиятни ривожлантиришда жуда муҳим аҳамият касб этди.

В. И. Лениннинг: «Қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва муайян тараққиёт босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин», деган башорати ўрта

# ЮКСАЛИШНИНГ ЛЕНИНЧА ПРОГРАММАСИ

ВКП(б) XIV  
съездининг  
60 йиллигига

ленинча социализм қуриш ва доҳийнинг: «Деҳқончиликни ҳам қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина социализмнинг бирдан-бир моддий асоси бўлиши мумкин», деган кўрсатмасига амал қилиб, саноатни ривожлантириш масаласини муҳокама қилди ва мамлакатни социалистик индустрлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. «Иқтисодий қурилишни шундай нуқтага назардан олиб бориш керакки, — деб таъкидланган эди съездда қабул қилинган қарорда — натижада СССР ташқаридан машиналар ва асбоб-ускуналар келтирадиган мамлакатдан машиналар ва асбоб-ускуналарни ўзи ишлаб чиқарадиган мамлакатга айланиши, шундай қилиб, СССР капиталистик қуршов шариотида иқтисодий жиҳатдан капиталистик жаҳон хўжалигининг қўшимчасига айланиб кетмасдан, балки социалистик шаклда қурилаётган ва ўзининг иқтисодий юксалиши туфайли барча мамлакатлардаги ишчиларни ҳамда мустамлака ва ярим мустамлакалардаги эзилган халқларни революционлаштиришда қудратли восита бўлиб хизмат қила оладиган, иқтисодий жиҳатдан мустақил бир мамлакат бўлиб қолсин».

Съезд партиянинг тарихига мамлакатни индустрлаштириш съезди бўлиб қолди. У социализмнинг иқтисодий юксалиш йўлини

ний революциянинг ғалабаси, қишлоқ хўжалигининг коллективлаштирилиши билан биргаликда СССРда социализмнинг тўла ғалабасини таъминлади. Партия XIV съезди қарорлари асосида вужудга келтирилган қудратли индустрия негизда мамлакатнинг мудофаа қобилияти мислсиз мустақкамланди. Улуғ Ватан уруши социалистик индустриянинг нақадар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

«Совет экономикаси ҳам, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида, — бу жуда машаққатли синовга шараф билан бардош берди. Саноат ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда ташкил этиш ўз афзалликларини ишонарли тарзда кўрсатди».

Халқимизнинг астойдил, фидокорона меҳнати туфайли қисқа вақт ичида завод-фабрикаларимиз қайта тикланди. СССРнинг урушдан олдинги ишлаб чиқариш даражасига етиб олиши учун атиги уч йилгина кифоя қилди. Уша пайтдан буюн мамлакат иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий тараққиётнинг барча йўналишларида олға томон жуда илгариллаб кетди.

XIV съезд белгилаб берган мамлакатни

Осиё республикалари мисолида тасдиқланди.

Мамлакатимизда қарор топган халқларнинг бузилмас дўстлиги Ўзбекистонда хўжалик ва маданий қурилишнинг бемисл ривожига жуда катта ҳаётбахш таъсир кўрсатди. Бу дўстлик улуг рус халқига ва бошқа қардош халқларнинг республикамизга кўрсатган саҳий ва бегараз ёрдамда ўзининг ёрқин ифодасини топти.

Миллий республикаларда ва областларда саноат марказлари ва маҳаллий миллатлардан саноат кадрларини вужудга келтиришнинг таъминлаган, партиянинг XIV съездида ишлаб чиқилган социалистик индустрлаштириш программаси эндигина қаддини тиклаётган социалистик Ўзбекистон учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ВКП(б) XIV съезди ва УзКП(б) Марказий Комитети III пленуми (1926 йил, май) қарорлари асосида республикамизда саноатни ривожлантириш, яъни индустрлаштириш ишлари кенг миқёсда авж олиб кетди.

1924 йилда Бўзасув ГЭСининг ишга туширилиши, кейинроқ Комсомол ва Тавоқсой гидроэлектрстанцияларининг, Бекобод ва Қувасой цемент заводи ҳамда 1932 йилда Ташкент Тўқимачилик комбинати қурилишининг бошланиши ва 1934 йилда унинг биринчи навбатининг ишга туширилиши Ўзбекистон СССРда индустрлаштиришнинг дастлабки ва-

# ЧЎПОНЛАР

тижлалари бўлса, бугунги кунда республика-миз совет халқларининг қардошларча дўстлиги ва беғараз ёрдами туфайли кўп тармоқли, саноати юксак даражада тараққий этган ўлкага айланди. 1700 дан ортиқ корхона тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, қора ва рангли металллар, минерал ўғитлар, турли газламалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Уларнинг сифати ҳам бекиёс даражада яхшиланди. Эндиликда давлат сифат белгиси остида чиқараётган маҳсулотлар салмоғи 9,5 процентга етди. 103 корхонанинг 412 турдан ортиқ маҳсулотига фахрли беш қиррали тамга босилмоқда.

Эндиликда Ўзбекистонда ҳар 10 кунда революциягача бўлган даврда бир йил мобайнида тайёрланган саноат маҳсулотидан анча кўп маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Республикаимиз умумиттифоқ меҳнат тақсимотида ҳам муҳим роль ўйнамоқда. У мамлакатда пахтачилик учун қишлоқ хўжалик машиналари ва пахта тозалаш саноати учун машина-ускуналар, тўқимачилик саноати учун арқоқ машиналар, пахта толаси, жут ва канооп толаси ишлаб чиқарадиган, қоракўл тери етиштирадиган асосий республика бўлиб қолди.

Ўзбекистон жаҳондаги 80 мамлакатга оғир ва енгил саноатнинг 140 хилдан кўпроқ маҳсулотини экспорт қилаётган.

Бугунги кунда совет жамияти — экономика юксак даражада ривожланган жамиятдир. Бизнинг индустрияимиз ривожланган капиталистик давлатлардагига қараганда икки баравар тезроқ ривожланди.

Партия ва ҳукуматимизнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли ишлаб чиқаришнинг структурасида ва илмий-техникавий даражасида чуқур ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Партияимиз XIV съезди ишлаб чиққан ва мамлакатимизда тўла амалга оширилган индустриалаштириш плани барча ҳамдўст социалистик мамлакатлар учун, нокапиталистик тараққиёт йўлидан бораётган халқлар учун ўз мамлакатлари саноатини ривожлантиришларида йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилмоқда. Социалистик индустрия эндиликда тинчлик мақсадида ўз қудратини намойиш қилмоқда. Вунинг боиси эса мамлакатимизда ва барча социалистик мамлакатларда тинчлик ва халқ бахти-саодати йўлида фан-техника тараққиёти асосий ўринга қўйилганлигидир.

«Энг муҳим сиёсий ва хўжалик вазифаси ҳал этилиши таъминлансин — фан-техника тараққиёти ҳар томонлама жадаллаштирилсин, — дейилади «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга ўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳасида. — Ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатидан ўзгартиришда, экономикани ҳар томонлама интенсивлаш изига кўчиришда, ижтимоий ишлаб чиқариш самардорлигини оширишда фан ва техниканинг роли қатъиян юқори кўтарилсин. Фан-техника тараққиётини социал вазифаларни ҳал этишга йўналтириш кучайтирилсин».

КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда ўртоқ М. С. Горбачев шундай деб таъкидлади: «Жаҳон тараққийпарвар жамоатчилигининг кўз ўнгида Совет Иттифоқи одамлар арий социал умидларининг мужжасам тимсоли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолавереди. У ўз экономикасини энг юксак даражада ташкил этиш, энг юксак самардорлик намунаси ҳам бўлиши керак. Шундай қилиб, мамлакат тараққиётини жадаллаштириш вазифаси ҳозир биринчи даражали сиёсий, иқтисодий, социал аҳамиятга эга бўлиб қолди. Бу вазифани турмушда рўёбга чиқариш — ҳеч кечкинтириб бўлмайдиган умумпартиявий ва умумхалқ ишидир».

Қўлдош ЭРГАШЕВ,  
тарих фанлари кандидати

Эркин ака собиқ шоғирдини меҳр билан кутиб олди:

— Қайси шамол учирди, Носиржон?

— Меҳрингиз шамоли, — Носиржон чўян печга сурилиброк ўтирди, чўғни алангалди. Райсга учрадим, ферма мудирингиз билан гаплашдим.

— Тинчликми?

— «Хўп» десангиз сизни олиб кетаман.

— Ие, қаёққа?

— Чўлга. Чўпонлик қиласиз. Хабарингиз бўлса керак, Комсомолободда янги совхоз ташкил этилган. «Комсомол» деган. Йирик хўжалик. Чорваси ўзидан ҳам ёш. Чорва бўлимини менга топширинган. Сиздай тажрибали чорвадор жуда ҳам зарур. Йўқ деманг, ака.

— Бу ердagi ишим нима бўлади? Мингдан ортиқ қўй ихтиёрида бўлса.

— Райсга ҳам, мудирингизга ҳам сиздай тажрибали чўпонга ўта муҳтожлигимизни айтдим. Тушунинди. Майли, ўзи билан гаплашинг, дейинди.

Эркин аканинг мўйлов силаб қолганини кўрган меҳмон дадиллашди:

— Бир ярим мингдан мўлроқ қўй йиндик. Икки-уч кишини тайинлаб қўйганмиз ҳозирча. Лекин ўзингиз биласиз, қўлига таёқ бериб, чўпонсан, деган билан бўлмас экан... Тўғри, қийинчилик бўлади албатта. Бу ернинг шароити бошқа, чўлники бошқа. Аммо бормасангиз бўлмайди. Қўйларни эплаёлмаямиз.

Чўпоннинг кўзига нотаниш ерда емишга, сувга, меҳрга зор бўлиб ётган пода-пода қўй-қўзилар кўринди.

— Эрталаб катталарга учрашиб, бирров ўтаман.

...Чўл уни изгиришли совуғи, қалин қори билан кутиб олди. Қўрада оч-наҳор титрақ-қашаб ётган жайдари қўйлар бир аҳволда.

— Қўшни совхозларнинг ўзларидан ошириб беришгани. Сарасини олиб қолиб, пучагини бизга инъом қилишди, азаматлар, — тушунтирди Носиржон.

— Булар билан чорвани оёққа тургазиб бўлмайди, ука. Аввало зоти яхши эмас.

— Биламан. Раҳбарларимиз ҳам шундан ташвишда. Лекин на илож. Борига барака. Биргаллашиб ўнглаб олармиз.

Булардан эгиз қўзи, мўл-кўл гўшт, тоза жун кутиш — амри маҳол. Сурувга барака киритадиган совлиқ эгиз тугади. Туёқни кўпайтирмаган, гўшт-ёққа сероб бўламан деган хўжалик биринчидан қўйнинг зотини яхшилаб олиши керак. Иккинчидан, озуқани ғамлаб қўйиши лозим. Пахтаобод районида ишлаб юрган йилларида дегерес қўйлари бор эди. Ҳам эгиз тугади, ҳам мўлгина жун беради. — кўнгилдан ўтказди Эркин ака.

...Сурув қишлоққа, қишлоғга қайтапти.

У уч ҳафтадирки йўлда. Олой қадамба-қадам ортада қолмоқда. Хайр, осмонўпар кадрдон тоғлар! Хайр, лочину бургутларгагина тўшидан жой берган, булутларни ёриб чиққан олмос қоялар! Хайр, сокин тоғу қирларнинг абадий созандаси ҳам, хонандаси ҳам бўлиб қолган шўх сой-жилғалар! Баҳорчага хайр!

Эркин ака камалакранг табиат манзараларидан кўз узиб, ўғилларига назар ташлади: Абдужалил тоғ тепасидаги сўкмоқ бўйлаб кетаяпти, отининг жиловини бўш қўйган. Нималарни ўйлаяпти экан? Қишлоқни жуда соғинди. У ерда ҳали спорт комплекси, маданият уйи, истироҳат боғи барпо этилмаган. Бироқ шундай бўлса ҳам — соғинди. Сабоби, онаси, укалари, турмуш ўртоғи, ўғли бор. Жўраларим анчагина. Улар билан ўйнаб кулгуси келади албатта.

Абдужалил эса ёнбағирдан кетмоқда. У ҳам ҳаёликан. Буёққа олиб келган икки хуржун китобини икки ойга етказмай ўкиб бўлди. Уйга боради-ю, китобга уради ўзини.


— Қур-ей, ҳайт! — деб кўяди баъзан Абдужалил. Чанқоқ қўйлар сув ичгани сойликка интилишади. Абдужалил таёқ ўйнатиб, йўл қўймайди. Ота боя тушликда, отарга дам берилаётган пайтда Абдужалил берган саволни эслади:

— Жуда имиллаб юраяпмиз-а, дада. Сал тезроқ хайдасак бўлмайми?

— Қўйларни кўрапсанми, ломиллаб аўра-га юришапти. Шу семизлигича совхозга етказиб олсанк, марра бизники. Калта-калта хайдаётганмиз, дам бераётганмизнинг сабаби шу. Тез хайдасанг — қўй қизийди. Ўзини сувга уради. Қизиб сув ичса — касалга чалинади.

Эркин ака чўпонлик маҳорати ҳақида ўғилларига билганларини эринмай айтиб беради. Шундай қилinsa, бўлажак чўпоннинг кўзи пишиди, камроқ хато қилади.

Раҳматлик Ўтанбой ака Маданият қишлоғида ном чиқарган чўпонлардан ҳисобла-



Фаргона область Риштон районидаги Алишер Навоий номи совхоз сўтовар фермаси соғувчилари Каромат Қодирова билан Дилбар Турсунова КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

нарни. Қирғизистоннинг Қора арча тоғ тизмаларида унинг оёғи тегмаган жой қолмаган ҳисоб. Уруш тулаган йили ота Эркин-жонни ёнига олиб тоғ ўрлатди. Таёқ ўйнатишига, от сурнишига, қўй қайтаршишига синчковлик билан разм солди. Чўлокланган қўзини узоқдан қора терга ботиб кўтариб келганида, пешонасидан ўлиб қўйди.

— Хайрият, қалбингда ёлқин бор экан, кам бўлмайсан, ўғлим.

Кунлардан бир кун ота яна ўғлини эркалаган бўлиб суҳбатга тортиди.

— Қўшни «Коммуна» колхози катталари билан гаплашиб қўйдим. Сенга ўтар берадиган бўлишди. Энди ўз таёғинг, ўз ўтаринг бўлади.

— Бир ўзим-а?

— Қачонгача менинг қанотим остида юрасан? Ҳозиргача менинг фарзандим эдинг, энди эл фарзанди бўлишинг керак. Қўрқма. Элда юрган эл танир, қирда юрган қир танир.

Эл фарзанди бўлишга отанинг насиҳати-ю, яхши ниятлар камлик қилади. Вунинг учун эл ташвиши билан яшай билиш керак. Эл ташвиши билан яшашнинг эса ўзига яраша захматлари бор: бу йўлда қандай машаққат учраса, бардош бермоқ, неки қийинчилик бўлса, енгиб ўтмоқ керак. Ўз жонининг роҳатинигина кўзлайдиган одамни эл у ёқда турсин, ўз ота-онаси ҳам фарзандим демайди.

Отасидан кўп эшитган ҳақиқат Эркин Ўтановнинг ҳаёт фалсафасига айланиб қолган. «Ўғилларим ҳам инсонийликни шундай тушунишсин, ўз ҳаётларини халқ хизматиға тиқишсин», деб ният қилади у.

— Дада, тураимизи?

Ота бир муддат хаёлга берилиб кетган экан, Абдухалилнинг овози билан ўзига келди.

— Ҳа-ҳа, турдик.

— Ҳаво айнипти!

Бош чўпон хавотирланди: қоп-қора булут ботаётган куёш юзини тўсапти. Изгири елмоқда. Қўйлар тўп-тўп бўлиб олишган. Қўзлар жовдирайди. Бу яхшилик аломати эмасди. Нима қилиш керак? Ўғиллар бу саволга отадан жавоб кутишарди. Ҳа, кўпни кўрган чўпон, бош чўпон ҳал қилиши керак бундай муаммоларни!

Эркин ака атрофга назар ташлаб, турган жойларини аниқлади: Ўттиз адирга яқин жойда — Қумбел довоғида туришибди. Бу ердан Комсомолободга яна бир ҳафталик йўл бор. Яқин атрофда бирор кўрғон, бирор қўтон йўқ. Лекин беш қақиримча юрилса... Нима қилиб бўлсаям довул кўтарилгунча, ўша ерга етиб олиш керак. Бошқа чора йўқ.

— Сурувни ўнга бур! Шу атрофда колхозлардан бирининг кўраси бор!

Отанинг свозида бироз ваҳима аломати бор эди.

Сурув йўлни Бўзбэя довоғига қараб олди. Юриши ҳам тезлашди.

— Ҳайт! — чўпонларнинг бу хитоби одатдагидан кучлироқ, қатъийроқ эшитилар, қўйлар сафи тобора зичлашиб борар эди. Ҳа демай атрофни қоронғилик босди. Қаттиқ шамол юзга биринчи қор учқунларини пуркади. Сурув олтинчи қирдан ошиб ўтганда, шамол ўрнини довул эгаллади, ҳаммаёқни қор-бўрон буркади.

— Абдухалил, хушёр бўлинглар! Қўй қочмасин!

Бундай пайтда чўпон камоли хушёр, эҳтиёткор бўлиши лозим. Бирор қўй подадан чиққудай бўлса, унга бошқалари ҳам эргашиди. Сурув бўлинади... Довулда энг хавфлиси шу!

— Дада, анов камарда бироз нафас ростлайлик?

Бу Абдухалилнинг овози эди: ота ўғлига қаради, таниб бўлмайди, бошидаги ҳарбийча телпагидан тортиб, пахтали шимигача шалabbo! Юзлари қоп-қорайиб, қўзлари янчиғи ботиб кетибди. Тиши тигиша тегмай қалтирайди болапақир.

Ота унга «юравер» ишорасини қилди. Ҳозир қўйни тўхтатиб бўлмайди. Тиришиб қолади. Бу — совуқ олди дегани. Узини совуққа олдирган қўй қишдан омон чиқмайди.

Улар тун ярмида мўлжалланган қўрага етиб келишди. Ичкарида бўрибосар итлар ақиллайди. Узоқ бақир-қақирлардан кейин елкасига пўстин ташлаган, соч-соқоли ўсиқ, бадбашара киши чиқди. У четан тўсиқ яқинига келмаёқ беписанд сўради:

— Ҳа?!

«Сўрашга бало борми! Ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб турибди-ку!» — дея ўзича гижинди Абдухалил.

— Совхознинг қўйи, бир кеча жон сақлайлик!

...Қўйлар жойлаштирилгач, ота ўғилларини ёнига қақирди:

— Биттама-битта сананглар. Кам чиқса, излашга тушамиз.

— Ҳозир-а? Шу аҳволда-я?!

Этиқлар кўнжигача сув. Ҳолдан ҳам тойишган эди. Бўрон тинган бўлса ҳам, шамол тинган эмасди. Эркин ака майиб оёғида қаттиқ оғриқ сезди.

— Кўпчиликнинг омонати, ўғлим. Ҳар биттаси ҳисобда.

Улар тўпларни осонгина санаб чиқинди. «Хайрият, — енгил нафас олишди улар, — бут экан».

Кека чўпоннинг салкам қирқ йиллик меҳнат фаолиятида бу воқеа ягона эмас. Эҳ-ҳе-е, ҳаётнинг роҳат-фароғатини ҳам кўрди-ю, қийинчиликларини ҳам кўп тортиди. Лекин бу қийинчиликлар ҳақида бироз сўрамагунча у оғиз очмайди. Ўй-фикри қўйларида: қандай қилиб бўлмасин, уларни энг серпушт, сергўшт, сержун зотга айлантириб олиши керак. У олма пиш — оғзимга туш, деб ўтирмай ферма мудирин билан бирга

Пахтаободга, Бўзга, Хўжаободга, Қирғизистоннинг Бозоркўрғонига борди. Чорваси зўр хўжаликларнинг сурувларини бир-бир кўздан кечириб, ўндан ортиқ зотли қўчқорлардан тегиб келди.

Совхоз раҳбарлари ҳам ташлаб қўймадилар, Бухоро, Қашқадарё областларидан Эркин ака айтган дегерес қўчқорлардан нақ қирқта олдириб бердилар.

Бош чўпон эса бу билан қаноатланмайди, раҳбарларнинг олдига янги-янги муаммоларни қўяди:

— Насл масаласини бироз яхшилаб олдик. Бу — яхши. Аммо бу билан иш битмайди, укалар.

— Айтинг, айтинг, — директор Сирожиқдин Гуломов билан партокм секретари Ҳакимжон Ҳасановлар кекса чўпондан яхши маслаҳатлар чиқишига кўникиб қолганларидан, у гап очганда, жон қулоғи билан тинглайдилар.

— Қўзилатиш даври ҳаво сал илиган кунларга тўғри келсин деб қочириб муддатини октябрга ойига белгилаганмиз. Шундайми? Ййловдан эса шундан бир ойлар олдин — сентябрда қайтабошлаймиз. Йўлда бир ой совлиғу қўчқор араллашиб келади. Кўп қўйлар шу вақтдаёқ қочади. Қишлолда бўлсин, яйловда бўлсин, қўчқорларни алоҳида боққанзимиз нимаси-ю, қочиринга қўйишдан бир ой олдин қўшиб юборганимиз нимаси.

— Тўғри айтасиз.

— Хўш, нима қилиш керак?

— Қишловга қайтишда қўчқорларни алоҳида — машинада келтириш керак.

— Оҳ-ҳо, борди-келдиси жуда қимматта тушади-ку!

— Мақсад яхши қўзи, эгиз қўзи олиш бўлса, шундай қилишга тўғри келади.

— Раҳмат, отахон. Бу масалани ижобий ҳал қиламиз, албатта. Қўрани кенгайтириш масаласини ҳам яқинда қўриб чиқдик, маблаг ажратдик, — дейди директор. — Хўш, ўз турмушингиз қалай? Чарчаб қолма-яписми? Чўл қийнамаптими?

— Э, мени қўйинг. Етти-саккиз жон бир ўтовда яшаб турибмиз. Янги хўжаликмиз, вақти келиб замонавий уйлар ҳам қурилиб қолар. Қурила бошланибдям. Лекин бизга бояги масалаларни тезроқ ҳал қилиб беринглар. Пешқадам хўжаликлар даражасига тезроқ етиб олишимиз керак. Кеча ўғлим газетадан ўқиб берди: нуруталик чўпонлардан ортда қолмайлик. Улар ҳар қўйдан олти-етти килодан жун қирқиб олаётганмиш. Совликлардан қўзи олишлари ҳам чакки эмас. Ака қўйчилик!

...Эркин ака — чўпон. Чўпонлик бурчини ўйлайди. Шу бурч уни шахсий манфаатларни эмас, эл-юрт манфаатини, хўжалик манфаатини кўзлашга ундайди. Бурчга садоқат — инсон фазилатининг гултождир, деган экан бир донишманд. Унинг муқофотлари, шухрати, қадр-қиммати шу гултожнинг мевалари.

М. АБДУКАРИМОВ

Андижон области



Риштон районидаги Алишер Навоий номли совхоз сут-товар фермасининг умумий кўриниши.

А. Жданов фотолари.



# ЛАЗЕР ДЕҲҚОНЧИЛИКДА

Лазер нури ҳозирги кунда фазовий алоқалардан тортиб, таъбат соҳасигача кириб келди. Айрим мамлакатлардаги ёвуз ниятли мутахассислар инсониятни кириш йўлида фойдаланиш йўллари қидираётган бўлсалар, бизнинг олимларимиз лазер нурини тинчлик мақсадларига, инсоният саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қилдириш чораларини излаб тонаётдилар. Олимларимиз лазерни деҳқончиликка ҳам татбиқ этиб кўрдилар ва қутилганидан ҳам яхши натижага эришдилар. Мухбиримиз лазерни деҳқончиликда синаб кўрган олимлардан бири, Ўзбекистон Толали ўсимликлар тажриба станцияси ўсимликлар физиологияси группасининг раҳбари, биология фанлари кандидати Хуршид УМАРОВ билан учрашиб, лазерни деҳқончиликда қўллаш истиқболлари ҳусусида суҳбатлашди. Куйида шу суҳбат билан танишасиз.

— Хуршид Умарович, асосий мавзуга ўтишдан олдин: «Лазернинг ўзи нима? Уни илк марта ким кашф этган? Лазер қандай босқичлари босиб ўтди?» каби саволларга жавоб бериб, лазер тарихи билан қисқача таништирасиз.

— Албатта, лазернинг ўзи нималигини, унинг тарихини умумий тарзда бўлса ҳам билмасдан туриб, деҳқончиликдаги «фаолият»ини англаш қийин. Лазер — алоҳида хоссаларга (монохроматиклик — нурланишнинг бир спектрал чизиқ бўйлаб пайдо бўлишига), қўбланганга йўналганликка, катта қувват зичлигига эга ёруғлик манбаидир. Илк марта радиоинженерлар радиотўлқинлар спектрида ингичка йўналган нурланиш дасталарини ҳосил қилдилар, ammo узоқ вақтгача оптиклар бундай ёруғлик нурини ҳосил қилишга эришолмадилар. Фақат 1951 йилга келиб, совет олимларидан Н. Г. Басов билан А. М. Прохоров бу соҳада муҳим ютуқни қўлга киритишди. Улар когерент нурланиш генератори ҳамда кучайтиргичлар яратишнинг асосий қонун-қоидаларини кашф этдилар. 1955 йилда Таунс бошчилигида америкалик олимлар ҳам ишга киришдилар. 1960 йилда ёқут кристали асосида ишлайдиган биринчи лазер қурилмасини («лазер» сўзи инглизча бўлиб, тезлаштирилган нурланиш йўли орқали ёруғликни кучайтириш, деган маънони англатади) америкалик олим Мейман яратди.

Квант генераторлари назариясининг асосчилари сифатида Н. Г. Басов билан А. М. Прохоров Ленин мукофоти лауреатлигига сазовор бўлдилар ва 1964 йилда эса ҳар иккала совет олимига шунингдек, америкалик олим Таунсга Нобель мукофоти берилди.

Орадан кўп ўтмай, газ лазерлар ҳам пайдо бўлди. Газ лазернинг тузилиши унчалик мураккаб эмас. Узунлиги 80, диаметри 1,5 сантиметр бўлган чакмоқтошли най ичига бир миллиметр симоб устуни босимида 10:1 нисбатдаги гелий ҳамда неон аралашмаси тўлдирилади. Най учларига кўзгулар ўрнатилади.

Юқори частотали ток таъсирида газ аралашмасидан электрсизлантириш ҳосил қилинади. Электр майдон таъсирида тезлашган электронлар гелий атомлари билан тўқнашиб, уларни уйғотади. Гелий атомлари ўз навбатида олган қувватларини неон атомларига узатади. Неон атомлари нисбатан узоқ вақт, яъни лазер нурланиши учун етарлича вақт уйғонган ҳолда туриши мумкин. Газ лазерлар, хусусан гелий-неон лазерлар кичик қувватли лазерлардир. Уларнинг тўлқин узунлиги 632 миллиметр, қуввати 2 мвтдан 50 мвтгача. Худди шундай турдаги лазерлар қишлоқ хўжалиги соҳасида ўз татбиқини топди.

— Лазерни қишлоқ хўжалигига татбиқ этиш учун қачондан бошлаб киришдиларингиз?

— Аввало шунини айтиш керакки, лазерни деҳқончиликка олиб киришда қозогистонлик олимларнинг хизмати катта. Аниқроғи, С. М. Киров номидаги Қозогистон Давлат университетининг «Биофизика» ўқув-илмий ишлаб

чиқариш бирлашмасининг раҳбари, биология фанлари доктори, профессор Виктор Михайлович Иношин ҳамда шу бирлашма ходими, биология фанлари кандидати Нелла Николаевна Федоровалар бу борада жонбозлик кўрсатдилар. Мазкур бирлашма олимлари 1968 йилдан бошлаб то бугунги кунгача қишлоқ хўжалиги илмий муассасалари, қишлоқ хўжалик тажриба станциялари ва илгор хўжаликлар билан ҳамкорликда асосий таъсир қуроли оптик квант генераторлари бўлган лазер агротехникасининг муҳим янги усуллариини ишлаб чиқишди. Дарҳақиқат, лазер нури тупроқ — ўсимлик — атроф — муҳит — одам занжирида ўта соф ёруғлик қуввати манбаи сифатида жуда ҳам ўзига хос, хавфсиз, осон бошқариладиган, ишончли, аниқ физик хабарини ҳамда таъсир қуроли хисобланади.

— Демак, ҳозирги кунда лазер агротехникаси вужудга келди. Лазер агротехникасининг моҳиятини қандай тушуниш мумкин?

— Лазер агротехникаси — бу ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини яхшилаш мақсадида ўсимликнинг физиологик жараёнларини жадаллаштиришга, шунингдек, ўсимлик ҳамда тупроқнинг биоқувват манбаларини оширишга мўлжалланган агротехник тадбирлар системасидир.

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг замонавий усулларидан бири химиялаштириш бўлиб, бу биринчи босқичда ҳақиқатан ҳам экинлар ҳосилдорлигини анча ошириш ва ўсимлик зараркундандаларини қиритишга ёрдам берди, барча касалликларга қарши муваффақиятли курашиш имкониятини яратди. Лекин бундай интенсивлаш жараёнлари ўсимлик биоқувват тартибининг ташкилий қисмини йўқотиш ҳисобида, яъни биоқувват манбаларининг ўзига хос таназзулга юз тутишига олиб келади. Бу ҳол ўсимликнинг чидамсизлигида, маҳсулдорлигининг пасайишида, ҳосил сифатларининг ёмонлашуви ҳамда тупроқ унумдорлигининг камайишида кўринади. Шунга кўра, ўсимлик хужайраларида кечадиган жараёнларни кучайтирадиган қўшимча «ташкили» қувват киритиш билан биоқувват манбаларини қайта тиклаш имконини берадиган воситаларни топиш керак бўлади. Бундай восита лазер агротехникасидир. Лазер агротехникасининг ишлаб чиқилган энг муҳим қисмларидан бири уруғликни экиш олдида лазер нури билан нурлатишдан иборатдир. Бунинг ёрдамида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, ўсимликнинг етилишини тезлаштириш, зараркунда ва касалликларга қарши муваффақиятли курашиш чораси топилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, таркибда табиий бўёқ моддаси сақламайдиган хужайраларда спектрнинг қизил муҳитдаги паст қувватли ёруғлик заррачалари оқими мураккаб физиологик реакцияларни вужудга келтириши мумкин. Бунда хужайраларнинг паст синдириш коэффициентида бўлиниш суръатини оширади. Спектрнинг қизил муҳитдаги лазер нури билан нурлатиш хужайраларга таъсир кўрсатиб, юқори самарага эришишни таъминлайди.

Кўп йиллар давомида (1968 — 1983) олиб борилган кузатишлардан аниқланишича, уруғларни экиш олдида лазер нури



Мўл ҳосил.

билан нурлантириш уларнинг лаборатория ва дала шароитида унувчанлигини 5 фоиздан 30 фоизга қадар оширади. Ниҳолларнинг жадал униб чиқиши ҳамда уруғлар унувчанлигининг ошиши (назоратдагига нисбатан) ўсимликларнинг бир текис жойлашишини ва кўчатларнинг энг мақбул қалинликда бўлишини таъминлайди, ўсимликнинг умумий ассимиляция кўламини оширади. Уруғларни лазер билан фаоллаштириш ўсимлик илдиз таркибининг кучли ривожланишига имкон яратади. Бу эса ўз навбатида тупроқ наmidан ва унда эриган минерал моддалардан яхши фойдаланишни таъминлайди. Шунингдек, лазер нури билан фаоллашган ўсимлик турли касалликларга чидамли бўлади. Натижада буларнинг ҳаммаси ўсимликнинг ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш шароитидаги уруғларни экиш олдида лазер нури билан нурлантирилганда, гектар ҳисобига баҳори бугдой 1—2,4 центнерга, маккажўхори, ловия ва нўхат ҳосили эса 4—8 центнерга ошди.

— Уруғлар лазер нури билан қандай нурлантирилади?

— Бунинг учун махсус қурилмалар ясалади. Масалан, сабзавот экинлари уруғларини нурлантирадиган «Львов — 1-Электроника» лазер қурилмаси яратилди. Ҳозир бу қурилма модификация қилинаётир ва мамлакатимизнинг турли хил тупроқ-иклим зоналари шароитида кенг кўламда синовдан ўтказилаётир. Масалан, бир неча йилдан буён уруғларни экиш олдида қишлоқ хўжалик лазер қурилмаларида чиниқтириш борасида Шарқий Қозоғистон ва Рузаевка тажриба станцияларида, илғор хўжаликлардан ҳисобланган «Олмаота» колхозида, «Молодёжный» совхози ва бошқа хўжаликларда синов кўрилади. Ана шу янги усулни жорий этиш даври мабайнида олиб борилган синовларнинг умумий кўлами 500 гектарни ташкил этиб, унинг умумий иқтисодий фойдаси икки миллион сўмга етади.

— Тажрибалар асосан Қозоғистонда олиб борилаётганга ўхшайди. Республикамизда ҳам бу соҳада синовлар ўтказиляптими?

— Албатта. Республикамизда ўтказилган тажрибалар давомида



Бухоро районидаги «Маданият» колхозининг илғор теримчиси Ойжамол Жўраева.

Ҳ. Қурбонов фотоси.

катта ютуқларни қўлга киритдик. Ўзбекистонда ташкил этилган Толали ўсимликлар тажриба станцияси Қозоғистон Давлат

университетининг «Биофизика» ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи билан ҳамкорликда олиб борилган тад-

қиқотларда камқувватли лазер қурилмаси ёрдами орқали поя ва уруғлик учун экиладиган канопо уруғини, маккажўхори уруғи-



Фарғона область, Риштон районидаги Алишер Навоий номи совхозининг моҳир механизатори Қосим Матмусаев; Пахта йғим-терими мавсумининг асосий оғирлиги «зангори кема»лар зиммасига тушди.

А. Жданов фотоси.

ни, чигитни қизил монохроматик гелий-неонли лазер нурларида нурлантириб, Тошкент областининг бир неча колхозларининг катта-катта майдонларида синов тажрибалари ўтказдик. Натижада ВИР-338 навли маккажўхори уругини лазер нури билан нурлантирганимиздан кейин уругнинг лаборатория шароитидаги унвучанлиги назоратдагига нисбатан 8 мартагача, униб чиқиш қуввати 9 мартагача, дала шароитидаги униши эса, 12 мартагача ортгани кузатилди. Маккажўхорининг донидан назоратдагига нисбатан гектаридан 9 центнердан зиёд ҳосил кўтарилди.

Қувончлиси шундаки, пахтакорларга ҳам лазер нурунинг кўмаги кўп тегадиган кўринади. Ғўзанинг «Тошкент — 6» навли чигити лазер нурида нурлантирилганда лаборатория шароитидаги унвучанлиги нурлантирилмаган чигитга нисбатан 11 мартагача, униб чиқиш қуввати 10 мартагача, дала шароитидаги униши 11 мартагача ортди. Нурлантирилган чигит ҳосили нурлантирилмаган чигит ҳосилига нисбатан гектарига 7 центнер юқори бўлди.

Уруғни нурлантиришдан ташқари, оддий униб чиққан ўсимликни «ЛА-1» қурилмаси ёрдамида уларнинг ўсув аъзоларини нурлантириш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Хусусан, униб чиққан ўсимликни дастлабки 30—40 кун ичида нурлантиришнинг фойдаси кўп. Бундай тақдирда нурлан-

тирилган ниҳоллар нурлантирилмаганига қараганда барвақт қийғос ўсади, кўчатлар бўйчан, бақувват бўлади, касалликларга қарши чидамлилиги кучаяди. Шуниси характерлики, униб чиққан ниҳолларни нурлантириш жараёни асосан тунда бажарилади: осмонда ёрқин сунъий қизил нурлар камалаксимон порлаганда, далалардаги ўсимликлар ҳосилдорлиги опади. Бизнинг фикримизча, қизил нури ютган хужайралар иккита қизил ёруғлик заррачаларининг «қўшилиши» натижасида ультрабинафша нур тарқатади. Жадал тезликда берилган ёруғлик нури тўғридан-тўғри ёки бевосита энг керакли ҳаётий жараёнларга — хужайра қисмларига, органеллаларга таъсир этиб, нозик пардасимон тирик мембрана қисмларида ўзгариш ҳосил қилади. Натижада бир-бирига боғлиқ ўзгаришлар қувват манбани кенгайтиради. Чунки лазер нури билан нурлантирилган уруғдан униб чиққан ўсимликларнинг умумий ва баргдаги фотосинтез маҳсулдорлиги нурлантирилмаганига нисбатан юқори бўлади, умумий барг сатҳи, барг, поя, умуман ўсимликда қуруқ модда кўп тўпланади.

Тадқиқот тажрибалари лазер нурлари билан нурлантирилган уруғдан унган каноп, маккажўхори, ғўза ниҳоллари бир текисда қийғос ўсгани учун ўсимликнинг ер усти органлари қуёш ҳароратидан максимал даража-



Яхши кайфият...

Д. Тайберг фотоси

да фойдаланади, бунинг натижасида илдиз таркиби яхши ўсиб, яхши ривожланади.

Тадқиқот натижасида нурлантирилган ва нурлантирилмаган уруғларнинг биоқувват манбаи бир-биридан фарқ қилиши аққол аён бўлди. Уруғ нурлантирилгандан кейин ривожланишнинг сокин ҳолатидан фаол йўналишга ўтишини ҳам аниқладик.

Хуллас, ҳозирги техник тараққиёт шароитида нурлантирилган ва нурлантирилмаган уруғлардан ҳамда улардан унган ўсим-

ликларда кечадиган биохимик ва физиологик жараёнларни ўрганишимиз лазер нурларини кишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишдаги имкониятларини очиб беришда қўл келаётир. Демак, бу йўналишда илмий тадқиқотларни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. — Раҳмат. Бу соҳадаги илмий тадқиқот ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Сухбатни Э. МУҲАМЕДОВ олиб борди



Мана, ҳар етмиш олти йилда бизнинг сайёраимиз — Ер билан учрашувга келадиган коинот саёҳатчиси Думли юлдуз — Галлей кометасининг сурати. Бу сурат яқинда Ўзбекистондаги Майданак тоғида, П. К. Штернберг номидаги Давлат астрономия институтининг Ҳисор тоғлари силсиласининг ёнбағрида жойлашган янги обсерваториясида олинди.

Институт жойлашган мазкур район мамлакатимиз территориясида булутсиз, тоза кун-тунларнинг узок вақт давом этиши, денгиз сатҳидан гоёат баландлиги (2.600 метр) ва атмосфера параметрларининг турғунлиги билан алоҳида ажралиб туради ва оптик кузатишлар ўтказиш учун яхши шароит яратди.

Суратга тушириш пайтида Ер билан кометанинг оралиги 360 миллион километр масофани ташкил этарди. Ушанда Думли юлдуз Эгизак юлдузлар туркуми атрофларида суткасига 0,024 градус тезлик билан ҳаракат қиларди. Махсус телескоп қурилмаси ёрдамида икки соат давомида олиб борилган урунниш натижасида комета аниқ нишонга олинди. Шу сабабли унинг атрофидаги юлдузлар иккинчи планга ўтиб, анча хира тортиб қолди. Кометанинг ўзи сингари унинг атрофидаги юлдузларни ҳам оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Чунки уларнинг ёруғлик кўлами гоёат кичик.

Думли юлдуз «портрети»да

## ЎТТИЗИНЧИ УЧРАШУВ

ДУМЛИ ЮЛДУЗ —  
ГАЛЛЕЙ КОМЕТАСИНING СИРИ

биз унинг ядросида 3,5 минг километр диаметри ярқирашни кузатишимиз мумкин. Кометанинг думи эса, ядродан ғарбий ва жануби-ғарбий йўналиш бўйича чўзилган. Комета атрофидаги газсимон булутнинг умумий ҳажми 25 минг километрдан 35 минг километргача етади. Қисқаси, бундай ҳажми бизнинг

ердаги ўлчовлар билан таққосласа бўлади.


Маълумки, Думли юлдуз ноябрь ойининг охирида Ерга «бор-йўғи» 93 миллион километр яқинлашиб келди. Ноябрь ойининг бошларида у Тельц — Савр буржи юлдузлар туркумида ҳаракат қилди, декабрь ойининг охирида эса, Овен юлдузлар

туркуми оралигидан ўтиб, Балиқлар юлдуз туркумига жойлашади. Шуниси афсусланарлики, Думли юлдузнинг Ерга яқинлашиб келиши шу билан ўттизинчи марта қайд этилаётган бўлсада, ҳар гал унинг қайтишини кузатиш муваффақиятли ўтмаяпти. Ноябрь-декабрь ойларида уни мамлакатимизнинг барча территорияларида дурбин ёки кичикроқ телескоп ёрдамида кузатиш мумкин. Кейинроқ, декабрнинг охирида эса, уни жанубий кенгликларда кузатув асбобларисиз ҳам кўриш мумкин — тахминан 6-юлдузлар катталарида ювилган доғ мисоли кўзга ташланиб туради.

Думли юлдузнинг перигелийси — Қуёшга нисбатан энг яқин масофада ўтиши 1986 йил 9 февралда юз беради. Ушандан кейин тахминан бирор ойлarda сайёраларо автоматик станциялар Думли юлдуз билан учрашадилар. Уша автоматик станциялар орасида «Вега—1» ва «Вега—2» совет автоматик станциялари ҳам бўлади. Ҳозирча астрономлар кометанинг траекториясини аниқлаш билан шуғуланмоқдалар. Бу эса сайёраларо автоматик станцияларнинг Думли юлдузга аниқроқ яқинлаб боришига ёрдам беради.

С. НОВИКОВ,

П. К. Штернберг номидаги Давлат астрономия институти Урта Осиё тоғ обсерваториясининг бўлим мудири.





Бибисора ТУРОВОВА

## ЧАВАНДОЗ БЎЛ

Уғлим ВЕХЗОДга

Қўзичоғим, бу тонг сенинг  
Беш ёшингни қаршилар.  
Тугёнимни кўргин менинг,  
Қўлимда титрар дафтар.  
Ёмғир ювди эрта тонгдан  
Юражак йўлларингни.  
Қуёш нурга тўлдирмоқчи,  
Қўзларинг, қўлларингни...  
Нимадир тонг, қуёш нима?  
Нима ўзи яшамоқ?

Қайга элтар ҳаёт-кема,  
Кимлар бўлади ўртоқ?  
Четламайин ўтарсанми,  
Боболаринг удумин.  
Пойгаларда ютарсанми,  
Армонларим бўлиб чин?  
Эгар, юган, узангини  
Мерос қолдирди бобонг.  
Чиқарардинг хордигини  
Ҳаёт бўлганда бу тонг.  
Кўпқарида ундан ўтар  
Топилмасди чавандоз.  
Бир кун сенга навбат етар,  
Этгил мени сарафроз.  
Гуруғлининг Ғиротидан  
Учқур бўлади отинг.  
Кўрай: сенга этсин насиб  
Бобожонинг бисоти.  
У сингари одил бўлгин,  
Бўлгин ҳаёт чанқоғи.  
Қўлларингда гурлаб ўссин  
Қаровсиз қолган боғи.  
От жилавин тошширмади,  
Кўролмади тўйингни.  
Ўзи ниёт қилар эди:  
«Чироғи бўл уйимнинг...»



Ҳа, бўласан, сезаяпман,  
Тилакларим ҳамроҳинг.  
Умид билан ёзаяпман,  
Теэроқ ёзгин япроғинг...

Самарқанд.



Умида АБДУАЗИМОВА

## ДЎСТ ҚЎЛИ

Қўлингни қўлимда ҳис этиб, дўстим,  
Ҳар қандай йўллардан юриб бордим тик.  
Бор эди ҳаётда ўз каму кўстим,  
Бор эди... бордим мен билмасдан ҳадик.

Ул қўллар — мен учун чўзилган қўллар  
Бунча ҳам меҳрли, бунча ҳам кучли?  
Ҳамиша қудратга, журъатга йўллар...  
Одамзод меҳрга шунчалар ўчми?!



## Манзара

Тонг отмоқда — тун эса,  
Кетмоқда ойи билан,  
Қоп-қорайиб безовта  
Тўлганган сойи билан,  
Чирилдоқ, чигирткалар,  
Эртақчи еллар билан,  
Жарлими, туманлими,  
Қайсидир йўллар билан.  
Тонг отмоқда — гунчалар  
Тароватин очмоққа!  
Сабухий оқ нурлардан  
Тун судралиб кочмоқда.



## ХАТОЛАР


Нафси бузуқ поракўрға

Хатосини яширди бир гал,  
Юрагини ҳовучлаб юрди.  
Жермоқ бўлиб устидан сайқал  
Макр уйин устидан кўрди.

Ҳаммага у беради салом,  
Ҳамма унга кулиб боқади.  
Ҳамма дейди: «У ширин  
калом»...  
Шундай, ширин бўлиб ёқади.

Хавотири, хатосин ёди  
Ёзда ёққан ёмғирдек тинди.  
...Аммо унинг бутун ҳаёти  
Хатолардан иборат энди!


## МАШХУР АСАРНИНГ ТОШКЕНТЛИК ТАРЖИМОНИ



Қадимги рус адабиётининг  
буюк ёдгорлиги «Игорь жанг-  
номаси»нинг бундан юз йил му-  
қаддам Тошкентда амалга оши-  
рилган шеърлий таржимаси тар-  
жимонининг тахаллуси аниқ-  
ланди. Таржимон қўлёзманинг  
шарифнома варағига «Николай  
Нежата» деб имзо чеккан. Уни  
Алишер Навоий номидаги Ўзбек  
Давлат кутубхонасининг архи-  
видан бош библиограф Е. Китко-  
вич топиб олди.

Қўлёзмадан аниқланган тар-  
жимоннинг тахаллуси катта қи-  
зиқиш уйғотиши билан бирга  
қатор саволлар ҳам келтириб  
чиқарди — таржимон ким? Қўл-  
ёзма қандай қилиб Тошкентга  
бориб қолди?

Олиб борилган узоқ изланиш-  
лар муваффақият келтирди. Ни-  
колай Нежата — Николай Алек-  
сандрович Тихановдир. (У ту-  
тилган она шаҳри Нежински  
ўзининг тахаллусига асос қилиб  
олган). Генералнинг ўғли бўл-  
ган Н. А. Нежата хоризм даври-  
да шубҳа билан Петербург те-  
мир йўл институтидан бадарга





нинг бешинчи асрига оид 53 та қабр топилди. Топилган тобулларнинг айримлари тошдан ўйиб ишланган, айримлари эса металдан ясалгандир.

## АНТИҚА ЧАВАНДОЗ

Руминия республикасининг Бихор уездига қарашли Талпош посёлкасида истиқомат қилувчи Михайл Боб исмли қария велосипедда ҳар кун икки километр масофани босиб ўтишни ўзига одат қилиб олган. У Ўшдаги спортчи бўлмаган. Михайл Боб велосипедда юришни фақатгина шунчаки ҳаракат қилиш усули деб қарамайди, балки, чинқиш ва саломатлик воситаси деб билади. У сўнги ўн беш йил давомида, яъни пенсияга чиққанидан бери умумий ҳисобда 150 минг километр йўлни босиб ўтди. Яқинда талпошлик бу га-ройиб велосипед чавандози тугилган кунга 75 йил тўлади. Бироқ бу тиниб-тинчимас қария ҳали-бери ўз одатини ташлаш ниятида эмас.

## ТАБИЙ ЎМГИРПЎШ

Ез фаслида кучли жала-лар бошлаб келадиган муссон шамоллари кўп ташвишлар ортиради. Албатта бундай пайтларда, одатда, соя-бонларгина жонга еро кириши мумкин. Мабодо улар бўлмаса-чи? У ҳолда... не-паллик болалар дарҳол бу-нинг ҳам илжонини топиша-ди. Улар ёмғирли куларда банан дараксининг улкан япроқларини ёшнинг олиб, ёмғирда маза қилиб ўйнай-верадилар.

## АФИНАДА ДАФИНА

Афина муниципалитетининг рўпарасида ероти га-ражи қуриладиган маҳалда курувчилар қадимий дафи-нага дуч келиб қолдилар. Афинадаги археологика хиз-мати вакилининг табирига кўра, бу дафина тобирига жой қадимий қабристон-нинг ўриндир. Кейинги қа-зишлар давомида эрамиз-

## ҚАДИМИЙ ҚАРОРГОҲ

Мисрлик археологлар Ми-нуфия вилоятига қарашли Тель-ал-Бандрига қишлоғи ва унинг атрофларини қа-зилма ишлари олиб бориш учун жуда қулай ва баҳо-о объект деб ҳисобламоқда-лар. Бу бежиз эмас. Яқинда Мисрдаги қад-имий меросни ўрганиш идо-расининг мутахассислари мазкур территориядан қад-

имий қароргоҳни топилар. Мазкур қароргоҳнинг хри-стиан динининг копт маҳзаби билан ислом даврига оид-лиги таҳмин қилинмоқда. Бу ердан черков ҳамда копт маҳзабига оид бутлар ва бошқа рамзий ашёлар билан безалган ер ости зияратгоҳи топилади. Қадимий қабри-стонни тадқиқ этган архео-логлар қизиқ бир ҳулосага келдилар. Бу хулосага кўра, мазкур қароргоҳ вабо касал-лиги тарқалгани оқибатида заволга юз тутган.

## «ЎЗГА» САЙЁРАЛИК

Австралиялик 57 яшар Глен Восс учун бизнинг сайё-рамыз «бегона» туюлиб қолди. Собик кўйчовон фер-мер аллергиянинг оғир ту-ридан азият чекади — кимё-вий моддаларнинг ҳидига тоқат қилолмайди. У шунча-лик ноизқилиб қолганки, очик ҳавода чорак соат юр-са, ҳафталаб кўрпа-тўшак қилиб ётади. Кимёвий мод-далардан у бир неча муддат шол бўлиб қолади.

Мазкур дард оқибатида у ўзи тугулиб ўсган жойда яшашдан воз кечди. Сало-матлигини эҳтиёт қилиш мақсадида бир қанча шаҳар ва қишлоқларни кезиб па-ноҳ излади. Аммо ҳамма ер-да ҳам уни замонавий ким-ёвий дорилар таъкиб қи-лаверди. Нихоят, у ўзи каби аллергия қурбон бўлган оиласи билан Жанубий Уэльс ўрмонида қарор то-пти. У кўшини шаҳарчаларга сафар қиладиган бўлса, махсус кўмир филтрли, «ўзга» сайёрадан келганлар костими — скафандр, ни-коб, кўлқонларини кийиб олади.

## ҒАЛАТИ ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Саҳроий Кабирдаги бизнинг ҳайвонот боғи-мизга марҳамат қилинг.

Ҳожи Ассса, чаёнлар ва заҳарли илонлар овчиси.

Жазоир мамлакатининг Мзаба водийсидаги шаҳар-лардан бири Гардан шаҳри-да сайр қилаётган киши ки-чик дўкон олдида ана шун-дай эълонга кўзи тушади. Бундай ёзув ҳар қандай бо-ғини ғалати ҳайвонот боғи-ни кўриб чиқишга ундаши табиий ҳол.

Ҳожи Асссанинг аждод-лари ҳам, унинг кўп киши-лик оиласи ҳам — ҳозир улар 28 киши, умуман 121 киши — Эл-Аттафа маззе-да яшаганлар ва яшамоқда-лар. Улар ота-боболарининг касб-корларини камдан-кам ҳолатларда ўзгартирадilar. Уларнинг кўпчилиги савдо-сотик билан шуғулланиша-ди, айримлари ўзларига ер ажратиб олиб деҳқончилик қилишади.

Ҳожи Асссанинг ўзи-чи, ота-боболари анъаналарини давом эттириятими? Ўз уйининг эшиги олдида у бизни тавосе билан кутиб олди. Етмиш ёшлардан ош-ган, соч-соқоли оқарган бў-лишига қарамай ҳали жуда тетик кўринадиган, бошига оқ салла ўраган Ҳожи Ассса ўзининг иккинчи касбига меҳр билан қарайди. Бош-қалар учун ғалати туюлган бу иш уни ҳеч ҳам ажаблан-тирмайди. Чунки у бу ишлар билан эрмак учун шуғулла-нади ва шу билан ҳордиқ чиқаради.

Ҳожи Ассса бундай машғулот ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бундан ўн беш йиллар аввал у тасодифан саҳрода заҳарли илонга дуч келди. Илон билан олишиш-га тўтри келди... Шу-шу бўлдию катта бир овланг хўрматли отаси Ҳожи Ассса илонлар ва ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатига қизиқиш билан қарашга одатланди. Шу тариқа унинг боғидаги зайтунар ва цитрус дарахт-лари соясида дастлабки тер-риарийум пайдо бўлди. Бу йилги ёз мавсумида 300 тага яқин илон, 150—200 та чаён томошабинларга кўрса-тилди.

Илон овлаш ва чаён овлаш машғулотиини Ҳожа Ассса хали ҳам тарк этгани йўқ. Шуниси қизиқки, у бир неча йил давомида ўз боғидаги олдики терриариини кичи-роқ ҳайвонот боғига айлан-тирди. Эндиликда бу ҳайвонот боғига томошабинлар ташриф буюриб туришибди. Бугунги кунда мазкур ҳай-вонот боғида Жазоирда яшайдиган жониворларни, Африка мамлакатларига оид ҳайвонот оламнинг намуналарини — паван маймуларини, сўнакий-ларни, тўнғиз, тулки ва туяни, товус, лочин, укки ва бошқа қушларни томоша қилиш мумкин. Бундан ик-ки йил муқаддам Эл-Атта-фага бир жуфт шер келти-рилган эди. Ҳожи Ассса-нинг ҳайвонот боғида улар ҳам бинойидек ҳаёт кечир-ишатми.

Ҳожи Ассса ўзининг ҳай-вонот боғини ана ҳам ке-нгайтиришни ният қилиб юрарди. Жазоир ҳукумати-нинг мутасадди ташкилот-лари уни қўллаб-қувватла-дилар. Ҳайвонот боғини 20 минг квадрат метр май-донга кеңгайтириш ҳақида қарор қабул қилинди.

## «Игорь жангномаси»нинг 800 йиллигига


қилинади... У имтиҳонларни ошиғич топширишга муваффақ бўлади. Техник мутахассиси дипломини олгач, Туркистон ўл-касида у бўлажак Сибирь темир йўли устида изланишлар олиб боради. Н. А. Тиханов рус адабиё-ти билан қизиқади, ўзи ҳам ёзиб туради. Лекин унинг энг ажойиб адабий асари — «Игорь жанг-номаси»нинг таржимасидир.

Бу буюк рус адабиёти мероси-нинг 800 йиллиги нишонлана-ётган ҳозирги кунда Ўзбек Давлат кутубхонаси ходимлари китоб-хонларни «Жангнома»нинг маз-кур таржима варианты билан таништирмоқдалар, ўзининг тақ-дирини олис Туркистон ўлкаси билан боғлаган мана шу ажойиб инсон ҳақида хикоя қилмоқда-лар.

«Игорь жангномаси»нинг шеъ-рий баёни муаллифи Николай Тиханов (Николай Нежата)нинг ушбу сурати 1885 йил Самар-қанда олинган.

Иккинчи суратда: Николай Нежата қўлёзмаси.

С. Величкин фотоси (ТАСС)



## 109 Ёшли тўти

Ушбу суратдаги тўти Кисло-водскдаги «Ўзбекистон» санато-рийсида дам олган ўртоқларга яхши таниш. «Олмос» лақабли бу қуш 1963 йили Кубадан олиб ке-линган. 1965 йилдан буён унинг доимий истиқоматгоҳи — биз-нинг санаторий. Унинг бу ерга кўчиб ўтишига собиқ бош врач-имиз А. Н. Хе-се-бон сабабчи бўл-ган. Айтишларича, бу тўти ҳозир 109 ёшда. Одамларни яхши та-нийди. Айниқса, собиқ бош вра-чимиз бирон сабаб билан вақтида хабар олмаса, «Олмос»нинг со-гингани дарҳол билинади, кай-фияти тушади. Дўстини кўргач, ана жонланади. Дастлабки йил-ларда «Олмос» жуда бийрон эди. Кейинги вақтда қариллик асар қилди шекилли, бир сўзни айтади холос.

Галина БЕЗБОРОДОВА,  
«Ўзбекистон» санаторийси  
клубининг мудириси

Кисловодск шаҳри

# КАТТА ДАРЁ ҚАҲРАМОНЛАРИ

МАРДЛИК-МАНГУЛИК



Днепр дарёси учун бўлган жангларда 45 дан ортққ ўзбек жангчилари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

Ғози ТўРАЕВ,

тарих фанлари кандидати

**Ш**ОНЛИ Совет Армиясининг қисмлари 1943 йилнинг сентябрида Днепрнинг айрим ирмоқларини муваффақиятли кечиб ўта бошлади. Марказий фронт қўшинлари Десна дарёси ёнида немисларнинг мудофаа маррасини ёриб ўтиб, 21 сентябрда Чернигов шаҳрини озод этдилар. Айни вақтда Ғарбий фронт қўшинлари Днепр дарёсидан кечиб ўтиб, 25 сентябрда Смоленск шаҳрини ишғол қилдилар. 1-Украина fronti қўшинлари 1943 йил 7 октябрда Киевнинг шимолий томонидан Днепр соҳилига чиқдилар. Бу фронтнинг чап қанотида ҳужум қилаётган қўшинлар эса 23 сентябрда Полтаванга, 2-, 3-Украина fronti қўшинлари 14 октябрда Запорожьени озод этиб, Днепр соҳилига чиқдилар. 4-Украина fronti қўшинлари Азов денгизи соҳили бўйлаб ҳужумни давом эттириб, 23 октябрда Мелитополь шаҳрини немислардан озод қилдилар. Энди Совет Армияси олдида Днепр дарёсини кечиб ўтишдек фахрли вазифа турарди. «Днепр учун кураш — дейилганди «Правда» газетасининг 1943 йил, 18 октябрь сондаги бош мақоласида, — бутун Украина учун кураш демакдир».

Гитлерчилар Совет Армиясининг ҳужумини тўхтатиб қолиш учун мудофаа пунктларини мустаҳкамладилар. Улар Днепрнинг яхши мустаҳкамланган тик томонида туриб, дарёдан ўтиш мумкин бўлган кўприкни портлатдилар. Фашистлар Днепрни Совет Армияси кечиб ўта олмайди, Днепр бизнинг мустаҳкам истехкомимиз, деб ўйлашарди. Лекин совет қўшинлари газандаларнинг

ҳисобларини, умид ва режаларини бу гал ҳам пучга чиқардилар.

Днепрдан ўтишда Совет Армияси қўшинларига Украина партизанлари катта ёрдам бердилар. Улар олдиндан тайёрлаб қўйилган қайиқларда ва солларда Совет Армиясининг олдинги қисмларини ўнг қирғоққа ўтказишда фаоллик кўрсатдилар.

Жангчиларимиз Днепрдан кечиб ўтишда совет кишиларига хос мардлик, қаҳрамонлик, ботирлик намуналарини яна бир бор намойиш қилдилар. Ўзбек, қозок, тожик халқларининг ботир фарзандлари ҳам Днепр учун бўлган жангларда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

СССР Олий Совети Президиуми 1943 йил 16 октябрда Ўзбекистон фарзандларидан нуқуслик Николай Андреевич Сараев ва Тошкент област Юқори Чирчиқ районидаги «Меҳнат бирлик» колхозининг аъзоси Саидусмон Қосимхўжаевларни Днепрни кечиб ўтишдаги матонатлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон билан тақдирлади. Жангчиларнинг «Меҳнат бирлик» колхозчиларига ёзган хатида бундай дейилди: «Уртоқ Қосимхўжаев Днепр дарёсидан ўтиш учун олиб борилган жангларда совет халқининг фарзандларига хос бўлган жасурлик, қаҳрамонлик, ҳарбий маҳорат намуналарини кўрсатди. Армиямиз ўзбек халқининг шонли фарзанди Қосимхўжаевнинг қаҳрамонлик зафарлари билан фахрланди». («Ватан шарафи учун» газетасидан). Содиқ Алиязаров ва Ботибой Содиқовлар ҳам Днепрни кечиб ўтишда кўрсатган мардликлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар.

«Правда» газетаси 1943 йил 18 октябрдаги бош мақоласида ўзбек жангчилари ҳақида бундай деб ёзган эди: «...Содиқ Алиязаров ҳам... гвардиячи сержант Ботибой Содиқов ҳам Днепрнинг ўнг қирғоғида бирлашдилар, бир-бирларига ёрдамлашиб, бир-бирларини қўллашиб, бирга жанг қилдилар. Бу кишиларнинг номи турли бўлиб эшитилса-да, ammo уларнинг жони битта, бу жон оташин совет ватанпарварларининг жонидир. «Украина» деган сўз уларнинг ҳаммаси учун Совет Иттифоқи халқларининг барча тилларида бир хил оҳангда жаранглайди».

Ўзбек халқининг баҳодир ўғли, андижонлик ёш офицер Абдулла Йўлдошев ўз ротаси билан Десна дарёсини кечиб ўтаётганида душман қаттиқ ўққа тутди. Эпчил командир довдираб қолмади. У икки жангчи билан дарёдан кечиб ўтиб, гитлерчиларнинг икита станокли пулемёти ва аскарларини яқсон қилиб ташлади. Бу билан у бутун ротанинг дарёдан ўттишини таъминлади. Ҳукуматимиз Абдулла Йўлдошевнинг бу хизматларини 1943 йилнинг 16 октябрида Совет Иттифоқи Қаҳрамони шарафли унвони билан тақдирлади. Днепрдан кечиб ўтишда ном чиқарган ўзбек жангчиларидан бири, алоқачи Саримсоқов ҳам Ленин ордени билан мукофотланди.

Днепр учун бўлган жангларда қаҳрамонлик кўрсатган Қорадарё (ҳозирги Иштихон) районидаги Фрунзе номи колхозининг аъзоси старшина Синдор Ҳасановнинг донги бутун фронтга ёйилди. У ўз бўлинмаси билан дарёдан ўтиб, душман траншеяси учун бўлган жангда 100 дан ортққ гитлерчиларни қириб ташлади, ўнта пулемёт ҳамда бир дала тўпини ўлжа олди.


Генерал-майор Кирсанов Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига юборган мактубида: «Ўзбек жангчилари ҳозир Днепр учун бўлган жанглардагина эмас, балки олдин ҳам — Одессани мудофаа қилишда, Қрим учун бўлган олишувда, Сталинград ва Орёл остоналарида бўлган жангларда ўзларини социалистик Ватанга ва Коммунистик партияга содиқ эканликларини кўрсатдилар», деб ёзган эди.

1943 йил ноябрь ойда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига Совет Иттифоқи Маршали Рокоссовскийдан ҳам телеграмма келди. Унда: «Вобкентлик кизил аскар Шариф Эргашев Днепр дарёсидан ўтиш вақтида кўрсатган жасурлиги, қаҳрамонлиги учун СССР Олий Совети Президиумининг шу йил 30 октябридаги Фармонига мувофиқ унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди», дейилган.

Ўғлининг қаҳрамон бўлганлигини эшитган онаси — Эргашева партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик билдириб: «Мен бу хушxabардан оналик меҳри билан шодландим... Ўғлимнинг шундай мукофотга сазовор бўлганлигига ўз колхозимда ҳалол меҳнат қилиш билан жавоб бераман, большевиклар партиясига ташаккуриман изҳор қиламан. Бу хушxabар ғайратимга ғайрат қўшди», деб ёзган эди.

...Ватаннинг садоқатли ўғлини, ўзбек дивизиясида бўлган наманганлик Файзулла Йўлдошев 18 жангчига бош бўлиб, дастлаб Днепрнинг ўртасидаги оролга жойлашиб олди, сўнг дарёдан ўнг қирғоққа ўтди. Улар душманининг 2 взводи ҳужумига бардош бердилар ва қириб ташладилар. Бу билан совет қўшинларининг дарёдан талафотсиз ўтиши таъминланди. Жангларда кўрсатган жасорати учун Ф. Йўлдошев 1943 йил 29 октябрда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Халил Аминов Днепрнинг ўнг қирғоғи — Украина ерларида ўз бўлинмаси билан жанг



Автоматчи Остонақулов. 1942 йил.

Г. Зельма фотоси.

# ОЙ — ГУВОҲ



қиларди. 1943 йил 28 сентябрда Аминов бўлимаси душманнинг тўп ва миномёт ўқлари остида Днепрдан кечиб ўтди ва ўнг қирғоқда эгалланган маррани сақлаб қолди. 29 сентябрда Галки кишлоғи учун бўлган жангда қўшинларимизнинг ён томонидан зарба беришга уринган душман қисмларини чекинишга мажбур қилди ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлди.

Чернигов учун бўлган жангларда мардона курашган чавандоз Облокул Узоқов Днепрдан ўтишда ва дарёнинг ўнг қирғоғида бўлган жангларда ном чиқарди. У икки жангчи билан Кашенибурат кишлоғи учун бўлган жангда душман кучларига қаттиқ талафот етказди. Узоқов кишлоқдан бир километр наридаги кўприкни қиснаётган фашистлар томонидан портлатилишига йўл қўймастик ҳақида буйруқ олиб, бу буйруқни шараф билан бажарди.

Шунингдек, Ленин комсомолнинг аъзоси бухоролик старшина Валижон Набиев, Фарғона областидаги «8 Март» колхозининг аъзоси разведкачи Тўхтасин Бобоевлар ҳам Днепрни кечиб ўтишда жасорат кўрсатдилар.

Улуғ Ватан урушида Тошкент кишлоқ хўжалиги машинасозлик заводининг инженери Қосим Еқубов совет жангчисига хос қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. Еқубов тез кунда оддий солдатдан катта лейтенант даражасига кўтарилди. Қосим Еқубов сентябрь кечаларидан бирида 28 жангчига бош бўлиб, Днепрни кечиб ўтди ва фашистларнинг қутуриб қилган ҳужумларини 6 кун мобайнида моҳирлик билан қайтариб турди ва ўз позициясини сақлаб қолди. «Москва ёнида 28 панфиловчи қандай курашган бўлса, — деб ёзади «Қизил Армия» газетасининг мухбири Михаил Нидзе, — ўзбек халқининг қаҳрамон фарзанди Қосимжон эвзоди ҳам Днепрнинг ўнг қирғоғида шундай қаҳрамонларча жанг қилди».

СССР Олий Совети Президиуми Облокул Узоқов, Валижон Набиев, Тўхтасин Бобоев ва Қосим Еқубовларнинг Ватан олдидаги хизматларини тақдирлаб, 1944 йил 15 январь Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берди.

Днепр учун бўлган жангларда фидокорлик кўрсатган 1872 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга муяссар бўлди. Улар орасида 45 ўзбек жангчиси бор.

Совет Армияси жангчилари Днепрдан муваффақиятли кечиб ўтиб, 1943 йил 6 ноябрда Украина Совет Социалистик Республикасининг пойтахти Киевни фашистлар зулмидан озод этдилар. Бу кураш саҳифалари Улуғ Ватан уруши тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Бизнинг сайёрамизнинг ёши 4,6 миллиард йилга яқин. Унинг илк тараққий этиш даврида Ерда нималар содир бўлганлиги, Жаҳон океанининг суви қанча майдонни эгаллаганлиги ҳақида, қайси қитъалар, бу қитъалар қандай жойлашганлиги, қандай қўшилганлиги борасида — буларнинг ҳаммаси тўғрисида биз ҳозир фақат билвосита далиллар бўйичагина фикр билдиришимиз мумкин.

СССР Фанлар академиясининг О. Ю. Шмидт номли Ер физикаси институти илмий ходимлари яқинда ер йўлдоши — Ой орбитасининг тадрижий ривожланиши тахлилига асосланган Ернинг геологик тарихини тиклаш усулини тақлиф этишди.

Замонавий тасаввурга кўра, Ойнинг ёши Ернинг ёшига яқин. Ой бугунги кунларда 60,3 ер радиуси масофасида (бундай ўлчов анъанавий миң километрлик ўлчовга нисбатан масофа ҳақида бир мунча равшанроқ тасаввур беради) жойлашган. Вироқ бу масофа тинимсиз ўзгариб туради. Лазер локацияси ёрдамда Ойнинг йлига 3,8 сантиметр тезликда узоклашиб бораётганлиги аниқланди. Олимлар Ой билан Ер ўртасидаги масофа 4 миллиард йил бурун ҳозиргига нисбатан уч баровар кам бўлган, деб ҳисоблайдилар: Ой тахминан 20 ер радиусича узокликда жойлашган. Вироқ Ойнинг узоклашиш тезлиги доимий эмас. Агарда шундай бўлмаганда, Ойнинг аввалги 20 ер радиуси масофасидан 60 ер радиусигача (ҳозиргиси) силжиши учун камида 6 мил-

лиард йил талаб қилинар эди. Ваҳоланки, Ер ва Ойнинг ёши — 4,6 миллиард йилга тенг.

Агар Ер — Ой системаси учун ҳаракат миқдорининг механик пайти узок давр давомида доимий бўлиб қолди, деб қабул қилсак, унда, механика қонунига таянган ҳолда, сўнгги 4 миллиард йил давомида Ой орбитаси қандай ўзгарганлигини ҳисоблаш мумкин. Бу ҳисобларнинг ўзи Ер айланиши даврларини ҳам аниқлаш имконини беради. Сайёра тарихидаги ҳар хил даврларда ер суткасининг узунлиги ва йил неча кундан ташкил топганлиги маълум бўлади.

Ер физикаси институти ходимларининг ҳисобларига кўра, Ой 23,2 ер радиуси узоклигида жойлашган, бундан 2,6 миллиард йил муқаддам Ер кеча-кундузи ҳаммаси бўлиб 8,4 соатни ташкил этган; бир мунча биз яқин даврда, Ой Ердан 50 ер радиусича узокликда турганда, Ер кеча-кундузи 22,4 соатга етган.

Ой орбитаси ўзгаришини ҳисоблаш қадимий Ернинг океан ва қитъалари майдонларининг ўзаро боғланиши тўғрисида қизиқарли маълумотлар олиш имконини берди. Ҳозирги кунларимиздагидек, узок ўтмишда ҳам Жаҳон океани сув кўтарилиши таъсирини бошидан кечирган. Ой тортишиш таъсири остида океан суви вақти-вақти билан кўтарилиб ва пасайиб турган. Шунда сув кўтарилишининг кечикиши давр бўйича қанчалик кўп бўлса, шунчалик океан тўлқинлари қирғоққа чиқиб ёйилиб кетган. Ва аксинча, сув кўтарилишининг кечикиб юз бериши натижасида ер юзасида саёз ҳавзалар кўпаяди. Бундай ёндошиш ва сув кўтарилишининг кечикиши ўлчамини ҳисоблаш қадимий геологик даврда қитъаларнинг жойлашиши борасида маълумот айтиш имконини берди. Ҳисоблаш маълумотларига кўра, Ерда Пангей — қитъаларнинг жуда катта қитъага бириккан даври бўлган. Ундан кейин биздан 2,5—1,5 миллиард йил наридаги даврда қитъаларнинг силжиши бошланган. Бу ҳол саёз ҳавзалар атрофида қуруқ ер майдонларининг жадал ўсиши билан барабар кечган. Мана шу вақт оралиғида Ой ҳозирги вақтдагига нисбатан Ердан бир мунча тезроқ узоклашган. Утказилган ҳисоб-китоблар қуруқлик майдонининг аста-секин қандай юзага келганлигини кузатиш имкониятини беради. Тахминан 1,6 миллиард йил муқаддам қитъалар территорияси ҳозиргига нисбатан сал кам 3 марта кичик эди, бундан 0,6 миллиард йил бурун эса, қитъалар бугунги кундагидан 20 фоиз кам майдонни эгаллар эди.



Норин районидаги Калинин номли колхознинг мусобақадosh теримчилари С. Каримова, Х. Марақимова, Т. Жўраева.

Ж. Тўраев фотоси.

(«Наука и жизнь» журналдан)

# Бир миллион можароси



«Бир миллион можароси» драмасида сохта обрў қозониб ва давлат пулини ўмарош мақсадида содир бўлган кўшиб ёшиш фожиаси фош этилади.

Район партия комитетининг биринчи секретари Намозов ва унинг эгри йўлга кирган гумашталари йиллик курлийш планига чала Чўпонота канали ва тугалланмаган янги совхоз поёлқасини «битказилди» деб, Ёлгон рапорт тузадилар.

Райкомнинг иккинчи секретари Азаматова, кекса мироб Луқмон ота ва бошқа ҳалол коммунистлар қалбаки ишни, ноҳўя ҳаракатларни фош этидилар.

Бу ҳажвий асардан парча эълон қилмоқдамиз.

## ДРАМАДАН БИР КҶРИНИШ

Биллур қандиллар осилган, кенг, ҳашаматли кабинет тўрида, улкан ёзув столи орақсида қизғиш чарм креслога чўкканча Намозов ўтирибди. Кабинетга шинам кийинган ёрдамчи — Эсонов кўк папкани кўлтўқлаганча, тавозёв билан кирди.

Эсонов. Саломатмисиз, Ниёз Намозович? Кечадан бери келган расмий қоғозлар... (Папкани ёзув столи устига қўяди).

Намозов. Диёровна бугун ҳам кўринмайди?.. Дарҳол уйига телефон қилинг! (Креслога оғир ўтириб, кўк папкани очади. Кабинетдан чиқиб кетайтган Эсоновга). Одилжон, тўхтанг! Шу ердан телефон қилинг!

Эсонов. Кечирасиз, Ниёз Намозович... Нафиса Диёровна эри Карим Каримович билан аразлашиб, уйдан кетиб қолган... У ҳозир микрорайонда бир ўзи яшайди, квартирасида телефон йўқ...

Намозов. Телефон бор. Яқинда ўрнатган... Телефони: 4-20-20.

Эсонов (телефон рақамларини тиради, анчагача қўлоқ солиб тиради). Жавоб бермаяпти.

Намозов. Нима қилмайсиз энди? Бошқа котиба топиш керак.

Эсонов. Котиба бор. Бир қиз иш сўраб келди. Шаҳарда «Интуристинг»да бир оз вақт ишлаган, инглиз тилига ўқиган, машинада ёшишга моҳир. У қиз бугун ҳам иш сўраб келди, ҳозир менинг кабинетимда.

Намозов. Чақонгинами? Яъни, лаб-даҳани қалай, демокчман. Келишгангинами ишқилиб? Ўзи қаерлик экан?

Эсонов. Чақирайми? Кирсинми?

Намозов. Кирсин, шахсан ўзим бир сўхбатлашиб кўрайчи! Сиз дарҳол Диёровнага телефон қилинг, ярим соатда етиб келсин. Ҳа, дарвоқе, гап орасида ундан хотинини ҳам суриштиринг, балки Диёров Нафиса билан ярашиб олгандир. Хуллас, Нафисани топинг, биласиз-у, у бизга сув билан

ҳаводек зарур. Янгиси эса, ҳозир кирсин!

Эсонов. Хўп бўлади. (Жилмайганча чиқиб кетади.)

Намозов (креслодан анча енгил туриб, дераза ёнига келади ва янги котибанинг киришини кутабошлайди.)

Оппоқ дала,  
Оппоқ-оппоқ қор...  
Хаёлда лола,  
Кўнгилда баҳор...

Эҳ, ёшлик, чақмоқдай бир чақнади-ю, ўтди-кетди!

Эшик аста очилиб, кулранг жинси шим, кип-қизил махер кофта, баланд пошналы этик кийган, елкасига гулдор сумка оingan новчагина сулв қиз кириб келади.

Азизова. Мумкинми, ўртоқ Намозов? Мен Ҳанифа Азизоваман.

Намозов. Кириг! (Қизга бошдан-оёқ разм солади, қўл бериб қўришади.) Ниёз Намозович... Қани, ўтиринг! (Икковлари юзма-юз ўтирадилар.) Ҳужжатларингиз?

Азизова (сумкасини елкасидан олиб, очади). Мана паспортим, меҳнат дафтarchама, партия билетим.

Намозов. И-я, ўзимизнинг районлик экансиз-ку! Жуда соз!.. Шаҳардан уйга қайтибсиз-да? (Ҳужжатни кўздан кечиради.) Жойида... Турмушга чиқмаганмисиз, ҳа-а... Ҳанифаҳон?

Азизова. Бу — узун ҳикоя... Эрим йўқ, ёлғизман.

Намозов. Кечиринг, бошқа савол бериб ярангизни қонатмайман. Сиз ҳозир кадрлар бўлимга кириб, ариза ёзинг, анкета тўлдириг, хуллас, ҳужжатларингизни расмийлаштиринг. Қаерда турибсиз?

Азизова. Бир дугонаминикида.

Намозов. Квартира берамиз. Ишни дарҳол бошлашингиз мумкинми?

Азизова. Албатта.

Намозов (ўрнидан туриб, Ҳанифанинг қўлларини қўлларига олади, беозоргина силайди). Мен билан бирга ишлашнинг нақадар маъсулйатли эканини тушунсангиз керак?

Азизова. Ҳа, албатта. Эплай олармиканман?

Намозов. Эплайсиз... менга суянсангиз!

Азизова. Ҳаракат қиламан. (Чиқиб кетади.)

Намозов. О, фаришта!.. Ўзи ҳам тонг паллада туғилган бўлса керак: тиниқ, оппоқ, дўндикча!..

Намозов креслога ўтириб, бемаъл керишади, кўзларини юмганча ширин хаёллarga берилади.

Эсонов. (Киради.) Диёровни топдим, ҳозир етиб келади. Нафисани ундан сўрадим, Карим Каримович: «Билмайман», деди. Ҳа, айтгандай, у хотини билан расмий равишда ажралишмоқчи бўлиб ариза берганини эшитувдим...

Намозов. Қачон? Қандай қилиб?

Эсонов. Болалари бўлмагани учун ЗАГС икки томоннинг аризасига бивоан талоқни осонгина расмийлаштираркан. ЗАГС мудираси қўшним бўлади, ўша айтди...

Намозов. Ҳа, дарвоқе, бу томони бор. Хўш, Диёрованинг ўзи қаёққа йўқолди?

Эсонов. Суриштирдим... Бундан уч кун аввал иш тугагач, райкомдан чиққан-у, янги квартирасига бормаган. Қаерга кетгани номаълум...

Намозов (ташевишланиб). Одилжон, ука, сиздан илтимос: менинг машинамга мининг, микрорайонга боринг, Диёрованинг кўни-қўшниларидан уни суриштиринг, хуллас, ер тагидан бўлса ҳам топинг!

Эсонов. Вазараман, Ниёз Намозович.

Намозов. Ҳалиги қиз... Азизова менга маъқул бўлди. Уни қабулхонага қўйиб кетинг.

Эсонов. Хўп.

Намозов. Луқмоновга телефон қилинг, у ҳам ҳозир етиб келсин.

Эсонов. Хўп бўлади. (Чиқиб кетади.)

Намозов. Нафиса... Нафиса... (Қизил телефон аппарати ёнига келиб, овозини чиқарганча рақамларни тиради.) Тўрт... Ийгирма... Ийгирма... (Бир неча дақиқа қўлоқ солади.) Жавоб йўқ... (Қўнгироқ тугмасини босади.)

Азизова (киради). Эшитаман, Ниёз Намозович!

Намозов (хайрон). Ишингиз дарров битдимми?

Азизова. Ҳа. Хизмат, Ниёз Намозович?

Намозов. Диёров билан Луқмонов келишади. Аввал Диёров кирсин.

Азизова. Маъқул, Ниёз Намозович.

Намозов. Райжроком раиси Салоҳ Бердиевич Бердиев чўлдаги қурилишларни кўришга кетган. Сиз у кишини танимайсиз, Ҳанифа...

Азизова. Ҳанифа Зуфаровна...

Намозов. Ҳанифа Зуфаровна? Бердиев — Поль Робсонга ўхшаган, боши катта, сал чўтир, барваста одам. Салоҳ Бердиевич менинг ҳузуримга навбатсиз киради.

Азизова. Тушундим, Ниёз Намозович. Менга рухсатми?

Намозов. Яна бир кишини яхши таниб олинг: Азаматова. Ойниса Азаматовна. Худди сизга ўхшап, оёқлари узун, момақаймоқ жуvon. Чингиз Аҳмаров чизган қизларга ўхшайди.

Азизова. Тушундим. Азаматова — райкомнинг иккинчи секретари. Кабинетингизнинг рўпарасидаги эшикка Азаматованинг фамилияси ёзилган.

Намозов. Балли! Фақат... эҳтиёт бўлиб сўзлашинг, Азаматова — сиркаси сув кўтармайдиган, жаҳли тез аёл. Қани, яқинроқ келинг!

Азизова (Намозовнинг қаттиқ тикилишидан кўзларини олиб қочади). Эшитаман?

Намозов (Ҳанифанинг қўлларини ушлаб, нозик бармоқларини силайди). Раҳбар билан унинг котибаси бир-бирига яқин, ҳатто сирдош бўлишлари керак, Ҳанифаҳон. Е, шундай эмасми?

Азизова. Албатта...

Намозов. Ишдан кейин мен сизга машина бераман, матлубот жамаиятининг базасига борасиз. Сизни кутиб туришади. Зарур кишимларни танлаб олинг. Албатта, маошингиз ҳисобидан аванс тариқасида... Бу кийимларингиз сайру саёҳатга яхши, аммо идорага... Тушундингизми?

Азизова. Тушундим. Танқид — келажакнинг меваси. (Кулади.) Тагин нима қилай?

Намозов. Узув тирноқларингиз жуда нафис, бироқ кўзга ташланади... Пардоз ҳам эви билан бўлса...

Азизова. Хўп. Эртаги мени тамом бошқа кўёфада кўрасиз. (Қўлларини базўр тортиб олади. Шошиб чиқиб кетади).

Намозов. Олови... Енади, куйдиради... (Креслога ўтириб, кафтларини ишқайди). Бу қирғоқда ҳамма иш жойида... Аммо, у қирғоқда-чи? Нафиса қаёққа кетди экан-а? Кейинги кунларда аввоий бузуқроқ кўринарди... Балки, эрининг ажралмоқчи бўлганига таъби тирриқдор. Балки, дилини ёзиб келиш учун отанасиникига кетгандир. Лекин, у ҳеч қачон менга айтмасдан бирор иш қилмасди. Таажжуб. Ҳа, чиндан ҳам таажжуб...

Азизова (киради). Ўртоқ Диёров келди.

Намозов. Кишин. (Қора телефон жиринглайди). Тўхтан! (Трубкани олиб, қулоқ солади). Ҳа, мен. Гапир! Йўқ, тушликка боролмайман. Гапиравер! Телефонда гапиролмайман, дейсанми? Епирай!... (Трубкани кафти билан ёпади. Ҳанифага). Маликай дилдор... (Трубкага) Хат? Қанақа хат? Кимдан? Ким олиб келди? Конвертда адрес бўлмаган хатни нега олдинг? «Ҳаёт-мамонт масаласи». Ким айтиди бу бемаъни гапни? У хатни сен лақмага бериб кетган ўша тулки ким? Сен уни шартга қўлидан ушлаб, милицияга телефон қилмадингми? Хўп, хабар қилмабсан. Нега конвертни очдинг? Ҳой нима гап ўзи? Нега йиғлаяпсан?.. Лобар! Сенга айтаялман, Лобар! Игвогар ёзган тухматларга эътибор қилма! Ушқангиз бос!.. Ишдан кейин бораман... Аммо, хатни ҳеч кимга кўрсатмай тур! Уқдингми? «Райкомга бораман», дейсанми? Райкомда сенга нима бор?.. Ахир, умрингда келмагансан-ку менинг идорамга! Ҳой нима гап ўзи: мени итоатимдаги одамлар олдида шарманда қилмоқчимсан? Йўқ, келма! Иш кўп, вақтим йўқ!.. (Трубкани қўяди). Ё, тавба! Бўхтон деган илон одамнинг оёғи тағида ўрмалаб юриди. (Терлаган бўйинини дастурмоли билан артади.) Диёровни чақирин!

(Азизова чиқиб кетади. Бир оздан кейин коржомда Диёров кириди).

Диёров. Салом, Ниёз Намозович!

Намозов. Келинг, Карим Каримович. Шошилич топшириқ олдик. Планга бир миллион сўмлик қурилиш ишлари ҳажми етмапти.

Диёров (истеҳзоли оҳангда). Бу — янгилик эмас. Ундан кўпини ҳам қўшиб ёганмиз. Кемага тушганинг жони бир. Ҳамама нарса ўртада...

Намозов. Шахсий ишларимизни давлат вазифаларига аралаштирмайлик! «Ўртада» эмиш!.. Ҳа, масъулият ўртада! Баравар жавоб берами!

Диёров. Шахсий ишлар... Гап келганда отангни аяма, дейдилар... Айтинг, нега сиз хотинингиз бошини айлантирдингиз? Нега унга олтин тоғлар ваъда қилаяпсиз? Ҳамманинг оғзида дув-дув гап: «Намозов Диёровга ошиқи-шайдо бўлибди, унинг учун кооператив квартира олибди, хоналарни ясабди...» Афсуски, дадим ичимда — сиз билан мени борлаб қўйган шундай ишлар борки, улар мени сукут сақлашга мажбур этади. Боягина ёрдамчингиз Эсонов менга телефон қилиб, Нафисанинг қаердалигини сўради. Қулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмайман: девонадан ой бошини сўраган яхшимасми бундан кўра?! Фақат шуни айтишим мумкинки, менга вафо қилмаган хотин сизга ҳам вафо қилмайди. Винобарин, хўрланиш аёлни телбага айлантиради: у нима иш қилиб қўйганини ўзи ҳам билмай қолади. Мен фақат шундан кўрқаман. Эҳтиёт бўлинг, Ниёз Намозович! Вас, ҳасратни йиғиштирайлик. Ишга ўтайлик. Менга нима хизмат бор?

Намозов. Қўнгилни анча бўшатиб олдингиз. Лекин, менга ҳам осон эмас. Нафиса... Унинг қаердалигини мен ҳам билмайман, ишонинг! Мана, уч кундан бери ишга ҳам чиқмай қўйди. У ҳеч қаерда йўқ... Тўғри, биз у билан бирга ишлаяпмиз, сирдошмиз... Хотинингиз — сулув аёл, жозибаси зўр... Юрак тош бўлса ҳам эриб кетади бундай гўзалларни кўрганда, Нафиса...

Диёров. Нафисани тинч қўяйлик! Пландан гапиринг!

Планин тўлдириш учун шахсан мен нима қилишим керак?

Диёров. 35-совхоз посёлкаси билан Чўпонота каналини топширишингиз керак.

Диёров. Тўғри, иккала объектдаги чала ишларнинг ҳажми бир миллион сўмдан ортиқроқни ташкил этади. Бироқ бу чала ишларни тугаллаш учун олти ой муддат керак, шунда ҳам қурилиш материаллари шитоб етказиб берилса!..

Намозов. Ишнинг бу томони сизга боғлиқ, Карим Каримович! Қурилиш — мураккаб соҳа. Сиз бу соҳанинг пири бўлиб кетгансиз. Қанча чала йўллар, уйлар, каналлар, устахоналар ва ҳоказо объектларни топширдингиз, булар ҳаммаси кейин битиб кетди. Давлатни, халқни ўйлаш керак, биродар!

Диёров. Яъни?

Намозов. Яъни, давлат плани бажарилса халқ таъминоти яхшиланади. Бошқармангиздаги минглаб кишилар мукофот олади, ташкилотингиз байроқ билан, илгорлар орден ва медаллар билан тақдирланадилар. Ҳаммамизнинг юзимиш ёруғ бўлади. Диёров. Бу гапларни аввал ҳам айтгансиз. Хўш, бажарилмаган бир миллион сўмлик ишни «бажарилди» деб қандай расмийлаштирамиз?

Намозов. Аввал қандай расмийлаштирган бўлсангиз, ҳозир ҳам ўшандай расмийлаштирасиз. Сиз — подрядчи, бажардингиз, Луқмонов — заказчи, қабул қилиб олади. Фақат, камқўстни кейин тўғрилаш шарт билан...

Диёров. Бир ҳисобда бизга осон, топширамиз-у, қўтиламиз. Бироқ, сизнинг қайингиз Луқмоновга қийин: унинг одамлари, чўлқуварлар шамол гувилаб ётган чала уйлارда қандай яшаркинлар? Ҳали тўла текисланмаган, фақат бир қисмгагина бетон ётқизилган каналдан сувни қандай юргизаркинлар?

Намозов. Чала ишни икковингиз биргаликда битказасизди. Хўш, розмисиз?

Диёров. Луқмонов розими? Луқмонов (кулиб кириб келади). Биз доим рози! Салом, поччо! Салом, Каримжон! (Улар билан кўришиб бўлгач). Кечадан бери телефон кута-кута, ўзим ҳам йўлга чиқмоқчи бўлиб турувдим. Эсонов қўнғироқ қилиб қолди. Ҳа, намунча қовоқларингиз осилиб кетди? Осмон узилиб ерга тушгани йўқ. Бу — ҳар йилги савдо: биз қурилишларни чала қабул қилиб, кейин ўз кучимиз билан охирига етказишга ўрганиб қолганмиз. Хўш, бу йилги топшириқ қанақа, поччо?

Намозов (чехраси ёришиб). Раҳмат, Тоғайбек, ҳар қачон оғир юкимизни энгил қилиб келгансиз. Миннатдорман. Бу галги вазифа — 35-совхоз посёлкаси ва Чўпонота канали қурилишини расмийлаштириш.

Луқмонов (Диёровга). Актларингиз тайёрми, Карим Каримович!

Диёров (ҳайратланади). Зиммангизга олаётган масъулиятни биласизми, Тоғай Луқмонович?

Луқмонов. Ҳатто, катта шахарларда ҳам одамлар янги уйлardan квартира олгач, аввал

ремонт қилиб, кейин кўчиб кирадилар. Бу ерлар оса чўли-малик. Чала ишлар беҳисоб. Буларни бир кунда битказиб бўлмайди, аста-секин ўнглаб оламиз. Фақат ахиллик, дўстлик орадан кўтарилмасин. Давлатимизнинг даргоҳи кенг. Биз ҳам феълни кенг қилиб, дадил ишлай беришимиз керак.

Намозов. Баракалла! Давлат арбоби бўлишга арзийсиз, Тоғайбек! Азбаройи, бундай юксак баҳони мен сизга қайним бўлганингиз учун эмас, улкан ишларда сафдошим бўлганингиз учун бермоқдаман. Сиз, Каримжон, жасоратни Тоғайбекдан ўрганинг! (Икковингиз ўрасида туриб, қулоқни кенг керачан, уларнинг елкаларини қучади). Актни тезлатингиз, дўстлар, биз рапортни тайёрлаймиз! Шунақа қувончли дақиқаларда одамнинг кучига куч қўшилади, юракда гайрат жўш уради. Ҳа, қадрдорларим, актни расмийлаштира-берингизлар, мен ўзим янги совхозга бориб, қурувчилар билан ишлашга тайёрман! Хайр, муваффақиятлар тилайман!

Диёров билан Луқмонов кабинетдан чиқиб кетадилар. Намозов чўқур креслога ўтириб, мамун бир ахволда эркин тин олади. Эшик аста очилиб, Луқмонов оёқ учида кириб келади, Намозовнинг бошига эгилиб, қулоғига шивирлайди.

Луқмонов. Поччо!.. Ҳов, поччов!..

Намозов (кўзларини эри-нибгина очиб, ширин ҳомуза тортади). Лаббай, Тоғайбек?

Луқмонов. Маош билан мукофотни қандай тақсимлашни Диёровга айтдингизми?

Намозов. Тахминан қанча бўлади?

Луқмонов. Бажарилди деб акт қилинган иш баҳосининг деярли учдан бири...

Намозов. Демак, уч юз минг?

Луқмонов. Сал кўпроқ. Яна бу нақдина бегона бўлиб кетмасин!

Намозов. Диёров билан икковингиз дўппини олиб қўйиб, чўт қоқишларингиз керак. Луқмонов. Маъқул. Фақат... комиссиялар, тафтишлар, халқ назорати...

Намозов. Буёғини мен ўз зиммамага оламан.

Луқмонов. Раҳмат, поччо! Менга руҳсатми?

Намозов. Диёров хотини масаласида ҳамон аламазада. Сал попугини пасайтириб қўйишингиз иложи бўлармикан?

Луқмонов. Иложи осон. Мен ҳозир уни «Гулшан» ресторанига таклиф қиламан, хос хонада мириқиб суҳбатлашамиз. Хайр, поччо!

Луқмонов чиқиб кетади. Намозов қўнғироқ тугмасини босади. Азизова кириди.

Намозов. Чой дамлашни биласизми, Ҳанифахон?

Азизова. Албатта.

Намозов. Чиройли қўлингиздан бир пиёла аччиқ кўк чой ичсам.

Азизова. Ҳозир... Қабулхонада сизни бир аёл кутапти.

Намозов. Ким экан?

Азизова. Кимлигини айтмапти. «Шахсий иш билан келганман», дейди.



Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм.

Намозов. Қабул қилолмайман. Бандман.

Азизова. Шундай деб айтаман. *(Чиқиб кетади)*.

Эсонов *(ҳовлиқиб киради)*. Кечирасиз, Ниёз Намозович, Диёрова ҳеч қаерда йўқ. Қўшнисини пенсионер кампир Маърифат хола уни ўзидан ёшроқ бир жувон билан бирга кўрибди. Педбилим юрти ётоқхонасининг яқинида...

Намозов. Таажжуб... Хўш, кейин нима қилдингиз?

Эсонов. Педбилим юртида ишлайдиган таниш-билишлардан суриштирдим. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Эҳтиётти шарт аэропортга бордим, аввал кун кечкурундан то бугун эрталабгача у ердан учган тўртта самолёт пассажирларининг рўйхатларини кўздан кечирдим. Диёрова у рўйхатларда йўқ.

Намозов. Кетаман деса машина бор, поезд бор. Лекин, у нега кетиши керак? Районимизда малика бўлиб юравермайди-ми? Таажжуб. Е, микрорайондаги янги квартирада биронта кўнгилсиз ҳодиса юз бердимикан-а?.. *(Уга ташвишланиб)*. Сизга ишонсам бўладими, Одилжон?

Эсонов. Садоқатимга заррача шубҳангиз борми?

Намозов. Йўқ, албатта... *(Креслодан оғир туриб, бурчакдаги сейф ёнига боради, уни очди ва калит олади)*. Мана, Диёрова квартирасининг иккинчи калити... Дарҳол бориб, эшигини очиб кириңг. Ҳар эҳтимолга қарши квартирасига... шоферим Қўзивой билан бирга кириңг. Тушундингизми?

Эсонов. Тушундим. *(Калитни чўнтагига яширади)*. Ҳа, айтгандай, қабулхонада келиноним кутиб ўтирибдилар.

Намозов. А? Лобарми?! Азизова уни танимаган-да...

Азизова *(патнисда чойнакпиёлалар кўтариб киради)*. Мана, чой.

Намозов. Қабулхонадаги аёл Намозова экан, айтиңг, кирсин.

Азизова. Хўп. *(Чиқиб кетади)*.

Намозов. Одилжон! Тез келиңг. Қурилиш плани бажарилгани ҳақида юқори ташкилотларга рапорт юборамиз. Сиз ҳам мукофотга лойиқсиз, ука!

Эсонов. Ташаккур. Ҳеч қачон унутмайман. *(Чиқиб кетади)*.

Намозова *(киради)*. Кабинетингизда ҳеч ким йўғу, котибангизга «бандман» дебииз. *(Қўлида оқ конверт ушлаган ҳолда Намозовнинг қаршисига тик бостириб келади)*. Аввал сиз мана бунини синчиқлаб ўқиб чиқинг, кейин гаплашамиз. *(Креслога ўтиради)*.

Намозов *(хатни олади-ю,*

*кўз ташлаб, қайтиб беради)*. Мен бунанга имзосиз хатларни ўқимайман!

Намозов. Уқийсиз! Кўп марта ўқигансиз ва бундай хатлар асосида одамларга чоралар ҳам кўргансиз! Уқинг! Овозингизни чиқариб ўқинг!

Намозов *(дарғзаб)*. Ҳой, сен нималар десаң! Сен ўзинг қаерда ўтирганингни биласанми?!

Намозова. Биладан! Мен коммунистман, райкомда ўтирибман. Майли, сиз ўқимасангиз, мен ўқийман, сиз эшитмасангиз, мана бу деворлар эшитсин. *(Уқийди)*.

«Мухтарам Лобар опа! Сизга бу хатни микрорайонда истиқомат қилиб турган бир тўда аёллар ёзганимиз. Хатга имзо қўйганимиз сабабини тушунасангиз керак: эрингиз Намозов — районимизнинг раҳбари ва ўзини яқка ҳоким деб билгучи одам бўлгани учун биз унинг қаҳридан қўрқамиз.

Опажон, сиз болаларимизни ўқитиб, тарбиялаб келаётган моҳир педагогсиз. Биз ана шу маҳоратингизни эрингизга нисбатан ҳам ишлатишингизни истар эдик, негаки, Намозов партия ходими деган номга аллақачон доғ тушириб бўлди. Аввало, биз унинг эгри ишлари ҳақида ақл озғанда юрган гаплар сизга етиб бормаганига ишонмаймиз. Айниқса, унинг Нафиса Диёровани эрдан совутиб, ўзига ром қилинга уриниб юрганлиги, унга микрорайондан квартира олиб бериб, бу квартирани қимматбаҳо жиҳозлар билан безаганлиги, ўзи эса, шу ерга тез-тез қатнаб турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Микрорайондагилар Намозовни Нафиса квартираси тағдида кўриб ранжидилар, газабланидилар.

Биз, микрорайон аёллари Нафисани ўртага олиб, роса дашном бердик. Балки, у эсини йиғиб олар. Аммо, шунин биланмики, кўп нарса эрингизга ва шахсан сизга боғлиқ. Намозова айтиңг, микрорайонимизга қатнашларига чек қўйсин, ақс ҳолда, биз унинг устидан юқори ташкилотларга шикоятнома юборишга аҳд қилдик.

Катталик ҳам эми билан, опажон! Микрорайон аёллари».

Хўш, Ниёз Намозович, сиз бу коллектив арзномага нима дейсиз?

Намозов. Тухмат!.. Аёлларнинг ғийбати!.. Диёрова эрдан ажрагач, квартира олса олгандир, ахир, ишлайди, пул топади. Менинг машинам ўша томонга борган бўлса боргандир, шоферим Қўзивой микрорайонда туради. Қўй: арзимаган нарсага хафа бўлиб, тумшунингни осилтирма!.. Қани, хатни менга бер! *(Хатни олиб, майдалаб йирғач, ахлат савагига ташлайди)*. Тамом — вассалом! Сен ўқимадинг, мен эшитмадим... Хўш, бошқа ишлар ҳаммаси жойидими?

Намозова. Уғлингиздан ташвишдман. Тағдида «Волга», чўнтагида пул, улфатлари — бойваччалар...

Намозов. Фаёз — ёш, айна

ўйнайдиган даври. Ма! *(Чўнтагидан бир даста пул чиқариб узади)*. Унга керак бўлса, яна бери! Улфатлари олдида бўйинини эгиб юрмасин.

Намозова. Пул?! Мен маош оламан, Ниёз Намозович, пулим бор. *(Урнидан туради)*. Мен боғдан келсам, сиз тордан келяпсиз, эр!.. Бошқаларни-ку лақиллатиб юрибсиз, энди мени, ўттиз йиллик хотинингизни ҳам лақиллатмоқчимисиз? Мен сизни оғохлангирдим, сўларимни чуқурроқ ўйлаб кўриңг! Кейинги пушаймон — ўзингга душман, дейдилар. Эҳ, афсус!.. *(Зарда билан чиқиб кетади)*.

Азизова *(киради)*. Чўлдан Лукмон ота исмли мўйсафид келибдилар.

Намозов. Ана ҳолос!.. Чап кўзим учаётгудди-а! Менинг мухтарам қайнотам! Тиниб тинчимас қария...Ҳа, майли, кирсин!

Азизова. Хўп *(Чиқиб кетади)*.

Лукмон ота *(киради)*. Ассаломуалайкум, куёв! Қалай, халқимиз бахтига толмай-нетмай, эсон-омон юрибсизми? Чўлга бормай, биз чўлқуварларнинг ҳолидан хабар олмай қўйдингиз?

Намозов *(креслода ўтирган ерида қўл узатиб, истаристамай кўришади)*. Келиңг, бобой! Раҳбарлик ишини биласиз-ку, эрта-ю кеч тиним йўқ.

*(Лукмон ота Намозовнинг рўпарасига ўтириб, чакмонининг барларини йиғштиради)*. Ҳозир кираётсам Лобар чиқиб кетяпти, бўйнимдан қучоқлаб, ўпқасини туттолмай хўнграб йиғлайди, сўрасам индамайди... Хўш, куёв, ўзи нима гап?

Намозов. Тинчлик, бобой, тинчлик... Эр-хотиннинг ишига эси кетган аралашади. Биласиз-ку!

Лукмон ота. Ҳа, биламиз... Билмай, телба бўпмизми, биламиз. Ҳарқалай, ёшларингиз бир ерга етиб, ўғил-қизнинг бўйи чўзилганда машамшага ўрин қолмас. А, лаббай?

Намозов. Вас, бу гапларни қўйиб турайлик. Хўш, бобой, хизмат?

Лукмон ота. Бир одамнинг бошқа бир одам ҳақида ташвиш тортишдан ҳам каттароқ хизмат борми дунёда? Агар одамлар бир-бирини ўз ҳолига ташлаб қўйса, бирининг иккинчиси учун жони қуймаса хонадон, юрт тўзиб кетмайди, куёв?

Намозов. Ҳой, бобой, сиз бу жумбоқларингиз билан нима демоқчи бўлаяпсиз?

Лукмон ота. Мен шунини демоқчиманки, ўртоқ райком секретари, биз, оқсоқоллар, атрофимизда содир бўлаётган ишларни ақл тарозисидан тортиб

кўриб, хайратдан ёқамизни ушлаб қолаямиз. Ахир, биз, оқсоқоллар, ёшлимизда Совет ҳокимияти учун жонимизни тиккан, колхоз тузган, урушда фашистларни қийратган одамлармиз. Биз умр бўйи эрк, адолат, поклик, авлодлар бахти учун курашиб келдик. Хўш, сиз раҳбарлик қилаётган бизнинг районимизда энди нималар бўлаяпти?

Намозов *(дарғзаб, ўрнидан туриб кетади)*. Хўш, нималар бўлаяпти?

Лукмон ота. Сиз, куёв, фақат оилангизни эмас, давлатни ҳам алдаяпсиз!

Намозов. Ана ҳолос! Бобой дейман, жуда катта кетдингиз-ку! Гапни осмондан олиб гаширманг-да!

Лукмон ота. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Қаерга борсам, дув-дув гап: «Намозов босар-тусарини билмай қолди. Пахтага кўшиб ёзилаяпти. Гушт, сабзавот ўрнига пул тўланапти. Битмаган қурилишлар битди, деб акт қилинаяпти. Раҳбаримизни пул қутиртириб, ахлоқига ҳам путур кетди...» Хўш, куёв, дафтарингизга варақлайверайми ёки шуниси етарлими?

Намозов. Сиз, бобой, иғвогарсиз! Ҳамма сўзингиз бўҳтон! Мен сизнинг мени ёмон кўришингизга ажабланмайман, сабабки, қайноталар куёвларини ҳеч қачон яхши кўрмайдилар. Аммо, мен сизнинг мўътабар идорада, кутлуг даргоҳда менга тухмат қилишингизга ортиқ бардош бераолмайман. Кетинг бу ердан!


Лукмон ота. Хўп, кетаман. Аммо, Азаматова билан Бердиев бугун янги совхозга борганларидега биз уларга чала қурилишларнинг ҳаммасини кўрсатдик. Қанчадан-қанча бинокорлик материаллари талон-торож қилинганини айтдик. Биз махсус комиссия тузилишини, қурилишнинг барбод этилгани сабаблари текширилишини, жиноятчилар жазага тортилишини талаб қилдик.

Намозов *(қулоқларини беркитади)*. Вас! Иғво жонга тедди! Кетинг!!

Лукмон ота *(аста ўрнидан туриб, Намозовга тикилади)*. Садқа раҳбар кет! Сен жар ёқасидан кулаб, тубсиз ўпқонга гарқ бўлаётганингни ўзинг билмаяпсан. Эҳ, куёв, куёв! *(Чиқиб кетади)*.

Намозов *(креслога суялганда бир неча дақиқа кўзларини юмиб, беҳол ўтиради)*. Кейин қабулхона кўнгирагининг тугмасини қайта-қайта босади-да, ҳеч ким кирмаган, қўл соатига қарайди! Сват икки. Танафбус...

Парда





М. ИҶЛДОШЕВ. ШАРҚ ҚИЗИ.



ЎзССР Фанлар академияси Ядро физикаси институти  
радиомонтажчиси Омила Орипова.  
В. Мосин фотоси

Инженер-физик Шавкат Олимхўжаев ЎзССР Фанлар  
академияси Электроника институтида хизмат қилади.  
В. Мосин фотоси






Н. КОРНИЛОВ. НУКУСДА.



В. ПЕТРОВ ИШГА.





— Буларни тўқиган кўли гул  
гиламчиларга раҳмат!  
Л. Петренко фотоси

Ургутлик чеварлар.  
Л. Петренко фотоси



# ХЕВА ГИЛАМИ

Хева шахри марказидан учна олис бўлмаган катта майдонда Гилам комбинати гувиллаб ишлаб туради. Бу ерда тўқилган гиламлар юк машиналарида шаҳарнинг марказий кўчаси бўйлаб олиб ўтилади.

— Бундан ўн йил муқаддам комбинатнинг ўрни қамишзор, ташландик ерлар эди, — дея хикоя қилади комбинат бош иқтисодчиси Собир Жабборов. — Олисдан ўн-ўн беш хўжалик гуллашган кўримсизгина қишлоқ кўзга ташланарди. Ҳовлилардан бирида маҳаллий гилам тўқиш фабрикаси ташкил этилганди. Бу фабрикада жунни титиш, ип йиғиришдан тортиб гиламга гул солишгача бўлган ҳамма ишлар кўлда бажариларди. Бу жуда диққатталаб, машаққатли иш бўлганидан, ўн-ўн беш аёл бир ойда уч-тўрт метр сифатли гилам тўқий оларди, холос. Аҳолининг турмуши яхшиланиб, даромади ошгани сайин, гиламга ахтиёж ҳам орта борди. 1977 йилда республика меҳнаткашларининг бу ахтиёжларини қондириш учун Хевада автоматлаштирилган машина-гилам тўқиш комбинати ташкил этишга қарор қилинди. Хева гилам комбинати шу тариқа вужудга келди. Бир гуруҳ ёшлар Люберци, Ленинобод, Қайроққум гилам комбинатларида бўлиб, асбоб-ускуналарни бошқариш, машиналар ёрдамида гилам тўқиш ишларини ўрганиб қайтидилар. 50 киши эса Москва, Волоколамск, Курск шаҳарларидаги гилам комбинатлари курсларида касб-хуна ўрганиб қайтидилар. Комбинатда тўққизта цех ташкил топди. Бу цехлар энг янги-такомиллашган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Комбинат аппарат, йиғирув ишлаб-чиқариши ҳамда тўқув ишлаб чиқариши қисмларга бўлинди. Ҳозир комбинатда 2 минг киши меҳнат қилаётди. Уларнинг ғайрат-шижоати билан корхонада йилга 150 миллион сўмлик маҳсулот реализация этиляпти...

Комбинат маъмурияти учун ажратилган уч қаватли бинонинг кираверилишида залда шундай ёзувларга кўзингиз тушади: «Комбинатда бир минутда 14 квадрат метр гилам ишлаб чиқарилади». Рақамлар дилингни тўққинлаштирилади: демек, бу йил хонадонларимизга қанчадан-

қанча гилам нафосат, тароват олиб киради.

Мана, корхонанинг хом ашё цехи. Бир томонда чанг, кум аралаш жун уюмлари, иккинчи томонда узук-юлуқ ип ўрамлари...

— Булар Қозоғистондан, Туркманистондан, Монголия Халқ Республикасидан, Янги Зеландиядан келтирилган. Мана бу синтетик толалар эса, Навоий кимё комбинатидан, Курскдан олиб келинган, — деб тушунтирди ҳамроҳимиз.

Наҳотки, шунчалик кўримсиз хом ашёдан дилга ором бағишловчи гўзал гилам тайёрлана?

Ҳа, фан-техника, инсон ақл-заковатининг кудрати бунга қодир эканини корхона мисолида кўриш мумкин. Мана, хом ашё цехида дастгоҳлар кўй жувларининг чангини тозалаб, майинлаштириб, тепадан ўтказилган лабазларга узатаёпти. Тозаланган жун эса бу лабазлар орқали автоматик система асосида бўйаш машиналарининг барабанларига келиб тушаяпти. Бир томонда катта қозонларда уларга химиявий усулда ранг берилаетир. Кейинги цехида машина-аппаратлар ёрдамида бўялган ашё қуритилиб, синтетика ва жун керакли миқдорда қўшилиб, машинада қориштирилади. Аппарат цехида эса хом ашё маълум муддатда намлиги нормаллаштирилгач, тараш цехига узатилади. Бу цехдаги тараш аппаратлари автоматик система асосида келиб тушаётган аралаш ашёни ҳар икки секундда икки марта авайлаб тараб, тўлқин-тўлқин жиловантириб, текислаш машиналарига узатади. Текислаш машиналарида улар текисланиб, ип йиғирув цехига келтирилади. Йиғирув цехида эса дастгоҳлар толаларни ипга айлантириб, калавага ўрайди.

Умуман, комбинатда ишлаб чиқариш икки қисмга бўлинган. Биринчи қисмда жун қайта ишланади, ранг берилди, синтетик тола керакли миқдорда аралаштириб, ип йиғирилади. Иккинчи қисмда эса тайёрланган илдан ранг-баранг гиламлар тўқилади, маҳсулотга пардоз берилди.

Шуниси қизиқки, корхонанинг биринчи қисмида ишчиларини деярли учратмайсиз. Хом ашё цехдан-цехга, аппаратдан-аппаратга конвейер усулида ўтиб, машиналар бир-бирларига жўр бўлиб ишлайди. Бу ишларнинг ҳаммаси атиги ўн йил олдин минг

бир машаққатлар билан қўлда бажарилганини ўйласанг, ана шу диққинафас юмушларга барҳам бера олган мўъжиза механизми ижодкорлари шаънига тасаннолар айтгинг келади.

Аммо ҳақиқий мўъжизага, ил-ҳомбахш меҳнат жараёнига корхонанинг тўқув ишлаб чиқариши қисмида дуч келасиз. Улкан йиғирув цехида 5680 урчуқ бир кунда 420 килограмм тола йиғиради. Ураш машиналари Фаргона, Владимир областлари тўқимачилик комбинатларидан келтирилган пахта толасини қатимга қўшиб ўраш билан бирга, уларнинг сифатини ҳам текширади. Қатим сифатсиз бўлса, бу ҳақда ишчиларни огоҳлантиради.

— Йиғирув цехимиз корхонанинг энг катта участкаси ҳисобланади, — деб хикоя қилади табель ҳисоби бўйича катта назоратчи Гавҳар Рўзиметова. — Бу ерда 300 дан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Ҳар бир дастгоҳдаги 240 урчуқ эрталабдан кечгача тиним билмай ишлаб турса, кунига планда кўрсатилган 400-420 килограммдан ортиқ ип йиғирилиши мумкин. Аммо мана бу табелдаги ишга келган-келмаганларнинг рўйхатини кўздан кечирсангиз, комбинатда йиллик гилам ишлаб чиқариш плани бажарилмаётганлигини, сифатсизликка йўл қўйилаётганининг сабабини билиб оласиз. Бизнинг вақтимиз ишчи ташкил этишида янги-янги қулайликларни излаш ўрнига, кўпроқ ишга келмай қолганларнинг уйларига қатнаб, чора-тадбирлар белгилашга сарф бўляпти. Масалан, яхшигина тўқувчи қизимиз Ҳожар Машарипова Қўшқўпир районида келиб бўлиб тушдию, ишга келмай қўйди. Чунки автобусда ишга қатнаш учун йўлда бир ярим-икки соат вақт кетади. Янги оилани квартира билан таъминлашнинг эса имкони йўқ. Чунки анчадан буён комбинат ишчиларига уй-жой ажратилмапти. Ҳазовот қишлоғидан цехимизга қирқта қиз қатнаб ишлайди. Узоқдан келувчилар учун комбинатимиз ёнида ётоқхонами, уй-жойми қурилганда эди, бу қизлар бўш соатларида ўз малакаларини оширишга, илғор гиламчилар қаторида бўлишга ҳаракат қилган бўлур эдилар. Комбинат ишчилари учун 210 ўрилли ётоқхона, 320 ўрилли болалар боччаси қурилиши эса, чўзилиб кетаяпти.

Биз бу хил камчиликларга комбинатнинг тўқув ишлаб чиқариш цехида ҳам дуч келдик. Бу цехда 90 та тўқув дастгоҳидан ўнтаси ишламай бўш турганининг сабабини суриштирганимизда, иккинчи участка смена бошлиғи Ҳайитбой Сафоев шундай жавоб қилди:

— План бўйича бир сменада 3 минг квадрат метр гилам ишлаб чиқаришимиз керак. Аммо ҳар сменада битта-яримта прогучининг ўрнига унинг шоғирдиними ёки бошқа бирор ишчини дастгоҳ ёнига қўямиз. Ўз-ўзидан маълумки, янги ишчи ҳадеганда ишни эшлаб кетавермайди. Цехларда ишга келмаслик оқибатида бирор маҳсулот камроқ тайёрланса, хом-ашё етишмаслигидан тўқув дастгоҳи ҳам тўхтаб қолади, план оқсайди.

Суҳбатимизни машина сигналнинг овози бўлади.

— Бу дастгоҳнинг сигнали, — деб тушунтиради Ҳайитбой Сафоев. — Шпильярникда тола узилиб ёки тортилиб қолса, дастгоҳ сигнал берилади. Тўқувчи ипни улаб юборади. Агар ишчи малакали бўлса, дастгоҳ сигнал бермасдан-ноқ тортилган ипни кўриб, тузати юбораверади. Масалан, Назира Отажонованинг дастгоҳи сигналсиз ишляпти. Бу дастгоҳда иккинчи сменада Назиранинг синглиси Сорагул Отаева гилам тўқийди. Уларнинг ҳар бири кунига 48-50 квадрат метрдан гилам тўқийди. Бу опа-сингиллар гилам комбинатимизнинг таникли ишчиларидан. Улар Брест гилам комбинати ҳузуридаги курсда таҳсил олиб келишди. Эндилкда улар ёшларнинг мурабийси ҳисобланадилар.

Ҳа, 27 ёшли, хушбичимгина Назира Отажонова — Хева гиламчиларнинг фахри. У УзЛКСМ Марказий Комитетининг бюро аъзоси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, область партия комитетининг бюро аъзоси. Буларнинг ҳаммасига у комбинатдаги шафтли меҳнати туйғули эришди! Комбинатда, цехда Назиранинг издошлари кўп. Зулайко Маткаримова, Сайёра Матқубова, Оқила Жабборовна каби ўнлаб қизлар комбинатнинг энг илғор, фидойи ишчиларидан ҳисобланадилар.

Мана, тўқув цехининг узун йўлига бўйлаб бу чевар қизлар тўқиган чўғдай-чўғдай гиламлар ёйиб қўйилган. Уларда хоразмликларнинг дил дostonлари битилгандай: муҳаббат, меҳр тўла, эвулки тўла юракларнинг сирли дostonлари сингиб кетгандай туюлади. Бу қизлар табиятининг, баҳорнинг нафис, хушбўй гул-чечакларини, қалбларида гул очётган орзуларини, ҳаётларини, тақдирларини нурга йўғирган Октябрь қўёсининг заррин нурларини гиламларга нақш этишяётди.

— Дарвоқе, қизларимиз тўқиган гиламлардан ажиб бир мусиқа таралгани ҳақида билдирган фикрларингизда жон бор, — дейди расом Муҳаммад Зокиров. — Комбинатнинг мана шу сокингина хонасида етти расом гиламларга Хоразмга хос бўлган миллий шакллар нақш этишга ишлаймиз. Ҳар йили икки марта

Иттифоқимизнинг йирик гилам комбинатлари ишлаб турган шаҳарларда бадий-техникавий рассомлик кенгашлари ўтказилади. Бу кенгашларда савдо муассасаларининг ходимлари ҳам иштирок этадилар. Гиламларга янги ишланган нусхаларни кўздан кечириб, фикр-мулоҳаза билдирадилар. Расм тасдиқдан ўтгач, картотека ишлаб чиқиб, тўқув цехига берилади. Шунингдек, рассомлар, ҳар йили катта шаҳарлардаги гилам комбинатларида бўлиб, янги-янги нусхалар ўрганиб қайтишади. Бу нусхалар гиламга тушириляётганда савдо ташкилотларининг талабларига биноан ранг берилади. Масалан, Хоразмда чўғдай ёниб турадиган гулдор гиламларни халқ ёқтиради. Булардан ташқари, республикамизнинг турли шаҳарларидаги савдо маркаларида комбинатимизнинг бўлимлари бор. Улардан комбинатга гиламнинг ранги, нусхаси қандай бўлиши кераклиги ҳақида буюртмалар келади. Шу тақлифлар асосида гиламнинг ранги, ҳажми ўзгаради. Кўпроқ арзон, аммо чиройли гиламлар талаб қилинади. Бироқ гиламларни чинакам сифатли ишлаб чиқаришга ҳозирча эришолганимиз йўқ. Баъзан дағал, сифатсиз тўқилган гиламлар ҳам магазинларга чиқиб кетиб қоляпти. Олти ойдан кўп кўргазмада қаровсиз турган гиламнинг ранги униқади. Савдо ташкилотлари эса бунга бефарқ қарайдилар. План кетидан қувиш баъзан шундай хунук оқибатларга олиб келади. Ана шундай кўнгилсизликлар туфайли ўтган йили савдо ташкилотларига комбинатимиз 102 минг тўқиб жарима тўлади.

Цехларни қайта-қайта айланиб, комбинат ҳаёти билан чуқур танишар эканмиз, ишчи кучи етишмайди деган нолишлар унчалик ҳақ эмаслигини ҳис этдик. Қўл меҳнатини автоматлаштириш бўйича комбинат Урта Осиёдагина эмас, Иттифоқимизда энг нуфузли тўқимачилик корхоналаридан саналади. Икки полотнода гул соладиган «Жакард» дастгоҳлари сони ва қуввати жиҳатидан эса комбинат мамлакат гиламчилик корхоналари ўртасида биринчи ўринда. Цехларда Ватанимиз ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари етказиб берган 200 дан ортқ ҳар хил машина ва механизмлар ишлаб турибди. Аммо бу етарли эмас. Комбинатда техникага эътиборни янада кучайтироқ зарур.

...Корхонанинг пардозлаш цехи улкан меҳмонхонани эслатади. Деворларда сон-саноксиз гиламлар осилиб, уларда гиламларнинг номи ёзиб қўйилган: «Гулноз», «Гулшод», «Қалдирғоч», «Хева», «Хева гўзали», «Баҳор»... Дарҳақиқат, улар хонадонларимизга гўзаллик, баҳор нафасини олиб киради.

Гилам! Бу — хоразмликларнинг гўзалликлардан, фаровонликдан қалби тўлиб-тошиб ўзига сигмай яратётган ажиб мўъжизаси. Бу мўъжиза ҳар кун минг-минглаб қалбларни шодликка тўлдиряпти.

Назира ИҮЛДОШЕВА

Хева — Тошкент.



Норин районидаги Калинин номи колхоз механизатори Х. Розиков (чапдан), инженер А. Қўқоров, механизатор Х. Ҳожимуродов.

Ж. Тўраев фотоси

# СЎЗАНА

Халқ амалий санъати

— Сўзана тикишнинг ўзига хос гашти бор. Ўзур гурунглашиб ўтириб, яхлит бир чаманни матога кўчирганингни, дилга ором бағишловчи мўъжиза яратганингни ўзинг сезмайсан. Вир пайти қарабсанки, бу сўзанани ҳамқишлоқларингдан бири уйининг деворига илиб қўяди. Сен нина билан битта-битталаб қатимлардан яратган нафосат уйни япнатиб юборади...

Суҳобат опа Раҳматуллаева ўзур суҳбатларда ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббатини ана шундай ифодаляйди.

Сиз ушбу журналнинг зарваракларида кўрган чеварлар — Суҳобат опа ва унинг уч қизи Ургутда яшайдилар. Ургут табиатининг турфа манзараларини матога кўчирадилар.

Тўрт томони тоғ билан ўралган Ургут шаҳри ўзининг табиат манзаралари, таровати билан кишини мафтун этади. Тоғ ёнбағридан ўтган йўлақлар сизни сўлим, сокингина қишлоққа бошлаб боради. Тор кўчалар, баланд тераклар, хилма-хил кўринишга эга бўлган ҳовлилар кўзга ташланади.

Қишлоқ оралаб, уни иккига бўлиб, сержаранг қўшиқ айтиб тоғ жилгаси оқади. Умуман, Ургутнинг қиёфаси илҳомбахш. Шунинг учун бўлса керак, қишлоқ ўзининг халқ амалий санъати ижодкорлари, айниқса, бежирим сопол идишлар ясовчи кулларни, сўзаначилари билан азалдан машҳур. Бу ерининг ҳар бир хонадонда ана шундай нафосат эгаларини учратиш мумкин. Оила аъзолари учун керак бўладиган чиройли гулли дўппилар, болалар бешиги, беланчаги,

тўшақлари, тўй рўмоллари, дарпарда, сўзаналарни шу хонадондаги хотин-қизларнинг ўзлари тикадилар. Буларнинг ҳаммасида ургут каштачиларига хос бўлган услуб узоқ асрлардан буён сақланиб келади.

Кашта тикиш — ҳар бир ургутлик аёлнинг фахри. Вироқ усталар орасида ҳам табиатан каштани худди гул босгандай гўзал қилиб тикувчилар ажралиб турадилар. Ана шундай мухир каштачилардан бири — Суҳобат Раҳматуллаевадир.

Суҳобатнинг бувиси, онаси, опалари ҳам каштачи бўлганлар. Тикувчилик сирлари, усуллари унга ана ўша авлодлари орқали ўтган. Суҳобатнинг ўзи эса кашта тика бошлаганда ҳали олти ёшга тўлмаган эди. 13 ёшида эса каштачиликдаги мураккаб, қийин ишларни ҳам бемалол бажара оладиган бўлди. Айниқса унинг қўлидан чиққан сўзаналар нафислиги билан бошқаларникидан ажралиб турарди.

Шундай қилиб, Суҳобат қишлоқда ажойиб каштачи сифатида тилди. У сўзаналарга ёрқин миндий нақшлар, гуллар, шакллар солиш билан бирга, каштага мунчоқлар ҳам тика бошлади. Унинг сўзаналари республика амалий безак санъати кўرғазмаларида, кейинчалик эса халқаро кўрғазмаларда номойиш этилиб, санъат шинавандаларининг диққатини тортди. У СССР — Рассомлар союзига аъзо бўлди.

Қўли гул чевар ўзбек халқ каштачилик санъатининг барча шакл ва турларини тўлиқ ўзлаштириб олган. Лекин, Суҳобат

опа билан суҳбатлашсангиз, унинг ўз ишидан қоникмаслигини сезасиз. У ўзининг кашталари, гўзал манзарали сўзаналари келгуси авлодларга етиб боришини, бу нафис санъат жобаси асрлар бўйи сақланишини истайди. Шу боисдан ҳамisha каштачиликка меҳр қўйган ёшларга ўз касбининг сирларини ўргатиб келади. Унинг ҳузурига келадиган шогирдларни район халқ ижоди усталари бирлашмаси юборади.

Албатта, Суҳобат опанинг биринчи шогирдлари — унинг бешта қизи. Бу опа-сингилларнинг ҳаммаси ҳам каштани илҳом билан тикишади. Дилбар билан Феруза эса оналари изидан бориб, кашта тикишни ўзларига касб қилиб танладилар. Уларнинг иккаласи ҳам оналаридан ҳунор ўрганиб, уста тикувчи сифатида юксак мақтовларга сазовор бўлдилар.

Дилбар ургут каштачилигига хос бўлган тикиш усулларини ўзлаштирибгина қолмай, каштани зар билан тикишни ҳам ўрганди. Бу район каштачилари учун ажойиб янгилик бўлди.

Феруза ҳам тикиш санъатининг сирларини яхши ўрганган. У тиккан сўзаналар жобаси билан онаси тиккан сўзаналарга яқин туради. Демак, Суҳобат Раҳматуллаеванинг қизлари ҳам бу нафис, сирли гўзалликка муҳаббат қўйиб, амалий санъатимизнинг қадимий шакл ва усулларини сақлаш, эъвозлашга одатланиб бормоқдалар.

Лола ТУРСУНОВА,  
санъатшунос

# ҲУШЁР ТУРМУШ ТАРЗИ

Кўна ва навқирон Қўқон шахрининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини яқдиллик билан кутиб олдилар. Шаҳар ахли алкоголизмга қарши оммавий равишда курашмоқда.

Меҳнат коллективлари, коммунистлар, хотин-қизлар, уруш ва меҳнат ветеранлари, комсомол-ёшлар бундай умумхалқ ишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

— Шаҳримизда ҳушёр турмуш тарзи учун курашаётган 50 дан ошди меҳнат коллективлари «Юз фоиз ҳушёрлик учун» шиори остида меҳнат қилаётдилар, — дейди шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳабиб Ҳоҷиматов, — «Ҳурмат Белгиси» орденли нон комбинати коллективи, М. И. Калинин номидаги Ег-мой комбинати, Қўқон Пойфазал фабрикаси, «Электромаш», «Текстильмаш», «Большевик» заводи коллективлари шулар жумласидандир. Бу корхоналарда ишга кенга қолиш, брак маҳсулот ишла чиқариш мутлақо тугатилди.

Шаҳар умумий овқатланиш трестига ҳам ичкиликбозликка қарши ўтказилаётган турли яхши тадбирлар тахсинга лойиқдир. Трестнинг музқаймоқ ва турли ширинликлар билан хизмат қилаётган «Лакомка» болалар павильони мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда болалар учун намоиш этилаётган «Ҳали сеним, шошмай тур!» , «Золушка», «Буратино», «Сехрли сандиқ», «Зумрад ва Қиммат» каби болалар мультфильмлари, кичкинтойлар учун ёзилган кўшиқлар барчани ўзига мафтун этади.

Шаҳарда спиртли ичимликлар билан савдо қилинадиган 38 буфетнинг 31 таси қисқартирилди. Шу муносабат билан мактаб, техникум, ишлаб чиқариш корхоналарига яқин жойларда шарбатли ичимликлар, мева-чева сотиладиган савдо нуқталари ташкил этилди.

Трест бошланғич партия ташкилотининг секретари Анваржон Каримов кўрилатган тадбирлар тўғрисида шундай деди:

— Қўқондаги қизил чойхоналарнинг 25 таси трестимиз қарамоғида. Чойхоналаримизда ота-

хоналаримиз кўк чой устида турли шарқ ширинликларидан тановул қиладилар.

Бу ерда чойхўрлар учун барча шаронилар тахт, иссиқ бўрсилдоқ кулчалар, турли хил қандолатчилик неъматларининг кети узилмайди.

Ердмчи ҳўжалигимиз шаҳардаги 50 дан ошди ошхона, кафеларни кишин-ёзин кўкатлар, помидор, бодринг каби ҳўл мевалар билан таъминлайди. Шунингдек, қарамоғимизда минг бошдан кўпроқ чўчка боқилади. Бу эса коллективимизнинг мамлакат Озиқ-овқат программасига кўшган ўзига хос ҳиссасидир.

Шу кунларда шаҳарнинг турли бурчақларида 20 дан ошди мева, музқаймоқ, миллий таомлар савдоси шохобчалари, «Шарқ ширинликлари» деб номланган қандолат, новот, майиз, ҳўлово, ловуз, дандон сотиладиган павильонлар ишлаб турибди. Бу ердаги «Лакомка», «Лаззат», «Войчечак», «Роҳат» болалар ширинликлари кафеси республиканинг барча савдо, умумий

зи» клублари иш олиб бормоқда. Шаҳарда юздан ошди чойхоналар, кўнгли очар жойлар деярли ҳар куни одамлар билан гавжум. Шаҳар маданият бўлимининг кўчма клуби Маданият кўчасидаги 5-, Ташкентлик гузаридидаги 9-, Жомий кўчасидаги 16-, Акбар Исмолов кўчасидаги 11-маҳалла комитетларида ташкил этилган «Ҳушёр турмуш тарзи» клубларида врачлар, жисмоний тарбия муаллимлари, атеист лекторлар, қаҳрамон оналар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилади.

Яқинда Исфара гузаридидаги 13-маҳалла комитетида «Ичкиликка қарши кураш — умумхалқ иши» мавзуда маҳалла аҳолисининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Йиғилишда комсомол ветерани Адҳам Усмонов алангали йиллар — республикада ёш Советлар ҳокимиятини сақлаб қолиш учун босмачиларга қарши кураш даври воқеалари ҳақида сўзлаб берди. У шундай қийинчиликлар билан

«Кулинг, умрингиз узоқ бўлади» аскиячилар группаси, Ваҳромжон Шерқўзиев бошчилигидаги оилавий ансамбль, Омонжон Бўрибоев раҳбарлигидаги «Ешлик» ансамбллари йиғилганларнинг азиз меҳмони бўлдилар. Уларнинг мазмуни кўшиқлари, ичак узди аскияларида жамиятимизга ёт бўлган ичкиликбозлик ўткир ҳажв тигига олинди. Шунингдек, шаҳардаги турар жой бошқармаларида ҳам «Соғлом турмуш учун», «Намунали ҳушёр маҳалла» деган деворий газеталар ташкил этилмоқда. Масалан, 11-маҳалла қизил чойхонаси пештоқига ёзиб қўйилган:

«Майхўр қисматида икки ниҳоят: Бири беморлиги, бири жинояти!» —

байтининг татсири шаҳар аҳолиси ичкиликбозликка қарши оммавий курашининг мазмунини ташкил этади.

— Шаҳримизда спиртли ичимликлар сотилиши 82 фоиз каммайди, — дейди озиқ-овқат савдоси идорасининг директори Мирзахон Мирзааҳмедов, — бунинг эвазига Қўқон шаҳар халқ контроли комитети ҳам мазкур қарорни ўзининг мавжуд 211 группасида ишлаб чиқди. Шаҳар пайпоқ тикув-йиғирув бирлашмасида ва Тўқимачилик машиналари заводи қошида наркология кабинетлари ташкил этилди.

— Шаҳримиздаги 2520-, 65-, 55-автопаркларда, 10-автобазада қаттиқ контроль ўрнатилди. Бевақт спиртли ичимликлар сотадиған сотувчилар, буфетчиларга қаттиқ жазо чоралари кўрмоқдамиз. Шаҳарда яна наркология кабинети очишга қарор қилинди, — дейди шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Абдулҳамид Қодиров.

Шаҳарда ўтаётган тўй шодиёналари ҳам деярли ичкиликсиз ўтмоқда. Тўйларда ибратли сўзлар, шеъронликлар, аскиялар, табаррук кишиларнинг она-Ватан, ҳаёт завқи, бахтли турмуш ҳақидаги дил сўзлари янграб турибди. Тўйларни файзли, шодон ўтказишда ялла, лапар, ҳажвий ашула, ракс, қизқичликлардан фойдаланилмоқда.

Анвар ДАДАБОВЕВ

## Ичкиликбозлик — иллат!

овқатланиш раҳбарларига манзур бўлди. Шаҳар умумий овқатланиш трестининг директори Баҳодиржон Тўйчибоев бу соҳада жуда катта тадбирларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатмоқда. У уруш ва меҳнат ветеранларига атаб «Гулдаста», «Устоз» чойхоналари қуришда бош бўлди. Шаҳарнинг Ғишт-кўприк майдонидаги қаровсиз жой обод қилиниб, музқаймоқ ва шарбатли ичимликлар павильони қурилди. Энг эса қоладиган жойи шуки, бу павильонларда зангори қанба орқали мультфильмлар, кўғирчоқ театрларининг спектакллари намоиш қилинади, кичкинтойлар учун кўшиқлар янграб туради. Киши эътиборини ўзига жалб қилувчи бундай ғўзал павильонлар тез кунда Навоий, Фуркат, Чархий, Химиклар шаҳарчаси майдонларини ҳам кўркемлаштиради.

Қўқон шаҳридаги қадимий обидалар маданият ўчоқлари қарамоғига ўтказилди. Бу ёдгорликлар ҳовлисида оқсоқоллар клублари, «Ҳушёр турмуш тар-

барпо этилган замонга айрим нопок кишилар иснод келтираётгани, ичкиликка берилиб обрўсидан, оиласидан ажралиб қолаётгани ҳақида ҳам ачинаб гапирди.


— Фарзандларимизнинг келажиги учун биз ота-оналар жавобгармиз. Гузаримиздаги маҳалла аъзоларини юз фоиз ҳушёрликка қақираман, биронта ҳам спиртли ичимлик ичадиган одам орамазда қолмасин, — деди отахон Адҳам Усмонов ўз сўзида.

Йиғилишда иштирок этган прокурор Ҳамзахон Охунжонов, «Электромаш» заводининг директор ўринбосари, маҳалла йиғилишига раислик қилган Мухторжон Содиқов, врач Музаффар Аҳмедов партия ва ҳукумати-мизнинг ичкиликбозликка қарши чиқарган қарорини амалда қўлаб-қувватлашга қақирдилар. Шаҳар маданият бўлими қошидаги Раҳимахон Мазоҳидова раҳбарлигидаги «Ер-ёр» фольклор ансамбли, республика аскиячилар конкурсининг ғолиби Йулдошхон Носиров бошчилигидаги

«Оқ олтин» пахтакорлар чойхонаси.

А. Эпштейн фотолари

«Зумрад» мева шарбатлари павильони.



## МУИН БСИСУНИНГ СЎНГИ СЎЗИ

...Шоир революцион топтириқ билан Лондондан Москвага учиб келаётиб, самолётда юрак хуружи дардидан вафот этди.

— Одамлар, мен ўлганим йўқ!  
Ачинмоқ бекор;  
Ватан берган топтириқни бажармай ўлмоқ...  
Мен қарзимдан қутулмасдан кетмоқни зинҳор  
Ҳаблимга келтирмадим.  
Тўсатдан... бироқ...

Кеча билан бугуннинг қоқ ўртасидан,  
Совиган йўқ сўнги ишга етмаган юрак.  
Гарчи энди ўз халқимнинг эртасидан,  
Мен барибир Москвага боришим керак!

Тилакларим парчалайди ўлимнинг ўқин,  
Демак, бизлар дуч келмаймиз ҳижрон-фироққа.  
Дўстлар, учиб кетапман,  
тобора яқин,  
Аэропортни безаб қўйинг қизил байроққа!

\* \* \*

Саодат ПЎЛКАНОВА

## ДЎМБИРА

Замонам мадҳини бўйнингга ортиб,  
Қулогинг бурайди торингни тортиб.  
Айт-чи, қувонч борми ўзингдан ортиқ,  
Бобом қўлидаги сайроқ дўмбира.

Нағманг парвоз қилар юрак қўридан,  
Ўрнинг бор ҳар жойда уйнинг тўридан.  
Шул сабаб тушмайсан бобом қўлидан,  
Сухбати ширали қайноқ дўмбира.

Сен сайраб боғларга файз киритдинг,  
Сен сайраб дилларни мумдай эритдинг.  
Сен бахши бахтини кундай ёритдинг,  
Сайрайвер, сайрайвер, ўйноқ дўмбира!

Бел боғлаб далада кезиб толмайсан,  
Меҳнаткаш мард каби тиним билмайсан.  
Мудом халқни жасоратга ундайсан,  
Меҳнаткаш қўлида байроқ дўмбира.

Гул Ватан бағрида қиласан парвоз,  
Шеъримга сен бўлдинг безакдор пардоз.  
Куйлайвер, куйлайвер, эй мўтабар соз,  
Сен бўлдинг йўлимда чирок, дўмбира.



Еш шоира Саодат Пўлканова  
буваси Умарқул бахши Пўлкан  
ўгли билан.

# ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ

## БИЗ «АРТЕК» ДА

Кўкида сузар булут,  
Тоғида зумрад қори.  
«Артек» бағрида яйрар,  
Дунёнинг болалари.

Қора денгиз шовуллаб  
Қирғоқларга урилар.  
Ҳар бир бола юзида  
Олам қувонч кўринар.

Отрядлар кўп, турлича,  
Поход — бирга йўлимиз.  
Бобом тилида сўйлаб,  
Очилади дилимиз.

Ажаб сўлим жойларда  
Биз ўйнадик, яйрадик.  
Тинчлик, дўстлик ҳақида  
Бирга қўшиқ куйладик.

«Айиқ тор»ин янгротди  
Бизлар чалган барабан.  
Дўстлигимиз абадий,  
Олдин сафда бораман.

Биз «Артек»дан сўнгида  
Хайрлашдик ҳар ёққа.  
Мен пахтамини соғиниб,  
Етиб келдим қишлоққа.

## МЕҲРИ ХОЛА

Меҳри хола бизнинг қишлоқда,  
Кўрганларнинг келар ҳаваси.  
Деҳқончилик илмини сувдай  
Ичиб ўтган ота-бобоси.

Звеновой катта пайкалда,  
Сув қуяди, чопиқ қилади.  
Фарзандларни ўстирган каби  
Пахтанинг ҳам йўлини билади.

Рўзгор ишин тунда бажариб,  
Тонг маҳали ишга жўнайди.  
Ғўзаларин кўрган ҳар киши  
Унда ғуж-ғуж кўсак санади.

У шундай зот: тиниб-тинчимас,  
Бармоқлари олтин нусхали.  
Бўлиқ пайкал чайқалиб турар,  
Ўркач урган денгиз мисоли.

Пахтаси ҳам пишиб етилди,  
Тилла сават ҳар бир чаноғи.  
Машиналар қудрати билан  
Хирмонларнинг йўқдир саноғи.

Ҳур санани хуррам қаршилаб,  
Меҳри хола қувончи ортиқ.  
Она-Ватан, улғур халқига  
Юксак хирмон этмоқчи тортиқ.

Хатирчи райони



Инобат НОРМУРОДОВА

## БИРИНЧИ ҚАДАМ

Ўғлимга

Қўлларингни узатгин  
Менга,  
Жажжи қўлларингдан тутиб оламан  
Ва кўратиб қўяман  
Сенга  
Баланд осмон,  
Юлдузлару  
Оймомани ҳам.  
Қўлларингни узатгин, эркам,  
Сени кутар бугун йўлақда  
Қутлур келаётган —  
биринчи қадам!



\* \* \*

Мени асир этган бу қўшиқ,  
Емгирнинг шивир —  
Баҳор қўшиғи.  
Мени асир этган шу қўшиқ,  
Майсалар шивир —  
Сабо қўшиғи.  
Мени асир этган у қўшиқ,  
Лабларнинг шивир —  
Вафо қўшиғи!



Баҳром ҒОИИБ

## 1945 ЙИЛ 9 МАЙ


БУЛОҚЛАР — кўзлари заминнинг...  
Кўзлари очилди баҳорда.  
Севинчдан, дийдаси қаттиқ ЕР —  
Ешлари сочилди баҳорда.  
Шу севинч томчиси қуёшдир.

\* \* \*

Тўхтасам, тўхтайсан қувониб,  
Мен юрсам, юрасан ноилж.  
Ёрнинг тиммас ғавғоларидан,  
Сен ҳам чарчабсан-да, Оймома.  
Кел, елкамга ўтқазиб олай...

## УРУШ ОЛОВИНИ ЕҚУВЧИГА

«Тайёр, қўл остида барча тилсимот,  
Бир тугмани босса, замин қоларми?!»  
Хавф билан ухлайди дунёнинг ярми,  
Хавф билан уйғонар қолган одамзот...  
...Бир малъунда бўлса борлиқ алами,  
Оламнинг тақдири бўлса бир қўлда,  
Қани, у юзма-юз дуч келса йўлда,  
Тиг каби кўксига санчсам қаламни!



Абдулҳамид ШОДМОНҚУЛОВ

## БАҲОР ҚАЙТДИ

Яна тилга кирди дарахту боғлар,  
Атрофни тўлдириб куйлай бошлади.  
Хаттоки юмшади муз қалбли тоғлар,  
Севинчи сув бўлиб оқа бошлади.

Одамлар ташвини ўн ҳисса ортди,  
Борлиқни забт этди яратиб ишқи.  
Ҳамманинг меҳрини ўзига тортиди  
Ям-яшил адирнинг яшил ранг тўши.


Қушлар ҳам қайтилар кўшиқлар  
айта,  
Бизларни йўқлашиб узок-узокдан.  
Гўзаллик қаддини тиклади қайта,  
Кўшиқлар унмоқда Она-Тупроқдан...



## ЖУМБОҚ

Олис юлдузларнинг пайига тушдик,  
Забт этдик коинот бағрини бизлар.  
Не-не илму фаннинг жумбоғин ечдик,  
Қутблар узра ҳам бор бизнинг излар.  
Янгиллик кашф этдик баҳоли-қудрат,  
Яратдик тарихнинг бир буюк асрин.  
Бироқ ханузгача жумбоқлар қат-қат —  
Ечолмадик оддий қалбларнинг сирин...

Сирдарё.




Қахрамон СУЯРОВ

\* \* \*

Бир кун юрагимда гуллайди орзу,  
Қуёшнинг шуъласи кўчар кўзимга.  
Томирда сел каби кўпирар туйғу  
Ва шодлик қулф урар ҳар бир сўзимда.  
Орзуим ушалиб урар бир кун бонг,  
Қудратим минг бора ошгайдир бундан.  
Бағрига яшириб, албат, бахтли тонг  
Ўғирлаб кетгайдир бу сокин тундан.  
Бир кун юрагимда гуллайди орзу...

\* \* \*

Ўхшар қутлуг Ватанга юрак,  
Унинг ҳам эрк, чегараси бор.  
Уни шундай асрамоқ керак,  
Токи мангу яшнасин Баҳор.  
Юрак қутлуг юртга ўхшайди,  
Фарзандлари — меҳр-муҳаббат.  
Қўриқчилар, сиз доим шайми,  
Келар бўлса гар қуюн, офат.  
Юрак ўхшар қутлуг Ватанга,  
Қирмагай ҳеч бу юртга ганим.  
Еқиб танга сўнгсиз аланга,  
Чопиб юрар томирда қоним...



Ўқтам МИРЗАЕРОВ

## МЕНИНГ ШАРАФИМ

ОҚ ШЕЪР

Қоним гупириб турар давр томирларида,  
Шиддат тўла юрагим шарафларга йўғрилгай,  
Тонгни олқишлагайман юртим адирларида.  
Пахтага бойланган қалб, пахтага айланган қалб,  
Порлаб турар юлдуздай, чорлаб турар юлдуздай —  
Пахтакорнинг юраги юртимнинг қирларида.  
— Ҳорманг! — Бу овозалар, садо берар тонг билан,  
Заҳматга мардонавор юракларга тасанно!  
Елкасида бир ботмон пахта гарди, чанг билан,  
Даладан қайтаётган Ғолибларим, Ҳасанот!  
Ишчи ўғлин қўллари танишдир қўлларимга,  
«Аврора»дай гурқироқ зангори кемаларим  
Сузиб бораркан илдам Тинчликнинг йўлларида —  
Қоним гупириб турар давр томирларида.



\* \* \*

Руҳим каби сокин кузнинг ёмғири,  
Сайрга чорлайди тошлоқ кўчалар.  
Оромли туш кўрар қишлоғим қири,  
Фақат, томирларим вазмин куй чалар.  
Бекасиз ҳовлидай тўзиган дала,  
Дарахтлар жувондай шошмай чўмилар.  
Борлиқни куш уйқу элитган палла,  
Кўнги туйғуларга беҳад кўмилар.  
Эгатларда қолган сўнги толани,  
Йиғиб кетганларнинг кўмсаб изларин  
Келгани билмайди шоир боланинг —  
Очил бригадирнинг шўх «Хур қизлар»и...

Абдуғаффор ОДИНАЕВ

## БИРЛИК

Куч — бирликда, дерлар, бу ҳақ гап,  
Гўзаллик ҳам бирликда бешак.  
Турфа ранглар тизилгач саф-саф,  
Яшна, ахир, гўзал камалак.

## УЧ ЧАНОҚ

Кимларнинг шодлиги кимгадир қайғу:  
Ошиқ киприқларнинг ширин висоли —  
Кўзимга дунёни айлар қоронғу.

## КУЗБОЙЛОҒИЧ

Кўрдим кўзбойлоғич эпчил кишини,  
Унга на-да олов, на сув қор қилур.  
Жуда яхши билар у ўз ишини,  
У борни йўқотиб, йўқдан бор қилур.

Ишониб ҳам бўлмас, ишонмасдан ҳам:  
Тани икки бўлиб қайта улайди.  
Одамларни алдар, алданган одам  
Алдангани учун пул ҳам тўлайди.

Тошкент.

# СЦЕНАРИЙГА ЖОН БАҒИШЛАБ



Зоҳид Собитов ўз умрини навқирон киносанъатига бағишлашга қарор қилганида экран ўз қудратини, техник имкониятларини, беқиёс эстетик жозибасини намойиш этмоқда эди. Овозсиз кино «сўзлайдиган», ҳаёт шавқи ва мусиқа садолари билан бойинган кинога айланган, эндиликда кинематографчиларнинг бадиий бисоти ана бир сермазмун, ҳаётий восита — ранг билан бойимокда эди.

Еш санъаткорнинг режиссёрлик соҳасидаги қадамлари совет ва жаҳон кинематографиясининг атоқли арбоби Сергей Эйзенштейн, ўзбек кино санъатининг устодларидан бири Комил Ерматовнинг ижоди билан боғлиқ. У совет киносининг доврғини оламга ёйган С. Эйзенштейн билан Тошкентда дўстлашиб қолди. Эндигина «Александр Невский» фильмининг монтаж қилиб бўлиб, Ўзбекистонга — Катта Фаргона канали қурувчилари ҳузурига янги асар яратиш ниятида келган Эйзенштейннинг фильмларини қайта-қайта кўриб, кадрма-кадр ўрганган, илмий-тадқиқотларини катта қизиқиш билан ўқиб ўзлаштирган Зоҳид Собитов учун бу дўстлик, ҳамкорлик кунлари унутилмас сабоқ бўлиб қолди. Чунки у «Фаргона канали» фильми бўйича режиссёр С. Эйзенштейннинг ассистенти қилиб тайинланганидан бошлаб ҳамisha бу инқилоб куйчиси, ўтқир зеҳли ижодкор билан бирга бўлди. Асосий эътибор, албатта, «ҳаёт томири» деб аталган канални бунёд этаётган қурувчиларнинг бой маънавий дунёси, шавқатли меҳнати ҳақида нафис санъат бўёқлари воситасида ҳикоя қилишга қаратилди. Дастлаб, Эйзенштейн ва П. Павленко билан бирга дала-даштда, трансшеарларда, шийпонларда, чойхоналарда, колхозчилар истиқомат қилаётган жойларда бўлиб, сценарий учун материаллар йиғиш жараёнини кўрди. Бу даврда олиб борилган катта ижодий-ташқилий иш ёш режиссёрни ҳайратга солди. Муаллифлар ҳар бир фактни неча қайта текширар, ҳар бир колхозчи билан такорор-такорор суҳбатлашиб, маълумотлар олар ва ўз мулоҳазаларини айтиб, мустахлат сўрар эдилар. Плани мунозаам равишда бир неча фойиз ошириб бажарувчи Дўнан Дўсмағов билан ўтказилган дала, суҳбатлар «Фаргона канали» сценарийидаги бош қаҳрамон Тўлқасин образини яратишда кўл келди.

Ҳаётий материал талқини йўллари билан излаб ажойиб шакл ихтиро қилган С. Эйзенштейннинг ўша даврдаги ижодини кузатиб, ўрганиб борган З. Собитов бир суҳбатда хотираларини ҳаяжон билан

шундай ҳикоя қилганди: «Қурилиш панорамасини, совет кишиларининг ватанпарварлигини, ижодий кучини кўрсатиш учун излаб топилган композиция мени ҳайратга солди. Биргина мен эмас, ҳамкасбларим ҳам ҳали кинода одат тусига қирмаган бундай ҳикоя йўлининг қўлланганини диққат билан кузатиб бордилар. Адабиётдаги тажрибаларни чуқур ўзлаштирган Эйзенштейн Катта Фаргона канали бунёд этилишининг ижтимоий аҳамиятини очиқ-ойдин тасвирлаш мақсадида проза, классик драматургияда қўлланиладиган услубдан жуда ўринли фойдаланганини биз ҳам сездик. Мен ҳам кейинчалик Асқад Мухторнинг мураккаб фалсафий романи «Чинор»ни экранлаштиришда шу тажрибадан фойдаландим».

Зоҳид Собитовнинг санъаткор бўлиб етишувиди, унинг кинематографик қобилиятининг ўсишида ана бир ижодкор — Комил Ерматов катта роль ўйнади. Еш режиссёр бу тажрибали санъаткор билан «Фронтдаги дўстларга» (1942) ва «Ватан совғаси» киноконцертлари, «Уйқусиз йўл» кинодрамаси, «Алишер Навоий» (1948) тарихий-биографик фильми устида ишлади. К. Ерматовнинг ўз фильмларида ҳам адиб, ҳам актёр, ҳам режиссёр сифатида иштирок этгани уни мафтун этди. Фильм учун сценарий таллаш, мазунни публицистик руҳда ёритиш, кинодраматург ёзган образ, эпизодларни суратга олиш даврида бойитишга уриниш З. Собитов режиссёрлигининг хусусиятларидан бўлиб қолди.

Режиссёрнинг биринчи мустақил бадиий асари «Оддий иш» киноновелласида фашист газандалари уруш оловини ёқиб учун қизгин тайёргарлик кўраётган пайтда Иттифоқимиз чегараларида посбонлик қилаётган совет жангчиларининг инсоний фазилати, жасорати ва камтарлигини мадҳ этилган. Фильм З. Собитовнинг актёрлар имкониятларини олдиндан кўра билгани ягона мақсад йўлида ижод қиладиган уюшқоқ актёрлар ансамблини яратишга қодирлигини намойиш этди. Кинода биринчи марта иштирок этаётган Сойиб Хўжаев гапга чечан, удабурон журналист образини яратди. Раҳим Пирмухамедов диққатини эса режиссёр қувноқ кайфиятли, сахий, меҳнатсевар колхозчи образини гавдалантиришга қаратди.

Режиссёрнинг кейинги мустақил иши — «Беш республика концерти» (1944)да қўшиқ ва куйлар баралла янгради. Аввало фронт учун мўлжалланган бу киноконцертда кўнгилга яқин манзаралар пайдо бўлди, ёқимли мусиқа

садолари бевосита кадрда — хонандалар, созандалар ижросида эшитилди.

Шундай қилиб, Зоҳид Собитов ижодининг илк давриёқ анча самарали бўлди. Еш режиссёр кўпмиллатли совет кинематографияси анъаналарини давом эттириб, уларни бойитиш мақсадида тинмай изланди, малакасини оширди.

Санъаткор ўзининг биринчи тўлиқ метражли фильми — «Стадионда учрашамиз» (1955) комедиясида замондошумизнинг юксак инсоний туйғуларини, олижаноб интилишларини, пахта етиштиришдек маъсулиятли ва шарафли вазифани удадалаб келатганларнинг қудалик меҳнатини тасвирлади. Фильм баъзи образлар ва эпизодларга бадиийлик етишмаслиги каби камчиликлардан холи бўлмасида, аммо у долзарб мавзуда яратилган дастлабки тўлиқ метражли ўзбек кинокомедияларидан бири сифатида эътибор қозонди.

Улкан санъаткорларнинг кино асарлари яратишдаги бой тажрибаларини чуқур ўрганиб, ўзи ҳам устозлар анъаналари йўлидан бораётган Зоҳид Собитов ўз кучини, ижодий имкониятларини кинонинг турли соҳаларида, рангбаранг экран жанрларида синиб кўришга ҳамisha катта журъат билан киришди. Публицистик киночерк ва қувноқ комедия, психологик драма ҳамда саргузашт фильми, инқилобий киноқисса ва лирик киноновеллар устида ишлади. Баъзан бу асарларнинг заминда ётган адабий сценарийнинг драматургиясида мавжуд бўлган нуқсонлар мураккаб кино воситаларида кенг фойдаланишга ошиқувчи Собитовга халал ҳам берарди. Режиссёр постановка қилмоқчи бўлган ҳар бир сценарийни ҳам адабий, ҳам кинематографик жиҳатдан бойитишга уриниб келди. Кинодраматург асаридоғи бакуват образлар, эпизодлар режиссёр сценарийси ёйлиши даврида, фильм суратга олиниши пайтида янада мукаммаллашди, диалоглар янада сермазмун бўлди. Айниқса Собитов фильмларининг тасвирий тили бой бўлди. Драматургия, сюжет қурилиши жиҳатидан нуқсонлардан холи бўлмаган «Сахродаги воқеа» (1957) саргузашт фильмининг биринчи кадрларини эсланг: осмонўпар тоғлар, тун оғушидаги хушманзара тераклару нозик тоқ новдаларидан шарбат эмиб, ҳаёт сувига тўлиб-тошган узумлор... Режиссёр бу манзараларга сирли тус беради: узокдан кўринган бехисоб тоғ чўққилари олис йўлга отланган карвонини эслатади. Жар ёқасидаги тепалик асрлар давомида ёмғир, шамол, қиздиради-

ган офтоб таъсирида асл шаклини йўқотган. У қарақалган юлдузларга тўла осмону фалакка интилганча орқа оёқларига тик туриб кишаётган тулпор қиёфасини эслатади... Камера панорама йўли билан азиз диёр манзараларини бирин-кетин намоеъ этади.

50-йилларда ўзбек кинематографчилари яратган тарихий-инқилобий ленталар орасида З. Собитовнинг икки асари — «Фарзандлар» (1958) ва «Ҳамза» (1960) алоҳида ўрин тутади. Бу фильмлар муваффақиятининг сирини ўтмиш материалларини «давр чўққисидан» туриб таҳлил қилишда, мураккаб тарихий воқеаларни илғор марксистик назария асосида баҳолашда, режиссёрнинг замонавий фанга, партия ҳужжатларига таянишида бўлди. Инқилобий гоининг муқаррар равишда тантана қилиши, ҳуррият учун бўлган кескин кураш иштирокчиларининг илғор дунёқароши, интернационализм гоиларига садоқати, эски тартибларнинг барбод бўлиши ҳамда янги жамиятнинг мустахкам пойдеворини қуришда ишчилар синфи ва унинг авангарди — пролетариатнинг гегемонлик роли ҳақидаги тарихий-инқилобий концепция маъруз ленталарининг гоий йўналишини белгилаб берди.

«Фарзандлар» фильмида режиссёр инқилоб қаҳрамонларининг бахтли ҳаёт, унумли ер учун олиб борган кескин курашининг туб моҳиятини очди.

Бу асарнинг муваффақиятини З. Собитов режиссурасининг яна бир фазилати белгилаб берди: санъаткор синфий курашининг ҳам мақфуравий аспектини, ҳам бевосита жанг кўринишларини психологик воситалар, жисмоний ҳаракат билан кўрсатишга қодир бўлган актёрларни топа олди. «Фарзандлар» З. Собитовнинг энг яхши фильмларидан бири — «Ҳамза»нинг экранлаштирилишига замин яратди. Фильмдаги асосий ролларни «Фарзандлар»да синовдан ўтган Олим Хўжаев, Неъмат Қосимов, Раҳим Хамроев, Раҳим Пирмухамедовлар ижро этдилар.

Шу тарихида оташин инқилобчи шоир Ҳамза образи гавдаланган биринчи кинофильм пайдо бўлди. Ўн олти йилдан сўнг эса ўзбек кинематографчилари Ҳамзаниннг ҳаёти ва жўшқин революцион фаолиятини батафсилроқ тасвирлаш ниятида 17 серияли телевизион фильм яратишга киришдилар. «Алангали йўллар» деб аталган бу кинолента шоир ҳаётини тўлалигича ўз ичига олмади, у З. Собитовнинг бир серияли фильмларининг фазилатларини «киралаштириб» қўймайди. Зеро, режиссёр Ҳамзаниннг образини би-

ринчи марта кинода ёритишга киришар экан, ўзига хос йўлдан бориб, шоир ҳаётининг жанговар саҳифаларини тасвирлашга муваффақ бўлган эди.

Режиссёр танлаган барча сценарийлар юксак талабларга жавоб бермади. «Сахродаги воқеа», «У ёлғиз эмасди», «Тасодиф оёқ остида» фильмларининг сценарийлари схематик сюжет йўлларида, юзак ёзилган образлардан холи эмас эди. Бу нуқсонларни бартараф этиш учун режиссёрнинг қизғин ижодий изланишларига кифоя қилмас эди. Лекин бундай ҳолларда ҳам З. Собитовнинг фильм устида қаттиқ ишлаб ўз қахрамонларининг юксак инсоний фазилатларини очиш, уларни бир-бирига қиёс қилиш орқали давр ҳақида, ғоялар курашининг диалектикаси ҳақида ҳикоя қилишга интилганини сезамиз.

Аммо Л. Аркадьев, Г. Осипов ва А. Фелимоновлар ёзган «Шарқ устида соя» сценарийси (фильмнинг номи «Самолётлар қўна олмади») кўп жиҳатдан режиссёрга маъқул бўлди. Собитов сценарийнинг бадий фазилатларини кўра олгани учунгина эмас, муаллифлар империализмга қарши кураш йўлларини излаган, шу кескин кураш йўлида жон фидо этишга тайёр бўлган меҳнаткаш халқ вакиллари образларини меҳр-муҳаббат билан чизганликлари сабабли ҳам бу асар асосида фильм яратишга қарор қилди. Шу тариха ўзбек кинеси тарихида хорижий мамлакатлар ҳаётига бағишланган биринчи ўзбек сиёсий фильми (1962) пайдо бўлди.

Зоҳид Собитовнинг яна бир бадий полотноси — «Фидойи» ни (1966) таҳлил қила туриб, биз режиссёрнинг кино имкониятларидан, аввало кадр ортда янграйдиган қахрамон овози ва кенг пландаги материалдан фойдаланиб, экранда персонажларнинг тафаккурини ёритишга эришганини кўрамиз.

Драматург Иззат Султон ёзган сценарий ўзбек қишлоғида инқилобий ва реакцион кучларнинг кескин курашини тасвирлаган эди. Кураш фақат жанг майдонидагина эмас, балки асосан кишилар онгида ривожланиб боради. Мафкуравий кураш жараёни, инқилобий ғоя тантанаси кадрма-кадр тасвирланар экан, режиссёр фильмнинг барча бадий компонентлари, жумладан, ижрочилик, йирик план, овоз воситаларидан кенг фойдаланганини кўрамиз.

60—70-йилларда режиссёр Зоҳид Собитов «Генерал Раҳимов», «Икки солдат ҳақида қисса» каби ажойиб киноленталарни яратиб, бақувват адабий сценарийларни экранлаштиришда ўз маҳоратини намоён эта олишини исбот этди.

Ярим асрга яқин умрини кинога бағишлаган, Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган коммунист Зоҳид Собитов экран санъатимиз ривожини учун хизмат қилди. Кинематографиямизнинг 60 йиллик тўйи нишонланаётган ҳозирги кунда унинг номини барча миннатдорчилик билан тилга олмақда.

Ҳамидулла АКБАРОВ,  
филология фанлари доктори

# ҚАСАМЁДГА СОДИҚМИЗ!

1985 йил 21 сентябрь. Бу сана ёш ҳамширалар ҳаётида унутилмас бўлиб қолди. Институт ҳовлисидаги уруш ветеранлари хиёбони ҳар қачонгидан кўра одамлар билан гавжум. Ушанда бу ерга меҳнат ва уруш ветеранлари бўлган медицина олимлари, кекса шифокорлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, институт раҳбарлари тўпланишди. Бир томонда медицина техникумини тамомлаб, институт клиникасига энди ишга келган ёш ҳамширалар саф тортишганди. Улар анъанавий тантангага — ёш ҳамшираларнинг қасамёд қабул қилиш маросимига йиғилганлар.

Ҳадемай қувончли дақиқалар бошланди. Ташкент Медицина институти 2-клиникасининг кекса ва тажрибали шифокорлари музика садолари остида клиника байроғини ўртага олиб чиқдилар. Биринчи бўлиб Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, уруш ветерани, профессор Муқаддас Ашраповага сўз берилди:

— Қадрли ёш ҳамширалар! — дея сўз бошлади у. — Сизлар яхши кунларда тугилиб, яхши вақтда вояга етдингизлар. Мен 51 йилдан бери тиббиётимизнинг тўнғич маскани бўлган Ташкент Медицина институти кучоғида ишлайман. Худди шу ердан, ҳозир сизу биз турган шу остона-

дан урушга кетганман. Урушдан кейин ҳам шу қутлуғ дарғоҳда ўзимнинг шифокорлик фаолиятимни яна давом эттирганман. Одатда, баъзилар иш жойларини иккинчи уйим деб айтишади. Мен эса иш жойимни биринчи уйим деб атагим келади. Негаки, мен шу жойда камол топдим, шифокорлик хизматим билан халқимнинг назарига, партиямиз ва ҳукуратимизнинг эътиборига тушдим. Ғамжўр партиямиз ва ҳукуратимиз менинг хизмат-

самёдни бараварига такрорладилар» «...Қасамёд қиламиз!.. Қасамёд қиламиз!»

Ҳа, улар кенг жамоатчилик олдида қасамёд қабул қилдилар. Бу уларнинг зиммасига катта масъулият юкледи.

Клиниканинг уруш ветеранлари Совети раиси, доцент А. Б. Бабаян, бош врач, медицина фанлари кандидати М. Қодиров ва бошқалар ёш ҳамшираларни шифокорлар сафига расмий қўшилганликлари билан табриқладилар, уларга инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек шарафли ишда муваффақият тилладилар.

Тантанали маросимда Мамлакат Исроилова, Фаина Хайридинона, Надежда Сидорова, Валентина Соколова сингари мураббий шифокорларга «Меҳнат ветерани» нишони топширилди. Авлодларимиз эстафетасига хос бўлган бу рамзий уйғунлик ёш авлод учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Машхур тиббий олим Н. И. Пирогов: «Оқ халат кийган инсон маънавий покликнинг рамизи бўлиши лозим», деб уқтирган эди. Қасамёд қабул қилган ёш ҳамширалар ҳам ўз фаолиятларида ана шу буюк эзгуликка содиқ қолишлари керак.

Ш. СИДДИҚОВ

## Эл соғлиги — юрт бойлиги

ларимни ҳам, бошқалар қатори, орден ва медаллар, юксак унвонлар билан тақдирладилар. Бахтли шифокорлардан бири бўлганим билан фахрланаман. Бахтининг қалити эса ҳалол меҳнатда ва ўз касбига садоқатдадир. Сизларни ҳам шифокор қасамёдига содиқ қолиб, халқимиз саломатлигини учун фидойилик билан хизмат қилишга чақираман.

Шундан сўнг ёш ҳамширалардан Мақсуда Иброҳимова ўртага чиқди. У қасамёд текстини жарағдор овоз билан ўқиди. Унинг тентдош ҳамкасбалари ҳам қа-

Дўстлик районидagi Ленин номи совхоз-техникумининг илгор механизатори Сафар Бойсунов.

Ж. Тўраев фотоси



# ПАХТАКОР ЖАСОРАТИ

Ватан меҳри — улуг куч. Серкўёш ўлкамининг бепоён пахтазорларида фидокорона меҳнат қилган она халқимиз қалбини, — ҳамisha бўлгани каби, — шу улуг куч нурлантириб турди, шу улуг куч унинг бир ғайратига минг ғайрат қўшди. Шунинг учун кундан-кунга терим суръати кучайиб борди.

Съездолди социалистик мусобақасини тобора авж олдириб, Фаргона, Хоразм, Тошкент, Наманган, Бухоро пешқадамлигида барча областларимиз, Қорақалпоғистон автоном республикаси меҳнатқашлари даладаги мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ишини сидқидилдан амалга оширдилар.

Биз Фаргона областининг Киров районидаги «Партия XX съезди» совхозига қарашли «Партия XIX съезди» бўлими пахтазорларида бўлганимизда, бунга яна бир марта амин бўлдик:

Оҳ-о! Бу ёқда-ку ўғилбола гап: Ердан кўкарганми шу пахта, рости? Нур қайтариб ётар бутун тўрт тараф — Одамзод даҳосин очик ҳавоси... Яшнаб ва бозиллаб кун қайтар, кўзни — Қамаштирар мезон найкамалаги. Ғўзалар келиндек тутуди ўзни, Ҳеч заҳа емаган, тоза палаги.

«Партия XIX съезди» бўлими пахтакорлари асосан қумлоқ ерларда деҳқончилик қиладилар.

Бундай майдонларда пахта ундириш — қиличнинг дамидан сув ичишдек қийин иш. Бундай жойда ғўзанинг униши соз тупроқ жойлардаги нисбатан ўнғайроқ, шўрланиб қолмайди, лекин ҳосилга ётаётган даврда тез чанқайди, шона ташлайди. Шунинг учун қумлоқ ерларда деҳқончилик қилаётган пахтакор бирикми ишловни кўпроқ беради, икки кўзи ғўзада бўлади, акс ҳолда, тўрт фасл давомида тўплаган ҳосилни бир кунда бузиб қўйиши мумкин.

— Давлатимиз асл деҳқоннинг кўнглидаги гапни айтди, — дейди биз билан суҳбатда бўлимнинг илгор бригада бошлиқларидан бири Абубакир Усмонов. — Пахтанинг босган тоши эмас, толаси ҳисобга ўтадиган бўлди. Ҳар қандай экин ҳам пиша баракали бўлади. Пахтаминизни яхши пиширдик. Бутун бригада яқдил бўлиб, киш чилласининг захрига, ёз чилласининг қаҳрига, Қўқон шамолининг маккорлигига бас келдик.

— Бу йил мелиорация ишини яхшиладик, зовурлар қазидик, — дейди бригада бошлиғи Мустафоқул Жўраев. — Ерининг заҳи қочди. Ерларимизнинг кўп қисмига АН-402 навли чигит эқдик. Бултур унинг тилини яхши тушунмаган эдик, бу йил тилини ҳам, феълени ҳам керагича биллиб олдик шекилли: ишимиз ўнгидан келди. Сугоришни ҳам янгича ташкил қилдик. Авваллари пайкалли ялписига, роса биғиб тўй-

гунча сугораверар эдик. Энди пайкалли бир неча қисмга бўлиб сугоришни йўлга қўйдик. Суздан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ўргандик.

Ҳақиқатан ҳам, «Партия XIX съезди» бўлими меҳнатқашлари КПСС XXVII съездини, Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олиш учун бу йил хар йилгидан кўра ҳам астойдил меҳнат қилдилар.

Деҳқон меҳнати борган сари механизмлар зиммасига ўтказилмоқда. Аъзамжон Тожиёв, Сиддиқжон Жўраев, Зуфаржон Мўйдинов, Абдурахим Сулаймонов, Кўчқорали Қурбонов, Толибжон Жамолов, Эркинжон Давронов, Зухраҳон Темирова, Саломатхон Абдуллаева, Ҳабибахон Қурбонова, Мавлудахон Мадаминова, Уктамхон Ғафурова, Одинахон Турдиева, Дилбархон Собирова каби зарбдорлар оғир пахта иши механизмлар елкасига ортилган сари меҳнатга ижодийроқ муносабатда бўлмоқдалар. Ҳозиргина айтилган мисоллар шунинг далили.

Сидқидилдан, ижодий меҳнат қилган кишининг иши тобора унади, ўнгарилади.


Ваҳорда шундай бир воқеа рўй берди: осмонга чиққан қора булут Ленин номли бўлим ерларининг ярмини, «Партия XIX съезди» бўлими майдонларини эса тўла энлаб ёғди, ўтиб кетди. Баъзан табиат деҳқоннинг чамалаган режаларини бузиб қўяди. Лекин об-ҳавонинг маромига

қараб режа тортган деҳқоннинг омади чопади. Ёмғирдан кейин бўлим бошлиғи Толибжон Отабоев барча бригадаларнинг ерларини мутахассислар ҳамроҳлигида айланиб кўрди. Кейин теъда маъжуд кучларни далаларга — ишлов беришга, иложи борича ерни серкесак қилишга, бунинг учун культивацияни битта панжа билан бажаришга сафарбар этди. Яганани бир неча кунга ҳаяллатди.

Табиатнинг шундан кейинги иши бу тадбир тўғри бўлганлигини кўрсатди. Қўқон агроф районларининг жуда кўп майдонлардаги ғўзаларини нобуд қилган шамоли «Партия XIX съезди» бўлими меҳнатқашларининг пайкалларига сезилари зарар етказмади. Кесақлар ғўза ниҳолларини бир қадар тўзиб, асраб қолди. Ваъзи шикастланган ниҳоллар ягана пайтида юлиб ташланди, соғлом ғўзалар алоҳида меҳр билан парвариш қилинаверди. Албатта, бу воқеа деҳқоннинг ақли билан тасодифнинг ҳамкорлиги йўқ эмас. Лекин ғўза ниҳолларининг Қўқон шамолидан асраб қолинишида бўлим меҳнатқашлари кейинги уч йилда ўтказган 110 минг туп тут кўчатиинг ихтосаси сезиларли бўлганини ҳам айтиб ўтиш керак.

...Ойдин тошиб ётган далалар бўйлаб узоқ кездик, «оқ олтин»ни оғир меҳнатлар эвазига яратган қора кўзалар билан суҳбатлашиб тўймадик. Планингина эмас, мажбуриятни ҳам шараф билан бажарган «Партия XIX съезди» бўлими илгорлари фикр-мулоҳазаларида бутун Ўзбекистон пахтакорлари азму шижоатини ҳис қилдик.

Айниқса КПСС Марказий Комитетининг мамлакатимиз, республикамиз ҳаётига янги ижодий тўлқин бахш этган — КПСС Марказий Комитети комиссияси тайёрлаган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасини, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси тақдим этган КПСС Устави (киритиладиган ўзгаришлар билан) лойиҳасини, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасини маъқуллаган 1985 йил Октябрь пленуми пахтакорларимизни, ҳашарчиларимизни янада руҳлантириб юборди. «Барча ташкилотчилик, сиёсий ва хўжалик соҳасидаги куч-ғайратлар, меҳнат коллективларининг бутун ғайрат-шижоати бу йилни ҳам ва умуман беш йилликни ҳам энг яхши натижалар билан адо этишга, ленинча партияимизнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга қаратилиши лозим. Ҳозир бу — ҳам амалий, ҳам сиёсий жиҳатдан асло кечиктириб бўлмайдиган вазифадир». КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев докладади бу сўзлар бутун совет халқи кўнглидаги эзгу муддаонинг ёркин ифодаси бўлди.



Боёвут районидаги А. С. Пушкин номли совхозининг 4-сут-товар фермаси ишчилари «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвонига сазовор бўлган бригада бошлиғи Шоди Султововни самимий табрикламоқдалар. В. Вториен фотоси (ЎЗТАГ).

# ШИФОКОР БАХТИ

## ОЙНАДАГИ «ГЎЗАЛЛИК»

Республикаамиз бўйлаб «оқ олтин» учун улуг кураш қаҳрамонона давом этди. Бу мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз ҳаётининг тарин ҳам фаровон бўлиши, фан, маданиятнинг бундан ҳам тараққий топиши, хуллас, жаҳонда тинчлик иши тантана килиши учун олиб борилаётган эзгу курашдир. Бор гапки, бу курашдан ҳеч ким четда турмади. Аргамчига қил қувват. Қуёшли ўлкамизда йиғим-терим мавсумида ҳамма ўзини пахтакор деб ҳисоблайди. Ўзини билган ҳар бир киши ҳашарага шайланади.


Пахтакор меҳрига бўлибман

толиб,  
Ҳар тола пишиғу оғирдир ғози.  
Бир айлантириб қўйдим белидан олиб,  
Кўнгли ёздек дехқон дўстимдан рози.

Асосий йўналишлар лойиҳасида: «...пахтадан толанинг чиқиши оширилсин ва нобудгарчилиги камайtirилсин», дейилади. Зеро, пахтакорларимиз янги юксалиш маррасига етиб келдилар.

### М. ҚУШМОҚОВ

Фарғона — Тошкент



«Саломатлик — туман бойлик», дейди халқимиз. Нечанча асрлар синовидан ўтган бу ҳикматли сўз бежиз пайдо бўлган эмас. Соғ-саломат юрган одам ҳар ишга қодир бўлади. У яхши кайфият ва рағбат билан меҳнат қилади, ижод этади, ўзининг хуш муомаласи билан бошқаларга ҳам яхши кайфият улашади... Хонадонда бирор кишининг тоби қочиб қолгундай бўлса, ўша хонадон аъзоларининг барчаси безовта, беҳаловат бўлади. Сихат-саломатликдан ортиқ бойлик бўлмаслиги ана шундай лаҳзаларда жуда билинади.

Қўли енгил, хушмуомала, касалликни тўғри аниқлаб дори-дармон берадиган, муолажа қиладиган шифокорлар тўғрисида сўз кетганда: «Барака топсин!», «Қўли дард кўрмасин», «Бошқаларнинг саломатлиги учун ўшалар соғ бўлсин», деган олқишлар айтлади. Худди ана шундай олқишлар замирида партия ва ҳукуратимизнинг халқимизга беминнат медицина хизмати кўрсатиб келаётгани ҳам ўз ифодасини топади, албатта.

Элу халқ саломатлиги учун кўрсатилаётган бекиёс гамхўрликнинг ифодачиси бўлган хурматли шифокорлар республика-мизда, хусусан Тошкент шаҳрида ҳам кўплаб топилади. Ана шулардан бири Тошкентдаги Авиация бирлашмаси медицина-санитария бўлимининг бошлиғи, СССР халқ врачлари Илёс Эргашевдир. Ўзининг бутун меҳнат фаолиятини эл саломатлигига бағишлаган, ўз меҳнатидан бахт ва обрў топган Илёс ака ўзвара гурунларда ҳам шифокорлик касбини улуглаб гапирди:

— Мен ўз ҳаётимдан, тақдиримдан гоят мамнунман, — дейди Илёс Эргашев биз билан суҳбатда. — Шундай ажойиб давримизда ишчилар синфига, агар улуглаб айтадиган бўлсак, ҳазрати Ипчига хизмат кўрсатишдан ҳам ортиқ бахт борми? Мана, ўттиз беш йилдан бери ана шу мўътабар корхонада ишламоқдаман. Бирлашмамиздаги шифо тармоқларида юзлаб эмас, минглаб кишилар даволандилар ва даволамқдалар. Соғайиб,

ўз иш жойига, оиласи кучогига қайтаётган кишиларни кўрганми-да, ҳар гал қалбимни олам-олам қувонч чулғаб олади. Бордию мендан: «Иккинчи марта туғилсангиз ким бўлардингиз?» деб сўрасалар, ҳеч иккиланмасдан: «Шифокор!» деб жавоб берардим...

Игирма бир яшар Илёс Эргашев 1942 йили, Тошкент Давлат медицина институтини битириб, фронтга жўнади. Фронтда ярадор бўлган совет жангчиларига медицина хизмати кўрсатишда иштирок этди. Аёвсиз жангларнинг бирида ўзи ҳам ярадор бўлди. 1943 йили Ўзбекистонга қайтиб келди. 1950 йилгача соғлиқни сақлаш министрлиги системасида — Бухоро ва Тошкент шаҳарларида ишлади. 1950 йилдан ҳозиргача у Тошкентдаги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида медицина соҳасини бошқармоқда.

Таърибали шифокор ўз сўзида: «Кўлимдан келганича хизмат қилиб келмоқдаман», деган иборани ишлатди. У бу сўзларни камтарлик билан айтди. Аслида 50-йилларда Тошкентдаги мазкур корхона ҳам, унинг қошидаги медицина қисми ҳам ҳали ёш эди. Ушанда бу ердаги шифохона атиги 300 кишига хизмат кўрсатарди. Айна пайтда бирлашма қошидаги шифохонада бир йўла 860 кишига хизмат кўрсатилади. Бунинг ёнига 2500 кишига хизмат кўрсатадиган учта поликлиника, болалар поликлиникасини, 170 ўринли болалар касалхонасини, 160 ўринли турғуқхонани қўшадиган бўлсак, корхона шифокорларининг сардори Илёс Эргашевнинг ташкилотчилик қобилиятига қойил қоласиз. Айна пайтда шифо тармоқларида ишлаётган шифокор ходимларнинг сони 1500 кишига етди.

Корхонадаги шифо тармоқларида ҳамма иш жойида. Ходимларнинг хизмати рисоладагидек. Шу туфайли бўлса керак, Авиация бирлашмаси медицина-санитария қисми ҳожатбарор ходимлари СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Медицина ходимлари Касаба союзи Марказий Комитетининг байроғини уч марта олишга мушарраф бўлдилар.

Қисқаси, СССР халқ врачлари Илёс Эргашев — ўзининг фидокорона меҳнатидан бахт топган кишиларнинг бири. Минг-минглаб кишиларга сихат-саломатлик улашаётган, катта бир корхонада медицина хизмати раҳбарлик қиладиган хурматли шифокорнинг ўзига ҳам яхши тилаклар тилаймиз!

— Ҳамиша соғ-саломат бўлинг, хурматли Илёс ака!

О. ҲУСАНОВ



Ҳашарчилар.

Д. Тайберг фотоси

Кейинги вақтда енгил автомобиль ҳайдовчилари орасида машиналарга ҳаддан зиёд зеб беришга қизқиш кучайиб борапти. Кўпчилик ҳайдовчилар машиналарнинг олд ойналарига машҳур кино намоияларининг суратларини, турли ялтур-юлтур безакларини ёпиштириб ташлайдилар. Ойна гирдларига ҳар хил ўйинчоқларни, нишонларни, эсдалик совгаларни осиб қўядилар. Бундай майда-чуйда «гўзаллик»лар ҳайдовчининг нигоҳини чаглатади, эътиборини ўғирлайди, хушёрлигини сусайтиради.

Юз бераётган фалокат ва жароҳатлар ана шу ортиқча безаклар туфайли, деб топишмоқда. Бу ҳол автомобилларни ҳаддан зиёд безашга чек қўйиши тақозо этади. Ана шу талаб эъдиликда йўл ҳаракати қондаларига ҳам киритилди.

Ҳайдовчилар кўнчинча автомобилларнинг орқа ойналарига товланувчи пленка ёпиштиридилар ёки рангдор шишаларни ўрнатиб оладилар. Булар ҳайдовчиларнинг орқада келаётган машинадан хабардор бўлишга қийинлаштиради. Йўл ҳаракати қондаларига кўра, саваот корхоналарида ишлаб чиқилган, стандарт талабига кўра завод маркаси билан тасдиқланган махсус шишалардан фойдаланишигагина рухсат этилади.

Батыан машиналар ойналарида «автоэкспорт», «автотурист» каби ажнабий сўзлар ёзилган нур тўсувчи соябонлар қўйилганини кўриб қоламиз. Ҳайдовчилар ана шундай ойналарнинг арзиманг силкиниш натижасида чил-чил синишини ва кишини жароҳатлашини, шунингдек, мазкур ойналар тез ўт олишини хаёлларида ҳам келтирмайдилар. Шунинг учун ҳам автомобилларнинг олд ойнасига фақат эъди 150 миллиметрли шифоф рангли суъый пишасимон тасмалардан ясалган соябон ўрнатиш тавсия этилади. Мазкур тасмалар оқ, сарик, қизил, яшил ва ханоранг рангларни бузиб кўрсатмаслиги керак.

Кўпчилик автоҳаваскорлар баҳор ва ёз мавсумларида орқа ойналарига дарпардалар тутиб олишади. Бундай пардалардан фойдаланишга фақат машинанинг ҳар икки томонида ҳам кўзгулари бўлган тақдирдагина рухсат этилади. Шунда ҳам ҳайдовчилар йўлда ўзларидан бошқалар ҳам борлигини унутмасликлари, зарурат туғилганда нур тўсалган пардаларни суриб қўйишлари шартлигини эсда сақлашлари лозим.

С. ЗУБРИСКИЙ,

(«Здоровье» журналидан)



Навоий ички оламининг нақадар гўзал ва тиниклигини белгилловчи фазилатлардан бир қисми шоирнинг «Хамса»га кирган дostonларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Дostonларида кўзга яққол ташланиб турадиган фазилатлардан бири олиҳимматлиқдир. Мутафаккир шоирнинг бу хислати саҳийлиги билан узвий кўшилиб кетиб, унинг шахсини баркамол, улугвор қилиб кўрсатади.

Навоийдаги олиҳимматлиқ отасидан ўтган. Профессор А. Ҳайитметов бу ҳақда шундай ёзади: «...Навоийнинг отаси, ўз одатига кўра, қўлга тушган бандиларидан кўпининг хуни баҳосини тўлаб, овод қилиб юборган экан». Бу хусусият Навоийнинг ёшлигидан шаклланиб, камолга етганини кўра-миз. Унинг ўзи «Вақфия»да ўттиз жериб ерга девор олди-рганани, у ерга иморатлар куриб, бог қилиб обод этганини айтиди.

Уша давр одатига кўра, подшо томонидан катта ер, сув, ҳатто бутун-бутун қишлоқ ва районлар суюрғол тарзида инъом эти-лар эди. Навоий шундай мулк-лардан келган даромаднинг ўз эҳтиёжига лойиғини қолдириб, қолган қисмининг ҳаммасини мамлакат ободончилиғига сарф-лаган. Навоийдаги бу олиҳиммат-лиқ хислати шоирнинг обрўси-ни минг чандон ошириб, замон-

ларидигандек, «Ҳайратул-аброр»-да бу ҳол, айниқса, кўзга яққол-роқ ташланади. Шоир асосий эътиборини тама қилмасликка, қаноатга қаратади. Навоий на-заридан ана шундай кишилар са-хий, олиҳиммат эгасидурлар. У дostonда шундай дейди:

Они саҳий англағил, эй хушманд,  
Ки ани давлат қилибон сарбалад.  
Ҳоли агар яхши дурур, гар табох,  
Кимсадан этмас тамаи мону жох.

Навоий давом этиб, саҳийлик, эҳсон ва қарамнинг инсон ички дунёсидан тутган жиҳатларига эътиборни қаратади. Одамни бир оғиз яхши сўз билан хурсанд қилиш керак бўлган вақтда унга ҳазина берсанг ҳам у қарамаслигини уқтиради. Аслида инсонга хос қоннинг гавҳари сўз бўлиб ҳисобланади, одамзод гулшанининг меваси ҳам шу сўздир:

Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз,  
Улча қилур вақтда бир яхши сўз,  
Маъдани инсон гухари сўз дурур,  
Гулшани одам самари сўз дурур.

Мабодо сўз билан наф етказиш кишиларнинг қўлидан келмаса, лоақал кўнглидаги андешаси яхши бўлиши керак. Кўнгли одамларнинг хурсандчилигидан хурсанд бўлиши зарур, кўнгли нохуш бўлганга ҳамдардлик билдириши лозим.

нинг олиҳимматлиқ туғайли келганига қаттиқ ишонади. У эл-халққа моддий ёрдам бергани сингари ижодий меҳнати билан ҳам чин дилдан маънавий ёрдам беришни кўзларди.

Навоий характеридаги раҳм-диллик фазилати ҳам ўрнак бўларлиқдир. Бу фазилат ўша даврдаёқ замон аҳлининг муҳаббатини қозongan эди. Ундаги бу хислат айрим ўринларда, ҳатто, афсонавий тус олганини кўриш мумкин. Шоирнинг бу фазилати меҳрибонлик, инсон-парварлик хислатлари билан боғланиб кетиб, унинг маънавий қиёфасини бекиёс даражада кўркам, улугвор қилиб кўрсатади.

Бинобарин, Навоийнинг ўзи томонидан «Мажолисун-нафис»-да айтилгандек, у кўплаб қалам аҳилларига ғамхўрликлар, меҳрибонликлар қилади. Хожа Ҳасан Хизршоҳ кўпгина яхши хислатлар эгаси бўлиб, яхшиги-на шерьлар ёзган. У касалланиб қолган бир вақтда Навоий яқиндан ёрдам беради-да, Ҳожи Ҳасан Хизршоҳ оёққа туриб кетади.

Навоийдаги бундай раҳмдил-лик, меҳрибонлик ва ғамхўрлик хислатлари ўз-ўзидан унинг шерьиятга, дostonларига сингиб кетиши табиий. Бу эса шоир шерьлари ёки дostonлари-нинг ҳам ҳаётлигини оши-

рассини топади. Айниқса, «Ҳай-ратул-аброр»-да бу мавзу кенгрок миқёсда ифодаланади. Ҳақиқа-тан унинг ўзи гоят камтар инсон бўлганлиги туғайли дostonла-рида ҳам бу фазилатга катта ўрин беради. У ўзига-ўзи уқти-ради: мабодо сенга осмоннинг куч-қудрати насиб бўлган тақ-дирда ҳам сира мағрурланмай ер юзида камтарликни танлангинг керак. Ғам-ғурса юки сени тоғдек эзиб тура ҳам, унинг остида сен тупроқдек турабер. Бошинга тошлар ёмғурдек ёғилса ҳам, бинафша каби бошингни юқори тутиб турабер. Тавозуъ вақтида вафо қилиш, одоб қондасига кўра уладаганин, ҳаёли бўлиш зарур. Ана шуларнинг ҳаммаси кам-тарликка олиб борадиган йўл бўлиб ҳисобланади.

Камтарлик хислати Навоий дostonларида тобора чуқуროқ маъно касб этади. «Ҳайратул-аброр»нинг муқаддимасида у камтарлик билан ўзининг одам-гарчилик қилмаганини, одам-гарчиликдан жуда ҳам олисда-лигини, ҳатто одамгарчилик билан унинг ўртасида минг йил-лик фарқ кўндаланг бўлиб ёт-ганини айтидики, бундан Навоий-нинг инсон учун зарур бўлган камтарлик фазилатини жуда ҳам баянда қўтариб, қадрлаганини аниқ англаш мумкин: Маъни ичинда кишиликдин йироқ, Балки орамида минг йиллик фироқ.

# «ХАМСА»ДА ШОИРСИЙМОСИ

дошлари диққатини ўзига жалб этган эди. Хондамрининг қуйи-даги ҳикояси бу жиҳатдан ха-рактерли:

«...Бу сатрларни ёзувчига маълум бўлишича, 906 ҳижрий йил бошларида Соҳибқирон Мозандарон вилоятига таширф қилган эди. Ҳукумат эгаси Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек жаноблари исмига Ҳи-рот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолидан зарур харажат учун 100 минг динор кепакни ундириб етказиш ҳақида фармон келди. У жаноб шу маблагда 50 минг динорни булкот (атроф, туман, қишлоқлар) деҳқонлари ва молдорларидан ундириб, қолган-ини уй бошига ҳисоблаш асо-сида Ҳирот ичида турувчилардан олишни ўйлади. Аммо ҳеч бир ишга давлатли Амирнинг фикри-сиз ва маслаҳатсиз дахл қил-мас эдилар. Ул ҳазратнинг нойи-бларидан бирини қақриб, бу фикрни у кишига етказилади. У киши: «Бу фурсатда халқ устига ўринсиз солиқ солишни олий даражали Соҳибқирон давлатига муносиб кўрмайман», деди ва шу вақтдаёқ мазкур маблагни ўзининг хусусий пулидан берди. Халқ эса ул ҳазратни дуо қилиб, унга кўпдан-кўп раҳматлар ай-ди...»

Шоирдаги бу хил сифатлар унинг дostonларида ҳам ўз ифо-дасини топган. Ҳамма дoston-

Сўз било нафъ ўлмаса эл пешаси.  
Яхши керак кўнглида андешаси,  
Кўнгли киши хушлугидан хуш керак,  
Нохуш агар бўлса, мушавваш керак.

«Ҳайратул-аброр»-да тас-вирланган ҳикоятлардан бирида шоирдаги саҳийлик хислати воқеага боғлаб кўрсатилади. Бир саҳий подшоҳ бўлиб, унинг кули бор эди. Унинг хизмат да-ражаси бақовуллик эди. Подшоҳ овқатланиш учун ўтирганда аҳолига бақовул унга овқат олиб келаётиб, иссиқ ошни шохнинг бошига тўкиб юборади. Подшоҳ ундан қаттиқ ранжийди. Одам-лар: «Подшоҳ энди уни ўлди-ради. Гуноҳига лойиқ жаза шу!» дейди. Шох эса бақовулнинг кутилмаган бу хунук ишидан ўзи бениҳоя хафалигини кўриб, уни кечиради. Вазир эса: «Эй шох, унга тигдан бошқа нарса лойиқ эмас эди-ку!», дейди. Шох эса олижаноблик кўрсатиб: «Ҳижолат ўзи уни ўлдириб бўлди-ку!», дейди.

Олиҳимматлиқ «Фарҳод ва Ширин»-да ҳам алоҳида пафос билан жаранглайди. Навоий химмат туғайли юзага келган ёғи яхши ютуқлар тўғрисида самийий фикрларни айтиди. Шоирнинг назаридан химмат мақсадга олиб борадиган ойдин йўлдор. Химмат пелёсанин кўтарган киши ўзининг ер эгу-ниятига тўла эришади. Зеро, у ўзидаги омад, ютуқ ёки шуҳрат-

ради, мазмуни ҳамда таъсири-ли чикишида катта аҳамиятга моликдир. «Ҳайратул-аброр»-да раҳмдиллик инсонга нисбатан ғамхўрлик, хурмат ва эътиқод даражасига кўтарилади. Навоий ўзига қарата дostonда шундай дейди:

Сўнгра раҳмининг силасин қарз бил,  
Раҳм ушул тоғфага фарз бил.  
Сайри нос ичра улуг то кичик,  
Еҳуд аро ерда васат чарғалик.  
Кимжи улугроқ анга хизмат керак,  
Фарки кичикроқ анга шафқат керак.

Улуг шоирдаги гўзал хислат-лардан яна бири камтарлиқдир. Хондамир ундаги камтарлиқни улуглаб, шох мухр бошини тақлиф қилганда Навоий: «Мени мухр бошидан кутқарсалар», дейди, барибир бўлмагач, «ул ҳазратнинг олдига яхши кунда мухр боши учун нишон олиб келдилар. Ул ҳазрат нишонни Амир Сайид Ҳасанга берилсин, аввал у киши мухр босин, деди-лар. Амир Сайид Ҳасан эса хурмат изҳор қилиб, нишонни яна Амирга қайтаради. Ул ҳаз-рат қоғозни олиб, ўша камтарлик юзасидан шундай жойга мухр босдики, ундан қуйироққа, ҳеч ким мухр боса олмасин», дейди. Навоийнинг камтарлигини аниқ англатувчи бу ҳаётий далил «Наводиручи — шабоб»-да ҳам чиройли қилиб тилга олинади.

Бу хислат шоирнинг «Хамса»-га кирган дostonларида ҳам ўз

Бу дostonдаги бошқа мисра-ларда Навоий камтарлиқни амал-да нақд кўрсатганига энг ха-рактерли ишора бор. У ўз ҳаётида мисли кўрилмаган ишларни қил-ди. Бу маълум. Аммо шундай бўлса ҳам қилган ишларини сира ҳам таъкидламайди, аксин-ча, кишининг лозим бўлган ишни қилмаганидан шундай ўқина-дики, бу ҳолат камтарлик хис-латининг энг ноёб кўринишидир.

Ландоқки қилмоқ керак иш қилмадим,  
Иш қила олмас кунини билмадим.

Демак, улуг сўз санъаткори учун иш қила олмайдиган кун йўқ. Бу ерда унинг камтар инсон бўлганлиги билан бир қаторда кучли қобилият соҳиби эканлиги ҳам яққол кўзга ташланади.

Навоийдаги бу хил инсоний фазилатлар замонасидаги ах-лоқ нормаларининг энг баланд чўққиси бўлиб, муҳим прогрессив гоаярлни олга суриши билан аҳамиятлидир. Шоир ўз асарла-ри, айниқса «Хамса»га кирган дostonлари орқали ҳозир ҳам инсонлар ўртасида меҳр-оқибат куртақларини аянда равнақ топ-тиришдек ҳаётий мақсадни ташвиқ қилмоқда ҳамда ўзининг ҳам ана шундай юксак инсоний сифатларга бой шахс эканлигини кенг кўламда намойиш этмоқда.

Жўраҳон РАҲИМОВ

# БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ



БЕШ ЙИЛГИК  
РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

Чортоқ районининг барча меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг сўнгги пленумлари қарорларини изчил амалга ошира бориб, сезиларли ютуқларга эришмоқдалар. Меҳнат жаҳбасида кўтаринки руҳда ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни КПСС XXVII съездига, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига ақинлаштирмоқда. Меҳнат коллективларида съезд шарафига ўзаро социалистик мусобақа тобора кенг кулоҳ ёзаяпти. «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусида актив қатнашаётган ўнлаб ишлаб чиқариш зарбдорлари якунли мезгилнинг ҳам, умуман ўн биринчи беш йилликнинг ҳам планларини бажариб қўйдилар.

Районимизнинг истиқболли боғдорчиликка йўналтирилган. Бу соҳада кўп ишлар амалга оширилди. Шу беш йилликнинг ўзида узумзорлар майдони 3024 гектарга, боғлар эса 2726 гектарга етказилди. Сувсиз адиб ерларни ўзлаштириш ҳисобига янгидан «Фарғона», «Чортоқ», «Партия XXII съезди», «Ўзбекистон», Мичурин номи мева-узумчилик совхозлари ташкил этилди. Эндиликда мазкур хўжаликларнинг меҳнаткашлари халқимиз дастурхонининг тўкилиги учун фидоқорона меҳнат қилмоқдалар. Районимиз соҳибкорлари давлатга 7 миң тоннага яқин мева сотиб, социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар. Бу соҳадан беш йиллик план ҳам ортиги билан уудаланди. Шуниингдек, бу йил давлатга 36 миң тонна сабзавот, 10 миң тоннага яқин узум ва бошқа кўплаб деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб берилди.

Районимиз мева-узумчиликка ихтисослашиб бораётган бўлса-да, пахтачилик ҳамон етакчи ўринда турибди. Бу соҳада бор имкониятдан фойдаланаяпмиз. Айниқса бу йил пахтакорларимизнинг ишлари нуғумли бўлди. Эрта баҳорданок юксак хирмон учун кураш бошланди. Ёзуа қатор ораларига илгор фан-техника ютуқларини, илгор тажрибаларини кенг қўллаш асосида ишлов берилди. Бундай ишланлик туфайли дала-ларда мўл ҳосил тўпланди.

Район партия комитети ҳосилни қисқа муддатларда ҳашарчиларни жалб қилмасдан йиғиштириб олиш тадбирларини белгиладилар. Бу тадбирларда социалистик мусобақани ташкил этиш, оммавий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, савдо, медицина, маданий-маиший ва бошқа барча хизмат турларини пахтакорларга қўлай бўлган жойларга кўчириш масалалари ўз ифодасини топди.

Йиғим-теримни пухта ўтказиш тадбирлари асосида барча дала шийпонлари қайта жиҳозланиб, колхозчиларнинг чинакам иккинчи уйига айлантирилди. Бир ярим миңга яқин агитатор, сиёсий ахборотчи ва 511 нафар «Билим» жамияти аъзоси, район партия комитетининг 100 га яқин штатсиз лектор ва сиёсий докладчилари шу куннинг долзарб масалалари юзасидан лекция ва суҳбатлар ўтказиб, пахтакорларнинг ғайратларига ғайрат қўшдилар.

«Фарғона» совхози ва «Октябрь», Навоий номи, «Москва» колхозлари партия ташкилотлари ва уларнинг секретарлари О. Содиқов, Х. Азимов, Ш. Қурбонов, М. Акбаровлар йиғим-терим даврида оммавий-сиёсий ишларни ташкил этишнинг янги-янги шакл ва методларидан фойдаланиб, фаолият кўрсатдилар.

Районимизнинг барча корхоналари бу йилги йиғим-терим мавсумида уюшқоқлик кўрсатдилар. Масалан, район транспортчилари область газетаси орқали йиғим-терим даврида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш

**Н. И. КЎРГАНОВСКАЯ,**  
Ўзбекистон КП Чортоқ район  
комитетининг секретари

юзасидан областдаги барча колхозлар, совхозлар, ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарларига, мутахассисларига, транспорт ҳайдовчиларига мурожаат қилдилар. Бу мурожаат областимизнинг барча хўжаликлари томонидан қўллаб қувватланди ва мавсум давомида яхши самара берди.

Ҳашар — элга ярашар, дейдилар. Пахтакорларимиз бу йил ҳар галгидан ҳам тадбиркорлик билан ҳамжиҳатлашдилар. Кўп миң килограммчилик ҳаракати оммавий тус олди. Теримчилар ўртасида мусобақа якуни ҳар кун умумлаштирилиб, илгорлар моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилди. Натижанда ҳар кун йиллик планга нисбатан 3,5-4 процент, ҳатто ундан ошириб пахта тайёрланди. Хўжаликларимиз далаларида 30 га яқин «зангори кема» жавлон уриб ишлади. Машиналарнинг шарофати туфайли «Октябрь», Навоий номи колхозларда сурьат ортиб, ҳар кун 4,5-5 процентгача пахта сотилди.

Район ва Чортоқ шаҳар маданият бўлиmlари томонидан ташкил этилган учта агитгруппа, колхоз ва совхозларнинг «Чортоқ тоғи», «Гулбарра», «Ханда», «Наврўз» каби бадий ҳаваскорлик коллективлари график асосида дала шийпонларида бўлиб, ўзларининг дилрабо куй ва кўшиқлари билан пахтакорларга кўтаринки кайфият бахш этдилар. Ўз атрофида савдо, медицина, маиший хизмат ходимларини жиқлаштирган «Оқ йўл» агитгруппаси ишидан кўпчилик мамнун бўлди. Район ижодкорларининг «Бўстон» адабий уюшмаси аъзолари пахтакорлар ҳузуринда бўлиб, уларни янги зафарлар сари илҳомлантирдилар. Республикамининг бу йилги улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун белгилаган тадбирларимиз бизни областда олдинги маррага олиб қикди. Сентябрь ойда йиллик планнинг 65 проценти миқдорини пахта тайёрланди.

«Москва» колхозини ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган. Хўжалик пахтакорлари сентябрь ойининг иккинчи ўн

кунлиги якунларига кўра республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар.

Районимиз пахтакорларининг икки ўн кунликда республика социалистик мусобақасида голиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлганлиги қувончимизга қувонч қўшди.

Пахта тайёрлаш йиллик планини 27 иш кунинида бажариш республика мусобақасига қўшилган «Фарғона», «Чортоқ» совхозларининг пахтакорлари райондагина эмас, областда биринчи бўлиб маррага етдилар. Район пахтакорлари тайёрлов пунктларига 17 миң тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бериб, бу соҳа бўйича белгилаган плани октябрь ойининг биринчи ярмидаёқ бажардилар. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 33,3 центнерни ташкил этди. Пахтакорларимиз бу йилги ҳосилни мактаб ўқувчиларини пахта теримига жалб этмасдан йиғиштириб олдиларки, бу ҳаммамизнинг муваффақиятимиз бўлди. Йил якунига кўра, ялпи ҳосилнинг салмоғи 20 миң тоннага етказилди ва ҳосилдорлик 39 центнерга етди. Зиммага олинган социалистик мажбурият ҳам бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми қарорларида таъкидланганидек, омма партиянинг сиёсатини яхшироқ тушуниб етган жойда олға силжиш ақлоқ сезилмоқда. Вунинг ўзининг кундалик фаолиятида синаб кўрган район партия комитети диққат-эътиборни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида таъкидланганидек, тартиб-интизомни мустақамлаш, уюшқоқликни ошириш, илгор тажрибаларни кенг ёйишга қаратмоқда.

Чортоқ районининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари шу кунларда КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб меҳнат совгалари билан кутиб олиш учун фаолият кўрсата бориб, барча соҳаларда ўн биринчи беш йиллик план-топшириқларини ортиги билан бажардилар, деб ишонч билдирамыз.



Норин районидagi Калинин номи колхоз аъзоси  
Жавнатхон Мамадалиева.  
Ж. Гўраев фотоси

# ДАДИЛ ОДИМЛАР

Совет-Франция муносабатлари тарихида вақти-вақти билан ўтказилиб келинаётган олий даражадаги ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Учрашувлар ҳам-миша икки томонлама муносабатларга янги рух бахш этиб, муҳим халқаро масалаларни дунё халқлари манфаатларига мос, ижобий ҳал этиш йўллари биргаликда топишга имкон берган. Шу сабабли ҳам октябрь ойида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Франция республикасида қилган визити бутун дунё халқларида катта қизиқини уйғотди.

СССР билан Франция турли ижтимоий-иқтисодий тузумларга мансуб давлатлар бўлганлиги учун ҳам уларнинг халқаро масалаларга турли муносабатда бўлиши табиий ҳол. Лекин икки мамлакат орасидаги тафовутлар Германия фашизмига қарши кураш давомида ҳам, урушдан сўнг ҳам — халқаро вазиятни соғломлаштириш йилларида халқларимизнинг ҳамкорликда ҳаракат қилишларига тўсиқ бўлган эмас.

60-йилларда СССР билан Франция ўртасида тинч-тотув яшаш принциплари асосида муносабатлар ўрнатилдики, бу, ўз навбатида, умумевропа миқёсида социалистик ва капиталистик давлатлар ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Бу ҳамкорлик Европада иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳал этилмай келаётган, китъадаги давлатларга муносиб вазиятни мушкуллаштираётган қатор муаммоларни ечиш имконини берди.

Уш а даврда СССР билан Франция ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ўттиздан ортиқ муҳим битимлар имзоландики, бу Европа сиёсий иқлимини соғломлаштиришда бошқа давлатларга ҳам ўрнак бўлди.

1966 йилда Совет-Франция Декларацияси; 1970 йилда Совет-Франция Протоколи; 1971 йилда Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида ҳамкорлик Принциплари; 1979 йилда Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида кескинликни юмшатиш ва тинчлик манфаатлари учун ўзаро ҳамкорликни бундан буён ривожлантириш Программаларининг имзоланиши ана шу ҳамкорлик натижалари эди.

Совет-Франция ҳужжатларида ифодаланган ўзаро ҳамкорлик принциплари 1975 йилнинг биринчи августида Хельсинкида 35 давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгаш Яқунловчи актининг қатор қисмларига асос қилиб олинган. Маълумки, бу ҳужжат фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабадан 30 йил ўтгандан сўнг китъада иккинчи жаҳон уруши яқунларини сиёсий жиҳатдан мустақамлаб, Европадаги мавжуд чегаралар ўзгармас эканлигини тасдиқлади.

Совет-Франция ҳамкорлиги давомида тўпаланган тажриба ижтимоий-иқтисодий тузумнинг ҳар хиллигига қарамадан иккала томондан ҳам сиёсий жиҳатдан хоҳиш, ирода, интилиш бўлган тақдирда давлатлар самарали ҳамкорлик қилишлари мумкин эканлигини намойиш этди.

СССР билан Франция ўртасидаги кенг ҳамкорлик Европа китъасида умуман бутун дунёда тинчликнинг мустақам бўлишига, ўзаро ишонч муҳитининг қарор топишига ва натижада давлатлараро фойдали алоқаларнинг ривожланишига хизмат қилади.

70-йиллар охири ва 80-йилларнинг бошларида келиб, тинчлик душманлари ўзларининг турли найранг ҳаракатларини янада активлаштириб, кескинликни юмшатиш ишини чиппака чиқаришга ҳаракат қила бошладилар. Бу хатти-ҳаракатлар биринчи навбатда Америка маъмуриятининг сиёсатида акс этди.

Франциядаги ички сиёсий ўзгаришлар ҳам шу йилларга тўғри келди. 1981 йилнинг май-июнь ойларида мамлакатда бўлиб ўтган президентлик сайловларида социалистлар партияси раҳбарлигидаги сўл кучлар иттифоқи жамият тепасига келди. Социалистлар аввалига ҳукумат олиб борган сиёсатни, жумладан социалистик давлатлар билан муносабатларни яхшилаш ишига хизмат қилиб келган сиёсатни салбий руҳда қайта кўриб чиқдилар. Бу, албатта, Хельсинки кенгашида асос солинган кескинликни юмшатиш жараёнига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Лекин Совет Иттифоқи билан Франция муносабатларида юзага келган бир оз совуқчилик белгилари иқтисодий соҳадаги алоқаларни сусайтирмади. Аксинча, сўнгги ўн йил мобайнида савдо-сотиқ ҳажми тўрт баробар кўпайди. Р. Рейган маъмурияти Совет Иттифоқига нисбатан қўллаган савдо-иқтисодий чора-тадбирларга иттифоқчиларини ҳам қўшилишга чорлаган вақтда Франция бир қанча Ғарбий Европа мамлакатлари билан бирга бу қаҳриққа қўшилишдан бош тортиди. Сўнгги йилларда биз Франция ҳукуматининг сиёсатида социалистик давлатлар, биринчи навбатда Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорлик даврига қайтишга қилинган ҳаракатларнинг гувоҳи бўлдик. Совет Иттифоқининг Фран-

## Халқаро мавзуларда

цияга нисбатан сиёсати эса ўзгармай келаётди. Бизнинг мамлакатимиз тинчлик ишига хизмат қилиб келаётган, ўзаро манфаатли бўлган ҳамкорликка тайёр эканлигини сўзда ҳам, амалда ҳам доимо намойиш этиб келмоқда.

Утган 1984 йилнинг июнь ойида Франция президенти Ф. Миттераннинг Совет Иттифоқига визити ва шу йилнинг октябрь ойида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Францияга визити сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги фойдали алоқаларни янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Ҳозир Ер юзидаги реал воқелик шундан иборатки, икки ижтимоий-иқтисодий тузумга мансуб давлатлар ёнма-ён яшамокдалар. Уларнинг ҳар бири ўз қонунларига мувофиқ яшаб, ривожланаётган экан, ҳар бир тузумнинг афзалликлари қурол кучи билан эмас, балки тинч иқтисодий соҳадаги мусобақа орқали исебтланиши керак. Бу жиҳатдан СССР билан Франция бугунги кунда бошқа давлатларга яна ўрнак кўрсатмоқда.

Ҳозир инсоният жуда ҳам масъулиятли даврни бошдан кечирмоқда. Ядровий қуроланиш пойғасини бундан буён ҳам давом эттириш инсониятни эртага ҳал этиб бўлмайдиган муаммолар олдига яқинлаштириши турган гап. Ҳозирги мураккаб аҳволда халқаро вазиятни нормаллаштириш тарафдоримиз, дейишнинг ўзи кифоя қилмайди.

Мавжуд аҳвол ҳар бир давлат раҳбаридан ядро уруши хавфининг олдини олиш йўлида сўздан амалий ишга ўтишни талаб қилади.

М. С. Горбачев Парижда бўлганида Европа хавфсизлиги, бутун сайёрамиз хавфсизлигига тааллуқли жуда муҳим тинчлик тақлифларини ўртага ташлади. Совет Иттифоқи АҚШ ҳукуматига мурожаат қилиб, биринчи навбатда космик қуролларни тақиқлаш ва мавжуд стратегик ракетааларни 50 процентга қисқартириш тўғрисида битимга эришишга чақирди. Шунингдек, космик ва стратегик қуроллар билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда ўртача олисликка учувчи ракетааларнинг ўзи бўйича алоҳида битим тузишни тақлиф этди. Бу Совет Иттифоқининг тинчлик ишига хавф ниҳоятда кучайиб кетган ҳозирги вақтда халқаро вазиятни соғломлаштиришга қаратилган муҳим программасидир.

М. С. Горбачевнинг Францияга визити кунларида президент Ф. Миттеран ўз мамлакатининг «космик қуролларни яратишда ҳеч қандай шаклда иштирок этмаслигини» яна бир бор тасдиқлади.

Олий даражадаги Совет-Франция мулоқоти вақтида иккала томон биринчи навбатда тинчлик ишига хизмат қиладиган ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, кенгайтириш бўйича аниқ фикрга келишга муваффақ бўлдилар.

Ҳозир давлатлар олдида шундай муаммолар вужудга келмоқдаки, уларни ҳал этишда идеологиямизнинг, дунёқарашимизнинг турлилиги тўсиқ бўлолмайди. Бу муаммоларни фақат биргаликдагина ҳал этиш мумкин. Масалан, иқтисодий алоқаларни оладиган бўлсак, бугунги кунда ҳар бир мамлакат олдида турган саноат, техника ва илмий тараққиёт масалаларини ҳал этишни халқаро меҳнат тақсимотидан самарали фойдаланиш орқали енгиллаштириш бўлади. Совет Иттифоқи бу соҳада ҳамкорликнинг янги шакллари излашга тайёр.

Европа китъаси ва бошқа регионларда ҳал этилиши лозим бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш муаммолари ҳам ҳозирги кунда барча давлатларнинг ҳамкорлик қилишларини тақозо этади. Космосни тинч ўзлаштириш, битмас-туганмас энергия манбаи — термоядрони синтез қилиш ва мана шунга ўхшаш кўнлаб лойиҳалар мавжудки, уларни амалга оширишда давлатлар ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Юқорида санаб ўтилган соҳаларнинг кўпчилигида СССР билан Франция муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда ва олий даражадаги визит вақтида ҳамкорлик чегараларини янада кенгайтириш тўғрисида келишиб олинди. СССР ва Франция бошқа давлатларни ҳам бунга қўшилишга чақирдилар.

М. С. Горбачев Франция парламенти аъзолари билан учрашув вақтида сўзлаган нутқда айтиб ўтганидек: «Ҳар бир узоқ йўлнинг дастлабки одимлардан бошланганидек, кўпинча ана шу одимни ташлаш, айниқса машаққатли бўлади».

Халқаро вазиятнинг кескинлашганлиги, агар олди олинмаса, яна ҳам кескинлаштириши мумкинлиги бугунги кунда турли системадаги давлатлардан ҳар қандай ихтилофларни четга суриб, тинчлик манфаатлари йўлида яқиндан ҳамкорлик қилишни тақозо этади. Бу борадаги изчил йўл КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида алоҳида таъкидланади: «Ҳозирги ва келажак авлодларнинг ҳаёти йўлида тинчликни химоя қилиш ва мустақамлашдан, агрессия ва милитаризм кучларини жиловлашдан ҳам юксакроқ ва масъулиятлироқ вазифа йўқ». Бинобарин, Совет Иттифоқи Франция ва бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда орттирилган фойдали тажрибаларни эҳтиёт қилиш ва уларни янада бойитиш тарафдоридир.

Турсун ҚОРАТЎЕВ,  
халқаро шарҳловчи.

ботонлаб курган ховузчага тушди. Ушанда Абдужалил аканинг шодлигини кўрсатди эди.

Баҳорда у дастлабки кўчатларни эди. Ниҳоллар куртак чикарганда бир булонди, гуллаганда яна бир кувонди. Бу воқеага ҳам беш йил бўлди. Ана энди бир кўринг! Бир зумгина дам олсангиз, ҳордигингиз чиқадиган жаннат-мисол бог! Тўлиб-тошиб сайраётган турфа қушлар, муаттар ҳид таратаётган анвойи гуллар, ҳосилга кирган мевали дарактлар руҳингизни аллайди.

Саховатли богдон Абдужалил ака бундан аввал узоқ йиллар чўллари ўзлаштиришида иштирок этди. Чўлқуварнинг меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Айни дамларда у Жиззаҳ қурилиш материаллар комбинатининг тош майдалаш тегиримонияда меҳнат қилмоқда. Ун нафар фарзанднинг отаси.

«Табиатдан эҳсон кутмай, уни ўзинг ярат», деган эди улуғ рус олимни Иван Владимирович Мишурин. Абдужалил ака эса амалда ана шу ишни рўёбга чиқарганлардан. Унинг богида табиат ардоқда, инсон кўли, қалб кўридан бу ерлар гул-гул яшиб турибди.

Абдужалил ака Темуrows сингари богдонлар Жиззаҳ областида оз дейсизми? Қораболдода бог яратган Мусакул ота Оролов, Дўстлик посёлкасида чинороз барпо этинда ташаббускор бўлган Сафар ота Жуманов, Маржонбулоқ кенгликларига сув чиқариб, мевали дарактлар ўтқаган Соат ака Ирибоевларни бундай саховатли ишга қўл уришга ундаган тўйгу табиатга бўлган кезиксиз муҳаббат эмасмикин?! Ҳа, албатта, яхшидан бог қолади, деганлари шу бўлса керак.

Пардабой ТОЖИБОВ

## ЯНА ЁНҒОҚ ҲАҚИДА

Ҳурматли редакция, биз «Гулистон» журналида М. Тўйчиевнинг «Лужмок дарахти» номли мақоласини зўр қизиқчи билан ўқидик. Мақолада ёнғоқнинг жуда кўп касалликларга даво эканлиги тўғрисида гапирилади-ку, бироқ ундан қандай фойдаланиш ҳақида маълумотлар келтирилмайдими. Иложи бўлса, ёнғоқ маҳсулотлари асосидаги дори-дармонлар ва улардан қай усулда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар келтирсангиз.

Раҳмат ЧОРИЕВ,  
Денов районидagi  
«Партия XXV съезди»  
колхозчи

\* \* \*

Ёнғоқни азамат дарахт деганларича бор. У фақат ўзининг кўркамлиги билангина эмас, балки тўйимли мағиздан тортиб, қобигигача, метиндек ёғочидан тортиб баргигача таботат оламида жуда қадрланади.

Қадим-қадим замонлардан бери халқ таботатчилигида ёнғоқ маҳсулотлари бир қатор хасталикларни даволашда кенг қўлланиб келинган. Жумладан, ёнғоқнинг хомлигидаги қобик шираси гуш (эксэма), кўтир (дерматоз) каби тери касалликларини даволашда қўлланилган.

Илмий мабалада баён этилишича, ёнғоқ баргларидан тайёрланган киём тери, лимфа тутамлари, айрим сил касалликларини даволашда ижобий натижа беради. Ёнғоқ барглари асосида тайёрланган дамбама тақим, бўкса ва бел оғрикларига, сачратма тошмаларда, селли темирраккида ва милкак азиятга қарши тавсия этилади. Шунингдек, сарик касаллигинда, ширинча ва мичал хасталикларига ёнғоқ барги дамбамадини ичиш лозим кўрилади. Ёнғоқ барги асосида тайёрланган спиртли дамбама (настойка) бедармонликда, силла куришида, лохасликда, тери иллатларида тавсия этилади.

Уз даврида буюқ олим Абу Али ибн Сино ёнғоқнинг хосиятлари устида тўхталиб, ундан атрофлича ўз амалиётида фойдаланган. Чунотчи, у барг ширасини илқ ҳолда кулоқ ичи фасодланганда томишини маъкул кўрган. Ёнғоқ ёғини эса оқма ва бошқа яраларга суртиш учун қўллаган. Ибн Сино ёнғоқ қобигидан тайёрланган қайнатмани бечадондан қон кетишини тўхтатишда ва гижжа ҳайдовчи восита сифатида тавсия этган.

Ёнғоқ мағзи энди сут иқкдан пайтда ниҳоятда фойдали бўлади, унинг таркибида салмоқли миқдорда витаминлар тўпланади. Шу босқанд ҳам ёнғоқнинг ҳали етишмаган мевасида санот миқёсида витаминли концентратлар олинади. Ёнғоқ баргларига С, В, Р витаминлари, А провитамини, эфир мойлари, ошловчи моддалар, фитонцидлар ва бошқа моддалар бор. Ёнғоқ мағзида эса 70 процент ёғ, оқсил, қанд, А, В, С витаминлари ва минерал тузлар мавжуд.

Ёнғоқ дарахтининг серхосиятчилигини белгилайдиган яна бир қатор сабаблар бор: ўсимликнинг барги, пўстлоғи, илдизи на мева қобигида жуда кўп миқдорда ошловчи-хурушлаштирувчи моддалар бўлганлиги туфайли, улар кўнчилик сановатида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, ёнғоқ маҳсулотларидан олиннадиган ноёб ранглар тўқимачилик сановатида кенг қўламда ишлатилади.

Халқ таботатида ёнғоқ баргларидан уй шаронтида дамбама тайёрлаш учун

куритилган ва кукунлаштирилган барглардан бир чой қошиқ миқдорда олиб, бир стакан қайноқ сув билан дамбама қўйилади. Дамлама сувотиндан сўнг шарбат шамадан сузувчи мато воситасида ажратиб олинади. Муолажа учун шарбатдан ош қошиқда кунига 3—4 марта истеъмол қилинади.

Шифоли қайнатма тайёрлаш учун бир ош қошиқ миқдорига барг кукунидан олиб, 2 стакан қайноқ сув билан 20 минут давомида енгил алағта устида қайнатилади. Сўнг у ҳам дамбамага ўхшаб сузувчи матодан ўтказилади.

Ёнғоқнинг сархил баргларидан ҳам мойли дамбама тайёрлаш мумкин. Бунинг учун 50—80 грамм миқдорда қиймаланган сархил ёнғоқ барглари олинб, ёқидрилиб, совутиллач, 300 грамм кунгабокар мойи билан араштиралиди ва уй хароратида 20 кун дамбама қўйилади.

Уй шаронтида ёнғоқдан қуйидагича спиртли дамбама тайёрланади: бир литр спиртга (бўлмаган тақдирда, арок) 30 дونا ёнғоқ гўраси яхшилаб майдаланган ҳолда солинди-ди, 14 кун давомида офтобга қўйилади. Халқ таботати билимдонни А. П. Поповнинг берган маълумотларига қараганда, овқат меъдада ҳам бўлиши қийинлашганда ёнғоқнинг спиртли дамбама ижобий тасъир кўрсатади. Бунинг учун ёнғоқ дамбамадан овқатлангандан сўнг бир културм ичиш лозим бўлади.

Ёнғоқ баргининг яна бир аjoyиб хусусияти борки, бу ҳам бўлса унинг турли ҳашарот ва куларга қирон келтирувчи ис чиқариб туринишлигидан. Шу босқанд ҳам тадбиркор кишилар газаанда ва курт чиқадиган, куй тушадиган жойларга ёнғоқ баргларини осадилар ёки болнича қилиб қўйдилар.

Кўриниб турибдики, ёнғоқ ўта хосиятли дарахт. Олимларимизнинг берган маълумотларига қараганда, ҳозирги даврда табиий ва маданий равишда ўстирилувчи ёнғоқлар сони сезиларли даражада камайиб кетган. Бир вақтлар дастурхонимиз хусни бўлган қоғоти, галирак ёнғоқлар камёб бўлиб қолди. Шу босқанд кўркам табиатнинг саховати бўлган ёнғоқ дарахтларини кўпроқ экиб қўпайтирсак, жуда хайрли иш бўлар эди.

Маннон НАБИЕВ,  
доришунос

## ЭЪТИБОР КЕРАК

Салом, ҳурматли редакция! Мен учун кунларда ва келажак учун меҳнатқилларнинг меҳнат шаронтиларини яхшилаш борасида

қилиниши зарур бўлган, озгина эътибор талаб муаммолар хусусида баъяман. Матълумки, ўл-камизда айни пишиқчилик пайтда ҳар бир деҳқоннинг, ишчининг кўни-қўлига тегайди. Ҳаммаунг фикру хаёли ёғ бўйи ҳалол меҳнати билан етиштирган мена-чева, сабзавотларни ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб бериш, ўз зиммаларидаги план ва мажбуриятларини муваффақиятли бажаришда бўлади.

Тасаввур қилинг, миришкорлар даласида помидор, узум, олма, ўрик ва ҳоказо табиат ноз-неъматлари гарк пастиган. Бир томонида етиштирилган ҳосил пешмапеш йиғиштирилиб янқиларга жойлаштириляпти, бир томонида, қол машиналарига ортляпти. Битта сабзавотчилик эвеносида кунига ҳар бири 35—40 килограммдан келадиган 160—170 яшиқ ҳосил йиғиштирилади. Уларни ўлаб деҳқонлар оила аъзолари билан машиналарга юклайди. Борингки, етиштирилган ҳосил қабул пунктларига ҳам жўнатилади. Ҳамма сарсонгарчилик энди бошланади. Помидор ортанга транспортлар кунлаб завод қабул пунктларини олдига туриб қолади. Икки-уч кундан сўнг олма, узум, қарам ортланган машиналар ҳам «иққаллаб-сиққаллаб» яна изига қайтиб келади. Деҳқон энди нима қилиши керак? Қайсидаги ташкилот раҳбарларининг укув-сизлиги, ишбилмаслиги, бепарволиги оқибатида деҳқоннинг йил бўйи чеқкан захмати, меҳнати чиппакка чиқади. Ёнг оғир зарба кўнгида тегади.

Мен бу воқеалар Самарканд районидagi «Ўзбекистон» колхози далаларида юз бераётганининг гувоҳи бўлганим учун баъяман. Нобудгарчиликнинг чеки борми? Чекилаётган захматни енгиллаштириб бўладими? Менимча, колхоз-совхоз раҳбарларининг бироз талабчилиги, тадбиркорлиги оширилса, албатта бўлади.

Масалан, даладаги юкларини машинага ортиш ишлари махсус транспортёрлар ёрдамида бажарилса — олам гулистон. Қабул пунктларидаги маъсул шахслар мена-чевани қайта ишлаш корхоналарида деҳқон меҳнатига бироз хурмат ва эътибор билан қараса, ҳалқимиз дастурхон шарбатга тўлқ нарқ олмалар, ширин-шакар узум ва бошқа мена-чевалар билан янада бойган, ҳаммаунг кўнгли тўқ бўлган бўларди. Хар қандай нобудгарчиликларнинг олди олинган бўларди.

Қамол РАҲМОНОВ,  
колхозчи

Самарканд райони



## КЎЗА КУНДА СИНМАЙДИ...

ҲАЖВИЯ

Ошхонада тушки овқат пишираётган Ҳожархон кўча эшикнинг кўнгириги жиринглашидан чўчиб тушди. Катагида салқинлаб ётган кучук занжирини пилдиратиб йўлак томонга интилди. Сўнг қулоқларини динг қилиб ириллади. Ҳожархон кучугига қараб: «Учир овозингни», дегандек кўл силтади.

Бу хонадонда ҳамма нарсани ими-жимиди бажариш одат бўлиб кетган. Кўни-кўшнилари билан кирди-чиқди йўқ. Лекин ҳовлидан одам аримайди. Келиб-кетувчилар ҳам ғалати одамлар: улар тўлиб-тошиб келишади-ю, сўнпайиб чиқиб кетишади.

— Кимсиз? — деди Ҳожархон ингичка товушда эшитилар-эшитилмас.

— Комилжонман, эшикни очинг.

Эшик очилди. Унинг қаршисида Комилжон жилмайиб турар эди, орқасидаги ҳамроҳини Ҳожархон танимади.

— Ассалому алайкум, янга, дарвозаним очақолинг.

Ҳожархон чакқонлик билан

дарвозани очди. Сирли «меҳмон»лар ичкарига кириб, бир зумда, ишга тушиб кетишди, катта целлофанга ўралган гўштни Комилжон даст кўтариб подвалдаги «Зил» холодильнигига жойлаштириб чиқди.

— Янга, мана шуни акамларга бериб қўйсангиз, — деди хўжайиннинг дастери рўмолчага ўроғлиқ нарсани узатиб. Ҳожархон туғунни кўлига олдию кафтига чўғ тушгандай сесканиб кетди.

— Нима бало ўзи бу сабил қолгур? — деди талмовсираб.

— Олиб қўверинг, аяжон, биз акам билан келишиб олганмиз. Очигини айтсам, ая, бир жиянимнинг тақдир акамнинг қўлида. Энди шу жиянимнинг ҳам кўкрагига шамол тегсин-да, бир оғиз гапингиз...

— Жуда шайтоннинг ўзисиз-да, Комилжон, — деб мулоимлашди Ҳожархон.

— Ҳа, энди, уч йилдан бери хизмат қилиб акамларнинг феълларига яхши тушуниб олганман, — деди Комилжон.

«Ҳа, адаси тушмагур-ей, доим

менга: «Кўзинг оч... оч», деб юзимга солганлари солган, кўзимни оч қилишимга ҳам ўзлари сабабчи-ку, юборган нарсаларини қайтариб бўладими? Яна пўписа ҳам қилиб қўядилар: Ўзлари-чи, вақти келса туяни ҳам бир ямлашда ютиб юбориб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб тураверадилар. Агар юборган нарсаларини олмасам борми?... «Тўйиб қолдингми, ортиқчалик қилдингми? Ўйга ўз оёғи билан келган нарсани қайтариб бўладими», деб миямини қоқиб қўлимга беради. Телефон қилиб кўнглини тинчи-тиб қўяй».

— Алло... адаси, юборган нарсаларингизни жойлаштириб бўлдим. Кўнглингиз тинч бўлсин. Қуруғиям борга ўхшайди. Ҳой, нега жимсиз? Алло, алло...

Трубкадан бегона эркакнинг овози эшитилди:

— Яхши, яхши, биз ҳозир борамиз.

Ҳожархон трубкани жойига қўйиб, ваҳима билан шивирлади: «Вой, ўлай, энди нима қиламан, бегона овоз-а. Вой, энди нима бўлади? У кишининг қилгилликларини билиб юришган бўлса-я.

Шу пайт кўча эшик кўнгириги жиринглади. Катакда ётган олапар эринибгина туйнукдан бошини чиқариб йўлакка қаради. Кўча эшик олдига югуриб борган Ҳожархон эшикни очолмай дағ-дағ титраб турарди.

Анвар САИДУМАРОВ



Стадион — «яйлов».

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Ромчининг ромидан  
Ўзининг хом хаёлинг яхши.

\* \* \*

Пастак тоғда қор бўлмас  
Арақхўрда ор бўлмас.

\* \* \*

Ёмоннинг касофати ўзидан олдин  
юрар.

\* \* \*

Дўстини ёмонлагандан қоч.

\* \* \*

Бир кўз билан ёш тўкиб,  
Бир кўз билан им қоқма.

\* \* \*

Ўтни кўз ёш билан ўчириб бўл-  
мас.

\* \* \*

Яхшининг юзуда зулук ҳам хол  
бўлиб қўринади.



— Эшмат акамнинг ўғлига бир қаранг, отасидан ҳам қарига ўхшайди-я?!

— Эшмат ака ичмайди, чекмайди, спорт билан шуғулланади. Сочи ўсган тирнача бунинг акси... у қаримай, ким қарисин!

Н. Иброҳимов чизган расмлар.



## КАСПАРОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги матчи бу йил биринчи партияданок кескин (матч бошланиши борасида журнализмнинг ўтган сонида хабар қилган эдик) тус олди. Уч марта жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ҳам, чемпионликка даъвогар Гарри Кас-

паров ҳам барча доналарни жўр қилиб қуйлата оладиган тенгсиз шахмат бастакорларидир. Уларнинг ҳар бири қўшиқни ҳам, куйини ҳам ўзлари яратадилар, доналарни эса ўзларига хос қуйлатадилар. Шахмат доналари вуситасида улар қуйлатган қўшиқ — тафаккур қўшиғи. Зеро, бу матчи, тафаккурлар қўшиқлари баҳси десак янглишмаймиз. Бу баҳсда ҳар иккала шахматчи ҳам бемисл истеъодларини намоян этдилар, ҳар бир партиядо янгиликка интилдилар.

Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги матчининг 12-партиясида дебютга янгилик киритилиши фикримиз тасдиғидир. Ваҳоланки, шу пайтга қадар шахмат дебютлари тамоман ишлаб бўлинган, деган фикр бор эди. Гарри Каспаров ишлаб бўлинган дебютларнинг сицилианча ҳимоя дебютютида янги қўриқ оча билди ва бу янгилик Гарри Каспаров номи билан аталадиган бўлди. Келинг, яхшиши ана шу партияди биргаликда кўриб чиқайлик.

А. КАРПОВ — Г. КАСПАРОВ  
Сицилианча ҳимоя

1. e4 c5 2. Kf3 e6 3. d4 cd 4. K:d4 Kc6 5. Kb5d6 6. c4 Kf6 7. Kb1c3 a6 8. Ka3 d5?!

Худди мана шу ерда чемпионликка даъвогар қутилмаган юришни бошлаб берди. Илгари дебютда бундай юриш учрамаган ҳамда назарий жиҳатдан асосланмаган эди. Баъзи шахмат мутахассислари мазкур юришни Г. Каспаров ўйин давомида импровизация — бадиҳа қилди, деган фикрни илгари суришса, бошқалар уни, узоқ тайёргарликдан кейинги кашфиёт деб баҳолашди. Иккинчи фикрдагилар ҳақ бўлиб чиқдилар. Чунки бу юриш кейин ҳам такрорланди ва даъвогарга ғалаба келтирди. Биринчи қарашда мазкур юриш бир пиёдан бой беришга олиб борадигандек қўринади: 9. cd ed 10. ed Kb4 11. Sc4... Дарҳақиқат, оқлар бир пиёда устунликка ага бўлди. Бироқ қора доналар вазиятни яхшилаб олди: 11...cd4?!

Бу ҳам қутилмаган юришдир. Оқ фил пиёда ҳимоясидан қайтишга мажбур: 12. Se2. Балки оқлар бошқача йўллари ҳам қўллаши мумкин. Ҳозирча бу жумбоқ. Негаки, Г. Каспаровнинг бу дебютига қарши кураш усули ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли ўйин қуйдагича давом этди: 12... C:e2 13. Ф:e2 + Фе7! 14. Се3... ана энди қора доналар бой берган пиёдасини қайтариб олди ва вазиятни тенглаштирди: 14... Kb :d5 15. Кe2 K:e3 16. К:e3 Фе6. Оқлар пайтдан фойдаланиб рокировка қилиб олди: 17. 0-0 Се5 18. Ле1... Қора доналар ҳам дарҳол рокировка қилиб, шохни хужумлардан тўсиб қўйди: 18... 0-0. Кўриниб турибдики, кучлар бараварлашди. Шу боис рақиблар ҳам ўйинни чўзиб ўтирмасдан дурангга рози бўлишди. Бу партия матчидаги энг қизиқарли, айни пайтда энг қисқа партия сифатида шахмат тарихига кирди. Мазкур матчининг ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи партияди ҳам жуда қизиқарли, кескин

тафаккур жанги билан, бетакроп кўшиқлардай жаранглаб, шахмат ишқибозлари қалбини ҳаяжонга тўлдирди. Ун олтинчи партияга бориб, матчда кескин бурилиш юз берди. А. Карпов Г. Каспаров қиритган дебют янглигига қарши чора тополмай қолди. Чемпионликка даъвогар ўн иккинчи партияда намойиш этган дебютини яна такрорлади ва бу сафар ғалаба қозонди. Биз бу дебютни юқорида кўриб ўтдик. Г. Каспаров ўн олтинчи партияда қандай ютуққа эришганини кўриб ўтиш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

**А. КАРПОВ — Г. КАСПАРОВ**  
Сицилианча ҳимоя  
1. e4c5 2. Kf3e6 3. d4d 4. K:d4  
Kc6 5. Kb5d 6 6. c4Kf6 7. Klc3 a6  
8. Ka3 d5! 9. cd ed 10. ed Kb4,  
Маълумки, ўн иккинчи партияда оқ фил пьедани ҳимоя қилиш учун с4га юрган эди. Бу сафар

Анатолий Карпов бошқача йўл танлади: 11. Se2... Лекин Г. Каспаров бой берган пьедасини қайтариб олишга шошилмади. Фавқулодда яна янги йўл бошлади: 11... Sc5!? Чунки пьедани қайтариб олса (11... Kb d5 12. Kd5 K:d5), оқ доналарнинг марказда маълум даражада ҳужум вазияти яхшиланади. Шу сабабли даъвогар тезроқ фигураларни ўйинга чиқаришга ҳамда вазият устунлигига эришишга ҳаракат қилиб, филии ўйинга чиқарди. Оқ доналар рокировка қилди; қора доналар ҳам рокировка қилиб, ҳужум уюштиришга қолганиши:  
12. 0-00-0 13. Cf3 Cf5 (ҳозирча оқлар пьедасини мустаҳкамлади), 14. Cd5Le8 15. Fd2b5 16. Jlad1K d3! (қора доналарнинг шу ўринда аспни суриши ниҳоятда кучли юриш бўлди, оқларнинг имкониятини чеклаб қўйди. Олга ҳаракат қилаётган ортиқча оқ

пьеданинг ҳам келажигидан умид қилиш қийин). 17. Kab 1 h6 18. Ch4b4 19. Ka4 Cd6 20. Cd 3 Lc8! Курииб турибдики, оқ доналар «камалиб» қолди. Қора доналарнинг вазияти эса, жуда ҳам яхши.  
21. b3d5 22. C:d6 F:d6 23. q3 K d7 (аспнинг орқага қайтиши айни муддаогадигек). 24. Cd2Ff6 25. a3 a5 (қораларнинг ҳужуми тобора кескинлашаётир). 26. adad 27. Fa2 (қисилиб қолган оқ фарзин ноилж ўзига йўл қидираётир, аммо бу ерда ҳам қанот ёйиши амри маҳол)...C d6 28. dbq4 (кутилмаганда бу пьеданисуриш, гўёки ҳеч қандай натижа бермайдигандай туюлади, бироқ унга катта мақсад юкланган). 29. F d2 (яна ўз ўрнига қайтиб келди). Kpд7 30. f3 F:d6 31. fqFd4 32. Kph1Kf6 (қора доналарнинг бу юриши ҳам ниҳоятда кучли бўлиб, кейинги юришларида оқ

доналарга жиддий хавф турдирати). Анатолий Карпов танг аҳволда қолганлиги ва имконидеги вақт тугаб бораётганлиги учун Г. Каспаровнинг бўлажак ҳужумига мана шундай чора қўллашга мажбур бўлди: 33. Lf4?! Ke4 (ҳужум бошланди). 34. F:d3 Kf2+35. J:f2 C:d3 36 Lfd2Fe3! 37. J:d3Jc1 38. Kb2 Ff2! 39. Kd2 J:d1 40. K:d1Le1+. Оқлар таслим бўлди.  
Матч охирида борган сайин кураш қизгин тус олди. Ҳар бир партия ҳаяжонли, қизиқарли, моҳирона, фавқулодда юришларга бой бўлди. Гарри Каспаров 13:11 ҳисоби билан катта ғалабани — шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Лекин унинг олдида ҳали курашлар кўп. Демак, шахмат тахтаси узра тафаккур қўшиғини у кўп марта жаранглади.

М. ЭРГАШЕВ

## «НАВОЙИ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ

1. Беш мустақил дostonни ўз ичига олган асар. 2. «Лайли ва Мажнун» дostonи қаҳрамони. 3. Навоийнинг ер ва мулк масалаларига оид асари. 4. Навоий билан яқин дўстона муносабатда бўлган улуг форс-тожик мутафаккир шоири. 5. «Хамса» қаҳрамонларидан бири. 6. Алишер Навоий ҳақида илмий асарлар муаллифи бўлган атоқли рус шарқшунос олим. 7. Шоир замондоши, классик расом. 8. Навоий маҳорат билан ижод этган шеърин жанрлардан бири. 9. Машҳур тарихчи, Навоий замондоши. 10. Шеърин тўллам. 11. Еш Навоий истеъдодига юксак баҳо берган ўзбек мутафаккир шоири. 12. Шоир газали билан айтиладиган машҳур лирик кўшиқ. 13. Алишер Навоий асарларининг бир қанча қаҳрамонларининг сувратларини моҳирона чизган Ўзбекистон ССР халқ расоми. 14. Арузда рубоий вазнининг номи. 15. «Хамса»даги ижобий қаҳрамонлардан бири. 16. «Алишер Навоий» фильмида бош қаҳрамон ролини ижро этган актёр, СССР халқ артисти. 17. Шоир дostonи асосида яратилган опера. 18. Шаклдош сўзлардан иборат қофияли шеър, сўз ўйини. 19. Шеър мисраларида қофиядан кейин такрорланиб келадиган бир хилдаги сўзлар. 20. Классик шеърин жанр. 21. «Сабъи сайёр» дostonидаги ҳикоялардан бирининг қаҳрамони. 22. Навоий замондоши, шоир, мусикашунос. 23. Шоирнинг муаммо жанрига бағишланган рисолати. 24. Шоир тахаллусларидан бири. 25. Шеър сатри. 26. Бирор киши ёки ҳодиса улугланиб ёзилган шеър. 27. Ойбекнинг машҳур тарихий романи. 28. Классик адабиётда кенг оммалашган лирик жанр.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

### 10-СОНДА БОСИЛГАН «ФАН» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Ал-Киндий. 2. Форобий. 3. Алифбе. 4. Келдиш. 5. Табиёт. 6. Фонетика. 7. Кинетика. 8. Бюника. 9. Мантик. 10. Дизель. 11. Дарслик. 12. Механика. 13. Улугбек. 14. Қобулов. 15. Алгебра. 16. Лебедев. 17. Каримов. 18. Муминов. 19. Мичурин. 20. Беруний. 21. Галилей. 22. Авлоний. 23. Папанин. 24. Рентген.

**Биринчи бет:** Ташкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 1-мактаб ўқитувчиси, Қаҳрамон она Муҳаббат Бобоева ўз ўқувчилари даврасида.

**В. Мосин фотоси**

Самарқанд область, Иштихон район, Ильич номидаги колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Рабим Етқиров. **А. Жумаев фотоси**


**Тўртинчи бет:** СССР халқ врач, Чкалов номидаги Ташкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси медицина-санитария қисми бошлиғи Илғос Эргашев. (Шу сондаги «Шифокор бахти» сарлавҳали мақолага қаралин).

**В. Мосин фотоси**

Зарварақнинг 4-бети: Қиш манзаралари. **М. Штейн фотолари**

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларга қайтарилмади.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.



Бош редактор **МИРМУҲСИН**

Редакцолегия: **С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МУЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ** (масъул секретарь), **И. ХАЙДАРОВ, О. ХУСАНОВ** (бош редактор ўринбосари), **Ҳ. ХУСНИДДИН-ХУҲАЕВ, К. ЯШИН.**

«Гулистон» — ежемесячий, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Ташкент-П, Ленин кўчаси, 41


Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; расомлар бўлими — 32-58-32

Босмаҳонага туширилди 18.10.85 й. Босишга руҳсат этилди 22.11.85 й. Р—09590 Қоғоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр тобоғи 7,80. Тиражи 209912. Вуюртма 1961. Нашр А—118—.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. 700000, Ташкент—П, Ленин кўчаси, 41.



Андижон пойафзал фабрикаси 7-цехи ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Мўтабархон Гойибназарова.



Фабриканинг ташаббускор ишчиларидан — ёш коммунист Хатирaxon Хайроқуллова.



7-цехнинг умумий кўриниши.



## БАЛАНД РУҶ БИЛАН

Андижон пойафзал фабрикаси миллий ва болалар оёқ кийимларини тикиш бўйича ихтисослашмоқда.

Фабрика ишчи-хизматчилари давлат планларини кўнгилдагидек бажариб келмоқдалар. Шу йил охиригача пландан ташқари 39 минг жуфт пойафзал — 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ниятидалар. Бир йиллик планлари эса 4 миллион 770 минг жуфт пойафзални — 24 миллион 70 минг сўмлик маҳсулотни ташкил этади.

Бу йил андижонлик ишчи-қосиблар маҳсулот таннархини 0,6 процентга туширдилар, меҳнат самарадорлигини 1,1 процентга оширдилар. Натижада фабрика кўзда тутилганга нисбатан 128 минг сўм кўп фойда олди.

Фабрика меҳнат аҳли йиллик планини шу йилнинг 28 декабрида, беш йиллик плани эса 5 декабрь куни бажаришга аҳд қилган.

А. ЖДАНОВ

Коммунистик меҳнат зарбдори, комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Умида Екубова.

Автор фотолари



Баҳоси 35 тийин  
Индекс 75233.  
ISSN 0134—2207